



37.091,
ГТ-71.

С.А.ТОШТЕМИРОВА

КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ





39.091

7-71

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

С.А.ТОШТЕМИРОВА

КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ
АСОСИДА ТАЪЛИМ
СИФАТИНИ ОШИРИШ

Монография

- 12067 -

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM YAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ
«ISHONCHLI HAMKOR»
2021

УДК: 37.091.3:001.895

КБК: 74.04

Т 71

Тоштемирова С. А.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш [Матн] /
С. А. Тоштемирова. - Тошкент: «ISHONCHLI HAMKOR», 2021. - 188 б.

Мазкур монографияда педагогик таълим кластерининг илмий-назарий исослари ва уни амалиётга татбиқ этиш механизmlари ёритилган. Таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида эътироф этилаётган таълим кластерининг таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантиришдаги иҳамияти, унинг назарий жиҳатлари, таълим хизматлари бозорида ракобат-бардошлини ошириш воситаси сифатидаги ўзига хос жиҳатлари кўрсатиб берилган. Умумий ўрга таълим муассасаларида таълим кластерини жорий килининг педагогик ва методик жиҳатларига тўхталиб ўтилган. Таълим кластерини амалиётта жорий этишининг шакли сифатида қаралаётган “мактаб-лаборатория” инновациян тажриба майдончалари фаолияти ва унда таълим кластери воситасида ижтимоий буюртмани таъминлаш услугиёти келтирилган. “Мактаб-лаборатория” майдончаларида таълим сифатини оширишга қаратилган лойиҳалар фаолияти тақдим қилинган, шунингдек, ушбу муаммолар билан боғлик асосий тушунчалар мазмуни келтирилган.

Монография педагогик олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари, бакалавриат ва магистратура талабалари, шунингдек, ёш илмий тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

Масъул мухаррир:

Ботирова Шахло Исимиддиновна – педагогика фанлари доктори (DSc); доцент.

Тақризчилар:

Мардонов Шукурулло Қўлдошевич – Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти профессори, педагогика фанлари доктори;

Ходжамқулов Умид Негматович – Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти профессори, педагогика фанлари доктори (DSc);

Турсунов Диёр Суннатович – Жиззах давлат педагогика институти педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD).

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти Илмий-техник кенгашининг 2021 йил 27 ноябрдаги 4-сонги мажлиси қарорига асосан нашрға тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7477-7-7

© Тоштемирова С. А., 2021.

© «ISHONCHLI HAMKOR», 2021.

СЎЗ БОШИ

Таълим ўз илдизларини илм-фан ва ишлаб чиқариш, ижтимоий турмуш, бир сўз билан айтганда, ҳаёт билан боғлай олган, ички ва турдош тармоқлар билан ҳар томонлама интеграцияга киришган тақдирдагина ўз олдига қўйган натижаларга эриша олади. Фан, таълим-тарбия ва иқтисодиётнинг ўзаро чукур, ҳар томонлама узлуксиз алоқасини таъминлай олган ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ эта олган давлат эса тараққиётга эришади. Таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли йўналишларини аниқлаш, айниқса, педагог кадрларнинг касбий малакалари ва билим савиёсини узлуксиз юксалтириш энг дол зарб масалалардандир.

Таълим тизимининг марказида инсон капитали, уни тўғри тақсимлаш, ундан самарали фойдаланиш ва мақсадли йўналтириш туарар экан, бунда мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим тизимини жамиятнинг барча манфаатдор томонлари, таълим жараёнининг барча субъектлари билан яхлит бир бутунликда бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш ҳамда таълимнинг тўлиқ узлуксизлигига эришиш олдимиизда турган муҳим вазифалардандир. Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлаш узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш тизимига ўтказиш заруратини тақозо этмоқда.

Педагогик таълим инновацион кластери узлуксиз таълим тизимидағи барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги вазифалар тақсимланган фаолияти педагогик таълим тизими ни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради. Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролик ва касбий лаёқатлилик даражаси билан, балки рақобат-бардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришдан иборат эканлигини инобатга олсак, мзкур монография долзарб аҳамиятга эга бўлиб, келажак таълими учун зарур назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Гафурджан Исраилович Мухамедов
Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби,
кимё фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар бугунги глобаллашув шароитида ижтимоий соҳаларнинг барқарор тараққиётини белгилашда таълим соҳасини модернизация қилишга алоҳида эътибор каратмоқда. Бу, албаттa, таълим тизимиға янги инновацион ёндашувлар, самарали ўзгаришлар ва педагогик технологияларни фаол татбиқ этиш жараёнлари билан боғлиқ равишда кечмоқда. Жаҳон амалиётида таълимнинг барча турлари ва босқичларида самарадорликни ошириш ва такомиллаштиришнинг янги механизми сифатида қаралаётган кластер моделини янада ривожлантириш натижасида таълим парадигмаларининг янги имкониятларини топиш, субъектларнинг манфаатли ҳамкорлигини йўлга кўйиш орқали уларнинг истиқбол натижаларини кафолатлаш, шахснинг сифатли таълим олишига хизмат килувчи янгича ёндашув ва усулларни ишлаб чикиш тобора долларб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда таълим шаклларини замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талаблари асосида диверсификациялаш, ўқитиш усулларини технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштириш, таълим сифати назарияси ва методологиясининг етакчи ғояларини татбиқ этиш узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларига асосланган кластерли ёндашув орқали амалга ошириш бўйича катор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда “STEAM – таълим” дастури асосида ўқувчиларда илмий дунё-қарашни ривожлантиришнинг индивидуаллаштирилган ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиши, PISA, TIMSS, PIRLS каби халқаро баҳолаш дастурлари талабларига мувофиқ таълим жараёнида назарий билимларнинг ҳаётийлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Интеграция шароитида ижтимоий буюртмани истеъмолчилар талабига мувофиқ мақсадли шакллантириш орқали педагогик жараён иштироқчиларининг компетенцияларини ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Республикамизда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига мос равишда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчи шахснинг компетенциявий имкониятларини касбга йўналтириш орқали янада такомиллаштириш, компетентли кадрларнинг

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

инновацион фаолияти асосида “билим фанга фан ишлаб чиқаришга” тамойилини амалга оширишда интеграцион ёндашув имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурати кучаймоқда. Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида “таълим мазмуни ва сифатини ошириш, рақобатбардош, юқори билим ва қўникмаларга эга олий маълумотли педагоглар тайёрлашда самарадор бўлган педагогик таълим инновацион кластерларини жорий қилиш”¹ механизмлари янада такомиллаштирилмоқда. Бу эса, умумтаълим мактабларида кластер ёндашуви асосида таълим турлари ва мазмуни интеграциясини таъминлаш, ўкувчининг қобилияти, иқтидори, креатив компетентлигини шакллантириш ҳамда шу асосида касбга йўналтириш самарадорлигини ошириш муаммоси чукур ўрганилишини тақозо этади.

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифаларни бажаришга муайян даражада хизмат қиласди.

Республикамизда педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари, унинг узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик билан боғлиқ янги инновацион тузилма сифатидаги тавсифи ва амалиётга татбиқ этиш механизмлари F.Мұхамедов, Ш.Мардонов, У.Ходжамқулов, Р.Эшchanов, Д.Бекchanов, Ж.Усаров, А.Рахимов, Ш.Ботироваларнинг ишларида муайян

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 213-сон қарори // Қонун хужжатлари маълумотлари миллый базаси, 14.04.2021 й., 09/21/213/0330-сон.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

даражада ёритилган¹. Шунингдек, узлуксиз таълимнинг асосий ташкилий-педагогик, дидактик шарт-шароитлари, услугубий ёндашувларини назарий ва илмий-методик жиҳатдан такомиллаштириш технологиялари, таълим сифати самарадорлигига эришиш имкониятлари бўйича Р.Ахлиддинов, У.Бегимқулов, М.Вахобов, Л.Голиш, Р.Джўраев, У.Иноятов, Ж.Йулдошев, М.Махмудов, О.Мусурмонова, М.Юлдашев, Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалилов², таълимда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, фанлар-аро алоқадорлик масалаларида Б.Абдуллаева, Н.Абдуллаева,

¹ Мухамедов Ф.И., Хўжамкулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери / монография -Т.: Университет, 2020. 280 б.; Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), - P. 8104-8111.; Mukhamedov, G., Khodjamkulov, U., Shofkorov, A., & Makhmudov, K. (2020). Pedagogical Education Cluster: Content and Form. Theoretical & Applied Science, 01(81), - P. 250-257. ; Usarov. J. Using Teaching Methods for Development Student Competencies // International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 2019. 15(1), -Р. 272-274.; Ходжамкулов У. Педагогик таълим кластери (Тошкент вилояти тажрибаси). Монография. –Т.: Университет, 2020 й.; Ботирова Ш.И. Абадий таълим кластери . Монография. –Т.: 2021 й.

² Ахлидинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. – Тошкент: Фан, 2006. - 206 б.; Бегимқулов У.Ш. Олий педагогик таълим тизимига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишнинг илмий-педагогик асослари // пед.фанлари доктори дисс. – Т.: ТДПУ, 2007. – 250 б.; Вахобов М.М. Умумий ўрга таълим тизимида ўқитиши сифати мониторинги моделини такомиллаштириш // педагогика фанлари доктори дисс. –Т., 2016. - 260 б.; Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий // серия “Современные технологии обучения”. Издю 2-е. –Т.: ТГЭУ. 2010, - 151 с.; Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий // серия “Современные технологии обучения”. Издю 2-е. –Т.: ТГЭУ. 2010, - 151 с.; Иноятов У.И. Теоритические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже // автореферат. дисс. докт.пед.наук. –Т.: 2004. –С. 44.; Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш // Педагогика фанлари док.дисс.. Тошкент. 2016. –Б. 14.; Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим тизимини бошқариш. –Тошкент. “Турон-икбол”, 2006. - Б. 101.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Б.Адизов, А.Жуманов, С.Маҳкамов, Г.Файзуллаева¹, интеграцион ёндашув асосида ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш борасида О.Абдурахмонов, Д.Якибова, Р.Мавлонова, Н.Рахмонкулова², дарс машғулотларини интеграциялашнинг умумий хусусиятлари ва лойиҳасига доир машғулотлар структураси ҳамда технологиялари бўйича М.Тошпулатова, Б.Аъзамова³ каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида таълим кластерларини ривожлантиришнинг назарий асослари, жумладан, касбий таълим кластерини шакллантириш А.Леонтьев, Г.Мухаметзянова, Б.Пугачева⁴, фаолият ва педагогик лойиҳалаш назарияси В.Давыдов, Г.Ибрагимов, Б.Леднев,

¹ Абдуллаева Б.С. Фанлараро алокадорликнинг методологик-дидактик асослари / пед. фанлари докт. дисс. –Г: 2006. - 265 б.; Абдуллаев Ю.Н. Хорижда олий таълим: тажриба ва тараққиёт йўналишлари. –Т. Ўзбекистон. 1999, - 200 б.; Адизов Б.Р. Бошлангич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед.фан.док.. дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.; Маҳкамов С.Т. Тарих таълимида курслараро узвийликни таъминлашнинг дидактик асослари // пед. фанлари номз. дисс. – Т.: 2005. –Б. 180.; Файзуллаева Г.Ш. Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш (V-IX синфлар мисолида): пед. фан. фалс. док. дисс. автореф... – Самарканд, 2019. - 46 б.

² Абдурахманов О.К. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. -Т.: Фан ва технология. 2014. - 23 б.; Якибова Д.Ш. Бошлангич таълимда интеграция – интеллектуал тараққиёт омили сифатида // Замонавий таълим. 2016, № 11. –Б. 73-78.; Мавлонова Р.А. Бошлангич таълимнинг интеграциялашган педагогикиси. Методик қўлланма. – Т.: 2005.; Мавлонова Р. А., Рахмонкулова Н. Х. “Бошлангич таълимни интеграциялашнинг педагогик технологияси” Ташкент, Илм зиё, 2009.

³ Тошпулатова М.И. Методика совершенствования профессиональной подготовки будущих учителей начальных классов. / Наука и мир. Россия, -Волгоград, 2014, № 10 (14).; Тошпулатова М.И., Аъзамова Б.М.. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини ўқувчиларни математик тафаккурини ривожлантиришда интегратив ёндошув // НамДУ илмий ахб-маси. Наманганд, 2019, № 12.

⁴ Леонтьев А.В. Концепция развития регионального рынка образовательных услуг / А.В. Леонтьев, П.Н. Осипов. Казань, 2006. - 33 с.; Мухаметзянова Г.В., Пугачева Н.Б. Кластерный подход к управлению профессиональным образованием. Казань: 2007, - 144 с.

В.Сластенин¹, узлуксиз таълим концепцияси Б.Гершунский, В. Горемыко, А.Новиков², касб-хунар мактабларида таълимнинг ижтимоий шериклик ва бошқарув муаммолари П.Анисимов, Е.Корчагин, В.Панасюк, А.Субеттолар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий олимлардан А.Маршалл, M.Porter, O.Solvell, G.Lindqvist, C.Ketels³ кабиларнинг изланишларида илм-фандада таълим кластери бир нечта элементларнинг ўзаро алоқаси ва бир бутун мақсад атрофида бирлашиш билан боғлиқ ҳодиса сифатида тадқиқ этилган.

Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг интегратив мазмуни, модели ва методик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Монография кириш, уч боб, хулоса, тушунча ва атамалар мазмуни ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

¹ Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. –М., 2004. - 175 б.; Ибрагимов Г.И. Формы организации обучения в педагогике и школе. -Казань, 1994. - 168 с.; Леднев В.С. Содержание образования: сущность, структура, перспективы. –Москва: «Высшая школа», 1991. – 223 с.; Сластенин, В.А., Исаев, И.Ф., Мищенко, А.И., Шиянов, Е.Н. Педагогика: Учеб. пособие для студ. пед. учебных заведений / Под ред. В.А. Сластенина. М.: Школа-Пресс, 1997. - 512 с.

² Гершунский Б.С. Философия образования для XXI века - М.: Совершенство, 1998. – 345 с.; Горемыко М.В. Управление качеством общего образования региона на основе кластерного подхода // Дис.канд.пед.наук. - Москва, 2010. – 250 с.; Новиков А.М. Российское образование в новой эпохе / Парадоксы наследия, векторы развития. –М.: — “Эгвес”, 2000.

³ Маршалл А. Принципы политической экономии: монография / А.Маршалл. – Москва: Директ-Медиа, 2012. - 212 с.; Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, - 454 pp.; Sandhya Khedekar. Educational Management, TSCER III.1 Function of Education Management. 2007.; Solvell O., Lindqvist G., Ketels C. The Cluster Initiative Greenbook, 2003. Электронный ресурс: <https://www.hhs.se/contentassets>.

**I БОБ.
ТАЪЛИМ СИФАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИ**

- ❖ Таълим сифати ва уни бошқаришнинг фалсафий-педагогик асослари
- ❖ Таълим сифатига таъсир қилувчи ташкилий-педагогик омиллар

Таълим мазмуни ва сифатини ошириш, рақобатбардош, юқори билим ва кўниқмаларга эга олий маълумотли педагоглар тайёрлашида самарадор бўлган педагогик таълим инновацион кластерларини жорий қилиши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий вазифаларидан этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 213-сон қароридан

1.1. Таълим сифати ва уни бошқаришининг фалсафий-педагогик асослари

Таълим тизими ривожланнишининг ҳозирги босқичида жаҳон мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Япония, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва Европанинг иқтисодий ривожланган бошқа давлатларида таълимнинг ташкилий ва бошқарув тузилмаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида мамлакатлар умуммиллий бойлигининг ўртача 16 фоизи моддий капиталга, 20 фоизи табиий бойликларга тўғри келади. Бу кўрсаткичда инсон капитали 64 фоиз билан, Германия ва Япония каби ривожланган мамлакатларда эса 80 фоиз билан етакчи ўринда туради¹. Бу эса, замонавий жамиятларда инсон капиталининг нуфузи тобора ортаётганини, бунинг натижасида дунё мамлакатлар; таълим тизимини ривожлантириш ва бошқариш жараёнларида замонавий менежмент ҳамда унинг тамойилларига амал қилиш масалаларига катта эътибор бераётганини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганлариdek, “Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгacha бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”². Айнан шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида узлуксиз таълим тизимидағи интеграцион муносабатларни такомиллаштириш, таълимнинг бошқарув органлари фаолияти самарадорлиги ҳамда масъулиятини ошириш, ўкув-тарбия жараёнига илғор педагогик ва АҚТларини самарали жорий этиш орқали таълим сифатини таъ-

¹ Таълим бўйича Бутунжоҳон форуми. Якуний хисобот. –Дакар, Сенегал, 2000 йил 26-28 апрель.

² Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги // 28.12.2018 й.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

минлаш соҳаларига оид бир қатор қарорлар қабул қилинмоқда¹.

Замонавий жамиятда таълимнинг ривожланиши бу соҳада инновацияларни ривожлантиришдан иборат бўлиб, бунда таълим тизимидағи инновацион бошқарув амалиётларини жорий этиш ва уларнинг муваффакиятли намуналарини тарқатишга ёрдам беради. Инновацион жараёнларни бошқариш эса давлат таълим сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, уни айни пайтда олимлар, сиёсатшунослар ва жамоатчилик орасида муҳокамалардан ўтказилиб келинаётганлиги айни муддаодир.

Таълим сифати ва унинг самарадорлигини оширишдаги педагогик муаммоларни аниқлаш тадқиқот вазифаларидан бири эканлигини инобатга олиб, дастлаб, таълим сифатининг мазмун-моҳияти, фалсафий-педагогик таҳлили, ривожланиш босқичлари ҳамда унинг самарадорлигини таъминловчи бошқарув бўйича таҳлиллар олиб бориш назарда тутилди. Мавзуни назарий жиҳатдан кўриб чиқища, таълим сифати муаммосига тўхталиб ўтилди ва бу, биринчи навбатда, “сифат”, “таълим сифати”, “самарадорлик”, “таълим сифатини бошқариш” каби асосий тушунчалар моҳиятини таҳлил қилишни талаб қиласиди.


“Таълим” олдинги авлодлар томонидан ташкил этилган катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тажрибаларни доимий равища кейинги авлодларга етказишга йўналтирилган умумий жараён бўлиб, у ижтимоий институт, жамиятнинг ижтимоий қуйи тузилмаларидан бири ҳисобланади.

“Сифат” атамасига оид турли нуқтаи назарларни умумлаштириш натижасида бу атамани ҳар томонлама ифодалашга хизмат

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон фармони, 2018 йил 25 январь.; Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. ПФ-5712-сон.; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги “Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 213-сон қарори, Тошкент ш.

қиладиган таърифларнинг бир қатор мақбул вариантиларини көлтириш мумкин (1.1.1-расмга қаранг).

“Таълим сифати” эса, бутун таълим тизими таркибий қисм-



1.1.1-расм. Сифат тушунчаси таърифлари

Таълим сифати тушунчасининг фалсафий-педагогик моҳияти ва унинг ривожланиши тарихий давр босқичлари билан келтириб ўтилиши бу тушунчага нисбатан даврий муносабатни ҳам белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан таълим сифатини қуидаги даврлар асосида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Энг қадимги даврдан ўрта асрларгача бўлган давр.
2. Шарқ үйғониш давридан - XVIII аср гача бўлган давр.
3. XIX аср иккинчи ярмидан - XX аср ярмигача бўлган давр.
4. Мустақиллик даври (XX аср охири ва XXI аср бошлари).

Таълим сифати тушунчасининг келиб чиқиши энг қадимги давр манбаларида келтирилмаган бўлса-да, шу маънони англатувчи таърифлар мавжуд. Жумладан, педагог олимлардан Н.Алимова, Е.Семченко, С.Абдулина, Н.Багутдинова ва Е.Ефимовлар ўз тадқиқотларида “таълим сифати” тушунчаси шаклланшининг дастлабки босқичи қадимги дунё давлатлари мавжуд бўлган даврга бориб тақалади, деган фикри илгари сурган¹.

¹ Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиши сифати мониторинги моделини такомиллаштириш // педагогика фанлари доктори дисс. –Т., 2016. –Б. 19.

1. Энг қадимги даврда таълим-тарбиянинг мақсади, сифати, уни такомиллаштириш усуллари ва кутилаётган натижалари ҳақида бевосита бизгача етиб келган манбалардан билиш мумкин. Аристотель фикрига кўра, сифат маълум бир ҳолат, борлиқнинг фарқли жиҳатлари, предметга хос бўлган хусусиятлар, ривожланаётган ва ҳаракатланаётган объектнинг жойлашиш нуқталаридан иборат. У предметларни бир-бирига ўхшамайдиган, сифат жиҳатидан ўзига хос бўлган хусусиятларга эга, деб таъкидлайди. Демак, фалсафий талқинда таълимнинг энг самарали натижаси инсон камолоти билан белгиланиши лозим.

Конфуций таърифига кўра, таълимнинг асосий мақсади шахснинг маънавият, одоб-ахлоқ, анъаналарни билиши, кадриялар маданиятига эга бўлиши ва Ватанни севишида ўз аксини топади¹.

Юсуф Хос Ҳожибнинг таъбирича, ўқув, илм ва ақл беҳисоб меҳнат ва тинимсиз ҳаракат натижасида шаклланади. Юсуф Хос Ҳожиб каби аксарият Шарқ олимлари ҳам “доимий ва узвий машқ истеъоддининг боғбони”дир, дея эътироф этади².

Марказий Осиёнинг IX-XII асрлар уйғониш даврида таълим ва унинг сифати ўзига хос мазмун-моҳият касб эта бошлаган. Бу давр намояндаси Ал-Хоразмий ўқитиш жараёнида таълим олувчининг шахсий кузатишлари ва билимларидан амалда фойдалана олиш қобилиятига алоҳида аҳамият бериб, биринчилардан бўлиб, кузатиш-синов усулига асос солади.

“Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт-саодатга эришув тўғрисида”, “Илмларнинг келиб чиқиши” каби кўплаб ижтимоий-тарбиявий қарашлари акс этган асарлари билан инсонни сифатли таълим-тарбияга йўналтиришга ундан олим Форобий самарали ўқитиш усул ва услубларини таклиф қилиб, шахсни ўқитишда таълим-тарбия муҳимлигини ва у жамият талабларига жавоб беринини таъкидлаб ўтган.

Абу Али ибн Сино ҳам ўқитиш жараёнига муваффақиятли таълим усул ва мезонларини такдим этади. Жумладан, таъ-

¹ Атаева Н., Салаева М., Ҳасанов С. Умумий педагогика. Дарслик. II-китоб. Тошкент. 2013. – Б. 159-160.

² Ибрагимов X., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси / дарслик –Т.: Фан ва технология, 2008. –Б. 8.

лимда “оддийдан мураккабга”, “пастдан юқорига” каби таъмойиллари ҳисобга олиниши, ўқитиш жараённида боланинг ёш хусусиятлари, қизиқиши ва қобилияти, ўзлаштириш ҳолатлари кўра таълимнинг кейинги босқичига йўналтириш бўйича фикр юритган. Олинган билимларни оғзаки ифода этиш, мустакил, мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш орқали таълим олувчи олган билимларини амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириши мумкинлигини таъкидлаган. Таълим ва унинг сифатига юқорида келтирилган қарашлар бу даврнинг энг муҳим назарий ғоялари давлатчилик асосларида шаклланган комил инсон тушунчаси ва унинг ривожланиши турли илм-фан тармокларининг биргаликдаги ўзаро натижасига асосланади, деган хулоса чиқаришимизга имкон берди.

XIV - XVI асрларда таълимга алоҳида эътибор берилиб, уйғониш даври назарий қарашлари янада такомиллаша борган. Таълим инсон камолотини таъминлаш учун хизмат қилувчи энг зарур восита сифатида қаралган. Юқори даражада таълим хусусиятларини эгаллаган шахс олган илмини амалий фаолиятда самарали фойдаланиш сари йўналтиради. Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул қулуб” асарида илм олиб уни ишлатмаган инсон уруғ сочиб ҳосилидан баҳра олмаган кишига қиёсланади. Демак, ўша давр қарашлари ҳам бугунги кунда ўқувчилар билим олишининг талблари, билим, қўнимка ва малакалари таълим сифати самарадорлигини кўрсатувчи асос эканлигини кўрсатиб берган.

XVIII асрга келиб таълим сифатига, ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштиришга бўлган муносабатлар ўзгариб, таълим-тарбияга нисбатан қарашлар тизими такомиллашган. Илм-фанинг назарий ва илмий тажриба ютуқлари сифатни белгиловчи омил сифатида талқин этила бошланган. Педагогика назариясининг намояндаларидан чех олими Ян Амос Коменский “Буюк дидактика” асарида боланинг табиий билиш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ўқитишнинг дидактик тамоийларини ишлаб чиқкан¹.

¹ Коменский Я.А. Буюк дидактика. –Т.: Ўқитувчи. 1977. –Б. 338.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Адольф Дистерверг таълим жараёни иштирокчиларининг билимларини доимий тақорорлаб туришнинг аҳамиятига тұхталиб, таълим дидактикасининг асосий талабларини таълимнинг 33 таңонун ва қоидаси тариқасида баён қылған. У боладаги қобиляйтни янада тақомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида таълим берувчиларга топшириқ билан бирга унинг жавобини ҳам тақдим қылиш эмас, жавобни топишга болани турли усул ва воситалар билан йұналтириш орқали ҳақиқатни топишга үргатиши мүмкінлігінің таъкидлаб үтади. Дистерверг таклиф кылған күрсатмали таълим “яқындан узокқа”, “оддийдан мураккабга”, “маълумдан номаълумга” үтиш керак, деган қоидаларга асосланади.

К.Д.Ушинский үзининг “Инсон тарбия предмети сифатида” асарыда таълим жараёнида үқитишинг мазмуни, тамойиллари, шакл ва усулларига тұхталиб, таълимни күргазмали, онгли ва узвий олиб бориш масалаларини ишлаб чиқади, үқитишинг шакл ва усулларининг ранг-баранглигига эришишни талаб қиласы¹.

“Таълим сифати” түшунчасига С.Е.Шишов ва В.А.Кальнейларнинг ҳам билдириган муносабати эътиборли бўлиб, улар “таълим сифати - таълим жараёни иштирокчиларининг эришадиган натижалари ва мақсадларининг таълим муассасаси томонидан күрсатилган таълим хизматидан қондирилган даражаси”², дея таъриф беради.

Таълим сифатига берилган таърифлар ичиде В.А.Качалов томонидан берилган изоҳ алоҳида аҳамиятга эга. Унинг фикрича, таълимда сифат фақатгина үқув жараёни натижасигина эмас, балки таълим олувчиларнинг умумий равишда шахсий ва жамоавий ривожланишини таъминлайдиган ва уларнинг эҳтиёжларини қондириган ҳолда илм-фан, технология, жамиятнинг ривожланиши учун ҳисса қўшишга имкон берадиган тизим, модель, үқув жараёнини ташкиллаштиришдан иборатdir.

¹ Ушинский К.Д. Сочинение. – М.: Изд-во АПН РСФСР, 1949. Том 6. –Б. 296.

² Шишов С.Е., Кальней В.А. Мониторинг качества образования в школе. Учебное пособие. Москва. Россий-ское педагогическое агентство. 1998. - 37 с.

А.Воронин томонидан таълим сифати – жамиятда таълим жараёнининг ҳолати ва натижасини, шахснинг фуқаролик, ҳаётий ва касбий компетенцияларининг ривожланиши ҳамда шаклланиш эҳтиёжлари ва умидларига мувофиқлигини аниқловчи категория тарзида талқин қилинганд¹.

Е.Домбровская таълим сифатини таълимнинг Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим дастурининг ўқув-дастурий хужжатлари талабларига мувофиқлиги², деб эътироф этади.

Таълим сифати деганда, касбий тафаккур ва чукур маълумотга эгаликнинг кетма-кетлиги ва амалда самарали шаклланишини аниқловчи таълим жараёнининг умумий тавсифи тушунилади. Шу боисдан ҳам Ю.А.Маслова, таълим жараёни сифатининг қуидаги асосий жиҳатларини алоҳида қайд этади: билимлар ва кўнникмалар сифатидаги асосий хусусиятлар; ўқув юртлари томонидан тақдим этилаётган кафолатлар; таълим муассасасининг мавқеи, нуфузи, ўқитувчилар ва таълим олувчиларнинг коммуникатив лаёқати ва бошқа хусусиятлари³.

Н.Шмырева, М.Губанова ва З.Крецанлар таълим сифати – ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга доир эҳтиёжларни қондиришни таъминловчи таълим хизматлари истеъмоллилик хусусиятларининг мажмуаси⁴, деб ҳисоблайдилар.

Г.М.Коджаспировнинг таърифига кўра, таълим сифати - режалаштирилган мақсадларга мувофиқ таълимнинг ҳар бир босқичида эришилган аниқ белгиланган даражаси, таълим хиз-

¹ Воронин Д.М., Мишина О.С. Критерии эффективности образовательной организации как основа оценки и повышения качества образования // Перспективы Науки и Образования/ Международный электронный журнал. 2018. 5 (35). - С. 18-25.

² Домбровская М.А. Мониторинг качества обучения в учреждениях профессионального образования региона в условиях рыночной экономики: Дисс. канд. пед. наук: 13.00.08 / М.А. Домбровская М., 2002. - 37 с.


³ Джураев А.С. Малакасини ривожлантиришнинг педагогик механизmlарини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореф. Самарқанд. 2019. -Б. 22.

⁴ Шмырева Н. А., Губанова М. И., Крецан З. В. Педагогические системы: научные основы, управление, перспективы развития // Учеб. пособие М-во образования Рос. Федерации. Кемер гос. ун-т. Меж вуз. каф. общ. и вуз. педагогики. - Кемерово : Кемер. гос. ун-т, 2002. 319 с.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш


матлари амалга оширилаётганда жараён иштирокчиларининг кутиладиган қониқарли кўрсаткичи¹ саналади.

Таълим сифатига нисбатан келтирилган юкоридаги таъриф ва тавсифлардан келиб чиккан ҳолда В.Гуров бу тушунчага билдирилган муносабатларни тўрт ёндашувга ажратишга муваффақ бўлади² (1.1.2-расмга қаранг).



1.1.2-расм. Таълим сифати таърифи ёндашувлари

Таълим сифати таълим муассасаларини молиялаштириш, моддий-техник жиҳозлаш ва замонавий бошқарув технологияларига боғлиқ жараёндир. Бу ўринда таълим тизимининг сифати ҳам муҳим бўлиб, Т.И.Шамова, Т.М.Давыденко ва Г.Н.Шибановлар таълим сифати тўртта таркибий қисмларнинг интеграллашган таълим тизимининг маълум элементларига мос келадиган хусусиятларини келтириб ўтади³ (1.1.3-расмга қаранг).



1.1.3-расм. Таълимнинг интеграллашган таркибий қисмлари

¹ Коджаспирова Г.М. Педагогический словарь. –М.: Академия, 2001. – С. 176.

² Гуров В. Качества образования в негосударственных вузах // Высшее образование в России № 6, 2004. – С. 149-152.

³ Шамова Т.И., Давыденко Г.Н., Шибанов Г.Н. Управление образовательными системами –М.: Академия, 2002, -С. 52.

Мустақиллик даврида таълим сифати интеллектуал ресурслар сифати, инсон ҳәётининг асосий омили сифатида ўз аксими топа бошлади. Ш.Қурбонов ва Э.Сейтхалиловларнинг тадқиқотларида таълим сифати деганда “таълим жараёнининг турли иштирокчилари таълим муассасаси томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларидан кутганларининг қаноатлантирилиши даражаси” ёки “таълимда қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш даражаси” сифатида тушунилади¹.

Бу давр сифат тушунчаси ривожланиш босқичларини “Таълим сифати – ҳаёт сифати” номли монография муаллифи О.Д.Рахимов мантиқан қуидаги даврларга бўлиб кўрсатди:

1. XX асрнинг 60-йиллари - бозор рақобатбардошлиги шароитида асосий омил - маҳсулот сифати.
2. XX асрнинг 70-йиллари – маҳсулот сифатидан ишлаб чиқариш технологияси сифатига ўтиш босқичи.
3. XX асрнинг 80-йиллари - сифатни бошқариш тизими босқичига ўтиш даври.
4. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб таълим сифати, интеллектуал ресурслар сифати, инсон ҳәёти сифати - асосий омил сифатида намоён бўла бошлади.

О.Рахимов таълим сифати ва уни баҳолаш мезонлари, таълим стандартлари, чет эл ва Ўзбекистон олий таълим тизимида таълим сифати ва уни баҳолаш тизими, олий таълим муассасаларини аккредитациялаш тизимлари, таълим сифатини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация ҳамда инновацион педагогик технологияларни татбиқ қилиш усусларини келтирган². Таълим сифати нафакат таълим олувчилар билимининг давлат стандартларига мослиги, балки таълим муассасасининг муваффакиятли фаолият кўрсатиши, шунингдек, ҳар бир педагог ва раҳбарнинг таълим хизматлари сифатини таъминлашдаги фаолияти натижасини ҳам белгилаб беради.

Таълим сифати бўйича юқорида келтирилган фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, қуидаги хуносаларга келиш мумкин:

¹ Курбонов Ш., Сейтхалилов Э. Таълим тизимини бошқариш. –Тошкент. “Турон-икబол”, 2006. - Б. 101.

² Рахимов О.Д. “Таълим сифати – ҳаёт сифати” // Ўкув-услубий қўлланма. Қарши. 2015. - Б. 10.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

таълим сифати кенг қамровли ижтимоий-педагогик жараён бўлиб, таълимнинг ҳолати ва натижаларини аниқловчи ҳодиса;

таълим сифатига инсон эҳтиёжи ҳамда жамият ва давлат манфаатларини қондирувчи хусусиятлар йиғиндиси;

таълим сифати ва ундаги ўқитиш мақсадларига эришишни ташхислашнинг усулларини аниқлаш, ўзгаришларни таҳлил килиш ва самарали усулларни амалиётга татбик қилиш долзарб вазифалардан бири.

Таълим сифати билан бир қаторда таълим самарадорлиги тушунчасига ҳам тўхталиб ўтадиган бўлсақ, бу тушунчалар бир-биридан фарқ қилиб, сифат натижанинг мақсадга нисбати билан белгиланса, самарадорлик эса, натижанинг харажатларга, сарфланган ресурсларга нисбати билан белгиланади. Таълим сифати самарадорлиги тушунчаси, биринчи навбатда, “самарадорлик” тушунчасига мурожаат қилишни талаб қиласди. Таҳлил қилинган адабиётларнинг аксариятида самарадорлик тушунчасига тўхталганда, уни “унумдорлик” тушунчаси билан изоҳлашга ҳаракат килинганлиги аниқланди.

Ш.Курбонов ва Э.Сейтҳалиловларнинг фикрича, “унумдорлик – бу, қандайдир вакт ичиде олинган натижаларнинг фойдалилиги ва у билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи фаолият хусусияти демакдир”¹. Бу фикрда унумдорлик таълимни бошқаришга нисбатан билдирилмоқда. Унумдорликка берилган юқоридаги изоҳдан келиб чиқиб, таълим сифати самарадорлигига таълим жараёнидаги унумли бошқарувни амалга ошириш орқали эришиш мумкинлигини англаш мумкин. Таълим жараёнида сифатли самарадорлик ўқитиш давомида ўқитувчининг мақсадли, юқори натижага йўналтирилган бошқарув ҳаракатларида ўз аксини топади.

Шу ўринда ўкув жараёнида ўқитувчининг самарали бошқарув ҳаракатлари режасини келтириб ўтишимиз мақсадга мувофиқ:

- мақсадни белгилаш - дидактик вазифаларни аниқлаш, ўкув натижаларини шакллантириш. Бу педагогик фаолиятни асосий

¹ Курбонов Ш., Сейтҳалилов Э. Таълим тизимини бошқариш. –Тошкент. “Турон-икбол”, 2006. - Б. 101.

омили бўлиб, таълим берувчи ва таълим олувчининг биргаликдаги фаолияти ҳаракатини умумий натижага йўналтиради;

- ташхис - таълим олувчилар хусусиятларини ва мавжуд моддий-техник имкониятларни ўрганиш. Бу мақсадни тўғрилаш зарурлиги ва уларга эришиш воситаларини танлашга имкон беради;

- башорат қилиш - ўрнатилган вақт ичидаги мавжуд шароитларда педагогик ва ўкув фаолияти натижаларини олдиндан кўриш;

- лойиҳалаш - олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳидаги вазифаларни шакллантириш, ўкув ахбороти ва қайтар алоҳидаги етказишиш воситаси ва йўлларини аниқлаш (ташхис, башорат қилиш ва лойиҳалаш режани ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади);

- режалаштириш - олдиндаги ўзаро боғлиқ педагогик ва ўкув фаолиятининг режасини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. У технологик харита кўринишида расмийлаштирилади;

- ташкиллаштириш - таълим берувчи томонидан талабаларни белгиланган ишга жалб қилиш, белгиланган мақсадга эришишда улар билан ҳамкорлик қилиш;

- ахборотли таъминлаш - ўкув ахбороти ва қайтар алоҳидаги етказиби беришнинг йўл ва воситаларини амалга ошириш. Бунда йиғилган ахборот жараёнининг боришини тезкорликда ўзгартиришни, таъсир кўрсатадиган рағбатлантирувчи омилларни, самарали воситаларни киритишга имкон беради;

- назорат, баҳолаш ва ўзгартириш киритиш - ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатадиган рағбатлантирувчи омилларни яратиш, педагогик таъсир этиши объекти ўзгаришини мувофиқлаш;

- тугалланган жараён таҳлили - самарасизликни, уларнинг пайдо бўлиш сабабини аниқлаш, келгуси такрор ишлаб чиқиладиган даврда унга йўл кўймаслик чораларини аниқлаш¹ кабилярни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

¹ Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий // серия “Современные технологии обучения”. –Т.: ТГЭУ. 2010, - С. 34.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Таълим сифати самарадорлигининг белгиланган стратегияларини амалга оширишда энг самарали восита сифатни бошқариш бўлиб, педагогика соҳасида хозирги кунгача ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таълим сифати ва уни бошқариш юзасидан Ю.Н.Абдуллаев, Л.В.Голиш, М.Х.Махмудов кабилар ўзларининг илмий изланишларида таълимни ижодий ташкил этиш, умумий ўрта таълимни такомиллаштириш, таълимни демократлаштириш ва бошқа хусусиятлар бўйича фикрлар билдиришган. Россия олимларидан В.А.Болотов, О.С.Газман, Н.В.Горшунова, М.В.Горемико, А.М.Новиков ва б., хорижий тадқиқотчилардан Lerner, M. Richard ва бошқалар ўз тадқиқотларида таълим сифатини такомиллаштиришдаги муаммолар, усул ва воситаларни, таълимдаги когнитив ва ахлоқий ривожланиш хусусиятларини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берган¹.

Таълим сифати – унинг хусусиятлари яхлитлиги, таълим олувчининг ўқиши ва шахсий ривожланиши учун хизмат қилалигиган энг қулай усууллар бирикувидан иборат мураккаб жараёндир. Бу борада тадқиқотчи Ю.А.Конаржевскийнинг таълим муассасаларида сифат бошқаруви инсон билан, биринчи на вбатда, ўқитувчи билан ишлашдан бошланади ва кадрлар билан ишлаш, уларнинг касбий даражасини ошириш билан тугайди², деган фикрига қўшилиш мумкин. Ўз навбатида сифат бошқаруви мониторинг асосида такомиллашиб боради. Махсус ташкил этилган, мақсадли мониторинг мавжуд маълумот манбалари, шунингдек, махсус ташкил этилган тадқиқот ва ўлчовлар асосида ҳолатни доимий назорат ва ташхис қилишдир. У таълим тизимининг ҳолати ёки унинг алоҳида элементлари, шунингдек, аҳоли ва ота-оналарнинг таълим эҳтиёжларини қондириш тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш тизимиdir.

¹ Тоштемирова С.А. Кластер ёндашуви асосида умумий щрта таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. 2021. -Б. 21.

² Варченко Е. И. Управление качеством образования в образовательном учреждении // Молодой ученый. 2013. № 3. -С. 471-474.

Ш.Курбонов, Э.Сейтхалиловлар таълим сифатини бошқариш – муайян ижтимоий ва педагогик шарт-шароитларнинг таъсири оқибатида юзага келган ва кўп функцияли вазифаларни ўз ичига олган тизим, деб таърифласа, рус олимлари В.Панасюк ва М.Поташкин улар фикрини тўлдириб, таълим сифатини бошқариш рақобатбардош мутахассисни шакллантиришга бўлган ижтимоий буюргани қондиришга йўналтирилган кўп ўлчовли мослашувчан тизим¹, деб ҳисоблади.

Тадқиқотда таълим сифатини бошқариш бўйича А.И.Субетто ва Н.А.Селезневаларнинг умумлашган ҳолатда таълим сифатини бошқариш - таълимдаги барча обьект ва жараёнларнинг сифатини бошқаришдир², дея билдирган фикрларининг асосли эканлигини қайд этиш лозим.

О.Л.Назарованинг таълим сифатини бошқаришни билим сифати ва маълумотлилик даражасининг ошишига олиб келувчи жараёнлар, муолажа ва амалиётларни бошқариш³, деб берилган эътирофи ҳам эътиборга лойик. Дарҳақиқат, олинган билимлар амалиётда муваффақиятли бошқарилса, сифат самарали бўлишига кафолат беради.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, таълим сифати ва самарадорлиги давлат ва жамият тараққиётини белгилаб берувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Шу сабабли ҳам давлатнинг таълим ва унинг самарадорлигини оширишга сарфланган харажатлари инсон капиталига киритилган сармоя орқали юқори халқаро стандартларга жавоб беради, натижада давлат тараққиёти, жамият ривожи янада юқори кўрсаткичларга эга бўлади.

¹ Поташкин М.М. Управления качеством образования // пед ред. М.Поташкина. 2003. - 448 с.

² Субетто А.И. Качество образования: проблемы оценки и мониторинга / А.И.Субетто // Образование. 2002, № 2. С. 18-21.; Селезнева Н.А. Качество высшего образования как объект системного исследования. Изд. 4-е, стереотипное. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004. – 95 с.

³ Назарова О.Л. Управление качеством образовательного процесса профессионально-педагогического колледжа. Учебно-метод. пособие. / Назарова О.Л. – Магнитогорск: МаГУ, 2003. – С . 56.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Демак, таълим сифати менежментига қуйидаги таърифни бериш мумкин: таълим сифати менежменти таълимнинг олдиндан башоратланган натижаларига эришишга йўналтирилган бошкарув бўлиб, сифатни таъминлаш тадбирларини лойиҳалаштириш, таълим жараёни иштирокчиларини рағбатлантириш орқали меҳнат самарадорлигига эришиш, асосий мақсаддан чекинишларини аниқлаш, ўзгаришларни мониторинг қилиш жараёнларидан иборат бўлган, таълим муассасаси фаолиятининг барча йўналишларини ўз-ўзини баҳолаш асосида доимий такомиллаштириб бориш тизимиdir.

Таълим сифати ва уни бошқариш жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлиб, унинг интеллектуал, маънавий ва маданий даражасини белгилайди. Давлатнинг интеллектуал салоҳиятини таълим сифати таъминлаб беришини ҳисобга олиб, таълим самарадорлигини узлуксиз равишда такомиллаштириб бориш, халқаро стандартларга мувофиқ ўзгартиришлар киритиш, инновацион ёндашувларни татбиқ қилиш унинг ривожланиш динамикасини сезиларли даражада оширади. Таълим сифати ва уни бошқариш бўйича юқорида келтирилган фалсафий ва педагогик асослардан унинг ҳар бир давр талабига мос ҳолда ўзгарувчи, такомиллашиб борувчи тушунча, кенг қамровли ижтимоий йўналиш эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Таҳлил қилинган адабиётлар таҳлили натижасига кўра, бунгунки кун талабларидан келиб чиқиб, таълим сифати тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: таълим сифати – таълим самарадорлигини оширишда иштирокчилар касбий ва шахсий компетентлигининг узвийликда, узлуксизликда шаклланиши, изчилликда ривожланиши асосидаги якуний натижаларнинг халқаро ва миллий баҳолаш дастурларига мувофиқлигини тавсифлайдиган ижтимоий тушунча. Шунга кўра, таълим муассасасининг таълимий ва тарбиявий фаолиятини истеъмолчи талабларига мувофиқ кенг қамровли мезон ва кўрсаткичлар орқали баҳолаш, бу кўрсаткичларни таълим берувчилар ва таълим олувчилар компетенцияларини таъминлайдиган мазмун, шакл, усуслар билан замонавийлаштириш, ҳамкорликдаги тамоилиллар асосида услугбий, моддий-техник таъминотни такомил-

лаштириш таълим сифатини таъминлашнинг энг муҳим шарти саналади, деган хуосага келинди.

Давлат, миңтака ва муассаса даражасида таълим сифатига қанчалик эътибор қаратилса, уни такомиллаштиришга сарфланган харажатлар самарадорлиги ортиб борса, унинг натижаси ҳалқаро стандартларга мувофиқлаша боради. Миңтакавий таълим самарадорлигини ошириш борасида таълимга кластер ёндашувини татбиқ қилиш тавсия қилди. Таълимни амалга ошириш ва унинг сифатини бошқаришда тавсия қилинаётган кластер ёндашувида фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминлаш асосий вазифа эканлиги таъкидланди. Унда инновацион жараёнларни жадаллаштириш таълим обьектлари ва жараёнларининг ўзаро ҳамкорликдаги зиддиятларни бартарраф этиш муҳим шартлардан бири саналади. Таълим сифатини бошқариш таълим тизимининг ривожланишини таъминлашга йўналтирилган барча субъектларнинг кўзланган мақсадли фаолиятга эришишида юқори самара беради. Барқарор фаолият юритиш, таълим тизими ва унинг асосий қисмларини самарали ривожлантиришга йўналтирилган ечимларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш таълим сифатини оширишнинг асосий вазифаси ҳисобланиб, бу, ўз навбатида, сифатни бошқаришни янада такомиллаштириб бориш, унинг давлат сиёсати даражасига кўтарилишини таъминлайди.

1.2. Таълим сифатига таъсир қилувчи ташкилий-педагогик омиллар

Мамлакатимиз таълим тизимининг мақсади таълим стандарти асосида ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига таянган ҳолда таълимни ташкил этиш ва маънавий баркамол, интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат. Халқ таълими тизимини ривожлантириш концепциясида таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўкув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш асосий мақсад қилиб белгиланган. Таълимни модернизация қилишда муассаса даражасини унинг сифати белгилаб беради ва муассаса нуфузини ошириш унинг сифатини аниқлаш, баҳолаш ва таъминлашда инновацион ёндашувларни жорий этиш билан амалга оширилади. Таълимни замонавийлаштириш ўкувчиларни нафақат билим ва кўнікмаларни ўзлаштиришга, балки шахсияти ва ижодий қобилияtlарини ривожлантиришга йўналтириш зарурлигини ҳам тақозо этади. Таълим муассасасанинг ривожланганлик даражасини унинг сифати белгилаб беришини инобатга олган ҳолда, таълим сифатини ошириш учун биринчи навбатда, сифатли таълим беришга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш муҳимдир.

Иzlанишлар давомида умумтаълим мактабларида таълим сифатига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсир даражалари аниқланиб, сифатни оширишда янги инновацион ёндашувларни жорий этиш ва ундан кутилаётган натижалар башорат қилинди, уни амалга ошириш учун барча турдаги ресурсларни жалб қилган ҳолда, инновацион механизм ва тузилмалар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан саналади.

Сифат, биринчи навбатда, ДТС, “Таълим тўғрисида”ги конун, ўкув дастурлари ва ижтимоий буюртма истеъмолчиларининг талабларига мувофиқ бўлиши керак. Чунки ҳар иккисининг ҳам тўлиқ таъминланиши ишлаб чиқариш нуқтai назаридан қаралса, сифат ҳисобланади. Таълим жараёнида, уни аниқлаш ва баҳолашда фаол иштирок этадиган юқоридаги тушунча, мезон ва кўрсаткичларнинг барчаси таълим хизматларида турли харакатлар билан ўзаро ҳамкорликда олиб борилади ва таълим жараёнининг туб ўзгаришларига ўз таъсирини кўрсатади.

Таълимдаги ўзгаришларни яхшироқ тушуниш учун, аввалио, унинг анъанавий тизимдаги мавжуд асосий кўринишларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса, замонавий таълим парадигмасини амалга оширишда бир қатор тўсиқлар мавжудлигини аниқлашимизга имкон берди.

Инсонда қадриятларга қарши муносабатда намоён бўладиган таълимдаги **бепарволик** - ўкув жараёни иштирокчилари

томонидан таълимнинг маъноси тұғрисида хабардорлик дара-жасининг пасайишига олиб келади, уларни танлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади ҳамда ўқувчининг шахс сифатидаги даражаси-ни пасайтириб, унда бефарқлик, қарамликнинг шаклланишига туртки беради.

Кейинги ўриндаги тұсик сифатида авторитаризм, яъни объ-ект ва субъект муносабатларини мутлоқлаштириш таълимнинг “бажариш”, “урганиш”, “такрорлаш” каби тушунчалар устун-лик қиладиган монологик усули билан мактабларда кескинлик, ташвиш ва құрқұв мұхитини келтириб чикаради.

Ахборотлаштириш, бунда унинг ижобий томони билан бир қаторда, таълим мазмуни фақат ёд олишга мүлжалланган томонининг таъсирини ҳам келтириб ўтиш лозим. Унинг асосида фақат ахборот ётадиган, таълим билим, күнікмалари диққат марказида бұлған ахборот мазмуни ўқув жараёнининг ривож-ланиш йұналишига салбий таъсир күрсатиши билан ҳам тав-сифланади.

Бугунғи кунда таълим берувчи “ургатиш”дан құра “урга-нишга ўргатиш”га катта аҳамият бериши лозим. Миллий пе-дагогикамиз яқын йилларгача ўқувчиларга инсоният томонидан шу пайтга қадар әгалланган мавжуд билимларни ўргатишиң энг мақбул йүл сифатида қараб келди. Бунда мавжуд билимлар ўқув-чи онг ва тафаккурига тайёр ҳолда сингдирилади. Бу жараёнда билимлар адабиётларда тайёр ҳолда мавжуд бұлади ва буни ўз-лаштириш ўқувчилар учун ҳам, ўқытуvчилар учун ҳам қаноат-ланарлы ҳисобланади. Аммо бу ўқувчиларда масала ва ҳодиса-лар моҳиятини англашга нисбатан ижодий ёндашувни назарда тутмайды, фақат мавжуд билимларни ёдлаш, уларни амалиётта жорий этиш бу турдаги педагогиканинг бош мақсади сифатида қаралади. Бундай ёндашувда ўқувчининг қанчалик күп билим-ни ёдда сақлаганига қараб унинг билими ҳақида холоса чиқа-рилади. Бу, тұғри, аммо билим олиш жараёни икки босқичдан иборатлигини, биринчи босқич билимларни әгаллаш, иккінчи босқич ундан холосалар чиқариш эканлигини ҳисобға олсак, бу усул тугалланмаган методика сифатида ўзини оқламаслиги ойдинлашади. Билим билим учун хизмат құлмас экан, унинг оддий информациядан фарқи қолмайды, яъни мавжуд билимлар

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

янги билимларни кашф этиш учун пойдевор сифатида хизмат қилмаса, бу жараёнда занжирли реакция ҳодисаси кузатилмаса, фан ва ишлаб чиқаришда кутилгандек ривожланиш ва тарақ-қиёт кузатилмайди. Бунинг учун ўқувчилар масаланинг моҳиятини англаши, сабаб ва оқибатларни тушуниб етиши ва хулосалар чиқариш кўникмасига эга бўлиши лозим бўлади.

Таълим жараёнида ўқитиш ва тарбиялашнинг сунъий бўлининиши, бунда асосий ва қўшимча таълимни ажратиш ўқувчиларнинг билимлари ва дунёкарашининг парчаланиши, ортиқча юкланиши, руҳан ва жисмонан оғирлашишига олиб келиши билан тавсифланади.

Таълимни соддалаштириш. Ўқитиш ва тарбиялашга юзаки ёндашиш, мавзуни ижтимоий-маданий ҳодисадан қоидалар ва далиллар тўпламига ва таълим-тарбия жараёнини интизомий ҳаракатларга айлантиради, бу эса таълим олишнинг рақобат-бардошлигини камайтиради.

Таълим сифатининг илмий-назарий ва амалий методологияси қуидаги кўплаб омилларга боғлиқдир (1.2.1-расмга қаранг).



1.2.1- расм. Таълим сифатига таъсир этувчи омиллар

Таълим сифатига таъсир кўрсатувчи энг юқори даражадаги омил бу таълим мазмуни бўлиб, бунда давлат таълим стандартлари, ўкув дастур, ўкув режа кабиларнинг таъсири назарда тутилган. Таълим сифатини оширишда бошқарув жараёнлари асосий куч ҳисобланади, тадқиқотчи олим S.Khedekar таълим

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

муассасасида бошқарув жараёни бу таълим мақсадларига эришиш учун инсон ва моддий ресурслардан фойдаланган ҳолда, таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш, ташкил қилиш, бошқариш ва назорат этиш жараёнидир¹, дея таъкидлаб ўтган.

Хорижлик олим О.Хомерики томонидан такдим қилинган таълимда бошқарув жараёнини тўлиқ акс эттирувчи кўп ўлчовли концептуал модел² орқали таълим менежментининг таълим сифатига таъсирини кўрсатиб ўтамиз.

Биринчи йўналиш - маъмурӣ хўжалик ва молиявий фаолият, бунда таълим муассасасининг маъмурӣ-хўжалик ва молиявий фаолиятининг таъминланиши кўзда тутилган. Демак, бошқарувнинг бу йўналиши таълим сифатини оширишда ўкув, лаборатория хоналари, спорт майдончалари, инвентарлар, ошхона, бинонинг ичимлик суви, иссиқлик манбаи билан таъминланганлиги каби қатор омиллар билан сифатга ўз таъсирини кўрсатади.

Иккинчи йўналиш - ўкув-услубий ишлар ҳамда муассасада олиб борилаётган амалий аҳамиятга эга лойиҳалар, тажрибалар, бунда фанлар бўйича эҳтиёжга мувофиқ дарсликлар, электрон ресурслар, ўкув жараёнининг методик ва дидактик таъминоти, педагогларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, инновацион ёндашувлар асосидаги лойиҳалар, дастурлар, педагогик амалиёт ва тажриба ишларини эътиборга олиш мумкин.

Учинчи йўналиш - кадрлар билан ишлаш, бунда умумий ва педагогик ходимларни касбий компетентлилик даражасини саралаш ва баҳолаш тизими назарда тутилган. Педагогик маҳорат ва касбий фаолиятдаги компетенциялар, замонавий педагогик технологиялар ва АҚТлар бўйича билимларни ривожлантириш ва баҳолаш, олий ўкув юрти битирувчиларини ишга қабул қилишда янги замонавий мезонлар, таълим жараёнидаги субъектлар фаолиятининг тезкор, самарали механизmlарини ишлаб чиқиш орқали бошқарув сифат кафолатини мустаҳкамлашга эришиш мумкин.

¹ Sandhya Khedekar. Educational Management, TSCER III.1 Function of Education Managmant. 2007. - Р. 11.

² Красиков А.С. Оценка качества труда руководителя сферы образования. Ученое пособие. Российская академия образования. Вологодский Институт развития образования. - Санкт-Петербург, 2006. - С. 43.

Цластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Тўртинчи йўналиш - жамоадаги психологик мухитни мустаҳкамлаш, оптимал ижтимоий-психологик шароитни яратишдан иборат, бунда таълим жараёни барча субъектларининг ўзаро умумий мақсаддаги муносабати, ёш хусусиятлари, иқтидор тоифаларини инобатга олган ҳолда, шахсга йўналтирилган таълимни қўллаб-кувватлаш, ривожлантириш, рағбатлантириш, ҳамкорликдаги ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш орқали бошқарув таълим сифатига ўз таъсирини қўрсатади.

Таълим менежменти билан бир қаторда сифат менежменти ҳам унга таъсир қўрсатувчи омиллар мажмуи бўлиб, ўкув жараёни субъектларнинг ўз-ўзини билиш, ривожлантириш, назорат қилиш, баҳолаш каби хусусиятлари орқали таъсир этиш даражалари таҳлил қилинади. Сифат менежментида субъект вазифаларини мақсадли шакллантириш мухим, таълим берувчи ва таълим олувчи ҳам сифат бошқарувини такомиллаштиришда ўз ҳиссалари билан иштирок этади. Умумтаълим муассасаларида таълимга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилишда сифат назоратининг бир қатор ҳалқаро усууларини ҳам ўрганиб, умумтаълим муассасаларида таълим сифатига таъсир этувчи омилларни ҳалқаро Ишикава усулида келтириб ўтилди (1.2.2-расмга қаранг). Токио университети профессори, сифат менежменти мутахассиси Каору Исикава томонидан муаммо ва таъсирларни аниқлаш, сабабларини таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида тақдим қилинганд Ишикава усули диаграммасида 5M га асоснилган, яъни, man (инсон омили), machines (жихозлар), materials (материаллар), methods (усуулар) ҳамда measurements (ўлчовлар) билан боғлиқ омиллар асос қилиб олинган¹. Таълим сифатига таъсир қилувчи омилларни ҳалқаро Ишикава усули орқали ифолаш мазкур омилларни тартиблашган ҳолда аниқ ифодалаш, сабабларни таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этишга хизмат қиласди.

¹ Исикава К. Японские методы управления качеством /// сокр. Пер. с англ / К. Исикава –М.: Экономика, 1988. –С. 215.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш



1.2.2 - расм. Таълим сифатига таъсир этувчи омиллар. Ишикава усули.

Таълим муассасаси таълим сифатини ошириш сифатни аниқлаш, баҳолаш, ташкил қилиш, таъминлаш, назорат қилиш ва бошқариш жараёнларидан иборат умумий педагогик компонентлар алгоритми асосида олиб борилади. Таълим сифатига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш билан бир қаторда таълим сифатини аниқлаш индикаторларига эътибор қаратиш муҳим. Таълим сифатини аниқлаш бўйича олиб борилган кўплаб тадқиқотлар натижасида кластерли ёндашув асосида таълим сифатини аниқлашнинг кўрсаткичлари такомиллаштирилди (“Таълим самарадорлигини ошириш” йўналиши лойиҳасида келтирилган 142 бетда).

Таълим сифатини аниқлаш уни баҳолашнинг ҳам муҳимлигини асослайди, бугунги кунда мамлакатимиизда таълим сифатини баҳолашнинг бир қатор мезонлари аниқланиб, улар натижайилик даражаси, ютуқлар ва ҳаракат, мактаб таълими монито-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

ринги, ўкув ресурслари ва тузилмалари каби интеграцион сифат мезонларида бирлаштирилди. Маълумки, мамлакатимиз умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари билимини баҳолаш бўйича халқаро дастурларида иштирок этишни режалаштириб, бу, ўз навбатида, муассаса таълим сифатини баҳолашнинг ҳам асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Бугунги кунда давлат ва жамият аҳамиятига молик долзарб масалалар қаторида таълим сифатини ошириш, 2021 йилдаги PISA халқаро баҳолаш жараёнларига муносиб тайёргарлик кўриш масаласини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мамлакатимиз дунёда таълим сифатини баҳолаш бўйича етакчилик қилиб келаётган халқаро баҳолаш дастурларида, жумладан, PIRLS, TIMSS, PISA, TALIS иштирок эта бошлади. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида 2030 йилга келиб Ўзбекистоннинг PISA халқаро баҳолаш дастурининг рейтинги бўйича жаҳоннинг 30 та илгор мамлакати қаторига киришига эришиш устувор вазифа этиб белгилаб берилганини таъкидлар экан, ушбу масъулиятли вазифани бажариш учун олдинда турган устувор вазифалар ҳақида маълумот берди.

PISA иборасини мамлакатимиз қонуний хужжатларида илк бор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида учратганмиз. Мазкур хужжатда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида хузурида “Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий марказини ташкил этиш”га қарор қилиниб, унинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб таълим тизимида ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик дарражасини ривожлантиришнинг инновацион методларини ишлаб чиқиши ва жорий этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб бориш; таълим сифатини баҳолаш соҳасида халқаро алоқаларни ўрнатиш, халқаро лойиҳаларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш, халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларни ташкил этиши ва ўтказишида иштирок этиш; умумий ўрта таълим муассасаларининг халқаро тадқиқотларда муваффақиятли иштирок

этишини таъминлаш; Ўзбекистон Республикасининг халқаро баҳолаш дастурларида қайд этган натижаларини бошқа давлатлар натижалари билан қиёсий таққослаш белгиланди.

Айтиб ўтишимиз керакки, PISA - 15-16 ёшли ўқувчиларнинг кимё, биология, математика, физика, она тили ва адабиёти фанлари бўйича саводхонлигини баҳолашга тайёрлаш Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридада ташкил қилинган “мактаб-лаборатория” тажриба-синов майдончаларида ҳам олиб борилди. Келгусида бу дастур Тошкент вилоятининг барча умумий ўрта таълим мактабларини қамраб олиши кўзда тутилган.

Бу дастур тарихига тўхталиб ўтадиган бўлсак, унга 1997 йилда асос солинган бўлиб, юқорида келтирилган йўналишлардаги фанлар бўйича саводхонлигидан ташқари, уларнинг ижодий ва танқидий фикрлашига, олган билимларини ҳаётда қўллай олиш қобилияtlарига баҳо бериш ва кейинчалик бу кўниkmаларни ҳосил қилишга ундашдан иборатdir. Дастурни халқаро миқёсда Австралия педагогик тадқиқотлар кенгаши, Нидерландия миллий педагогика институти, АҚШнинг Вестат ва педагогик тест хизматлари, шунингдек, Япониянинг таълим соҳасидаги тадқиқотлар миллий институти ҳамкорликда ўтказди. Дастурни жорий этишғояси иш берувчиларнинг ташаббуси билан илгари сурилган. PISA халқаро баҳолаш дастури тестлари уч йилда бир маротаба ўtkазилиб, ўқувчилар билими учта асосий йўналиш бўйича, 1000 баллик тизимда баҳоланади. Дастур 15 ёшли ўқувчиларнинг билим даражаларини адолатли аниклаш ва халқаро даражада солиштириш имконини бериши; ўқувчиларнинг олган билимларини амалиётда қўллаш қобилиятини ривожлантириш бўйича ўзаро ҳамкорлигини (давлат, таълим муассасаси, ота-она ва ҳоказо) амалиётда кучайтиришга ёрдам бериши; умумий ўрта таълим мактабларида яратилган шарт-шароитларни баҳолаш бўйича кўrsatкич даражалари аникланиб, халқаро рейтингини белгилашга имкон яратиши билан афзалдир. Бу дастурларда сараланганд тест синовларини ўтказиш таълим сифатини оширишдаги кейинги тадқиқотларни ва қарорларни қабул қилишда, муаммоларни аниклаш ва амалиётларда тадқиқ қилишга ёрдам беради. Натижалар, жумладан, саводхонлик ва хисоблаш, ижтимоий, ижодий ва ҳиссий

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

кўникмалар, қадриятлар ва ижтимоий имтиёзлар таълим сифатини баҳолаш учун энг аниқ кўрсаткичлар ҳисобланади.

Таълим менежменти сифатни баҳолаш ва таъминлашда муассаса фаолиятини самарали йўлга қўйишнинг юкори кўрсаткичларига эришиши, унга тўсқинлик қилувчи муаммоларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этиш чораларига эга бўлиши керак. Ваҳоланки, умумтаълим муассасалари амалга оширилиши керак бўлган ислоҳотларни йўлга қўйишда ҳали хануз ташкилий-ҳуқуқий механизmlарга эҳтиёж сезилмоқда. Таълим соҳасидаги юкори вакиллик ташкилотлари ҳам муассаса фаолиятини таҳлил қилишда ўзига хос мезон ва кўрсаткичлар орқали эмас, фақатгина статистик маълумотларни тўплаш орқали амалга оширилмоқда. Бу таълим муассасасининг холис бўлмаган баҳосини беради ва унинг эрганги натижаларига ўз таъсирини кўрсатади. Таълим муассасаси сифатини белгилаб беришда истеъмолчилар нуқтаи назаридан эътибор қаратиш сифатга объектив баҳо берилишини таъминлайди. Шу ўринда сифатга баҳо берувчи истеъмолчиларни ҳам икки гурухга бўлиш мумкин.

Биринчиси, муассаса хизматларига эҳтиёжи бор ўқувчи, иккинчиси эса, муассаса ишлаб чиқарадиган ижтимоий буюртма истеъмолчиси (барча ташкилотлар, касбий ва олий ўқув юртлари ва б.). Ўқувчи назарida таълим муассасасининг баҳоси таълим берувчига берилган билим, кўникма ва малакалар асосидаги эҳтиёжларни таъминлаш даражаси билан белгиланади. Кейинги истеъмолчилар, касбий ва олий ўқув юртлари ҳамда бошқа ташкилотлар назарida эса, ҳар бир ўқувчи истеъмолчининг идоравий ва индивидуал эҳтиёжларига жавоб бериш қобиляйтларига эга бўлиши керак деб ҳисблайди ва бу истеъмолчилар муассаса сифатини шу асосда баҳолайди. Демак, таълим сифатига эришишда бундан манфаатдор бўлган барча томонлар биргалиқда ўзаро фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан таълим сифати таълим турларининг барча соҳаларига фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлайдиган инновацион-интеграцион тузилмани татбиқ этишни тақозо этади.

Тадқиқот давомида умумтаълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири таълим жа-

раёни иштирокчиларининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизмини ташкил қилишдир. Бунда рус тадқиқотчиси Т.А.Котованинг юқорида қайд этилган механизм талаб ва эҳтиёжларга мос ҳамкорликка эришиш ва таълимнинг ривожланишига тўсик бўладиган омилларни муҳокама қилиш ҳамда уларни бартараф этишга кенг жамоатчиликни жалб қилишнинг энг самарали тизими сифатида фаолият олиб боради¹, дея билдирилган фикрига қўшилиш мумкин. Олим ўз тадқиқотида умумтаълим муассасаларининг бу механизмдаги биринчи ҳамкорлари ўқувчиларнинг ота-оналари бўлиши эҳтимоли катталигини таъкидлаб ўтади. Тадқиқотчининг фикрлари муайян даражада асосли, шу билан биргаликда, бизнингча, таълим сифатини оширишдаги механизмнинг биринчи даражадаги ҳамкорлари муассасанинг сифатли битирувчиларига талабгор олий ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳақиқатан, мактаб ва оиласининг ўзаро муносабатлари ҳар доим ҳам таълим соҳаси талабларига жавоб бермайди. Ваҳоланки, оила таълим сифатига таъсир кўрсатувчи катта кучлардан бири, лекин миллий таълим тизимимизда юқорида тавсия этилаётган механизм нинг биринчи ҳамкори ота-она бўлиши учун дастлаб, ота-оналарда жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош мутахассисга қўйиладиган талаб ва мезонлар нималардан иборат эканлиги, ўқувчининг психологик хусусиятларини ўрганиш қобилияти, таълим сифатига таъсир кўрсатадиган омилларни таҳлил қилиш даражаси ва бошқа сифатларни шакллантириш лозим. Тавсия қилинаётган механизм орқали ота-онанинг ҳам юқоридаги сифатларини такомиллаштириш имконияти ортади.

Шунингдек, юқоридаги механизм ишини янада такомиллаштириш доирасида изланишлар олиб борган яна бир рус олими А.Р.Косарев таълим сифатини баҳолаш ва таъминлашда муассаса даражасида таълим сифати мезонлари ҳам инобатга олиниши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаган². Таълим си-

¹ Котова Т. А. Условия повышения качества обучения в школе // Молодой ученый. - 2017. № 15.2. - С. 95-97.

² Косарев Р.А. Управление качеством обучения как педагогическая проблема // Материалы VII Международной студенческой научной конференции “Студенческий научный форум” 2015. -Б. 62.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

фати – таълим муассасаси даражасига кўра, қуидаги асосий мезонларга эга бўлади:

- ўқувчиларни ўкув ва ҳаётий эҳтиёжларига мувофиқ ра-вишда ўқитишни таъминлайдиган ўкув дастурлари мажмуининг мавжудлиги;
- таълим дастурлари таркибидаги амалиётга йўналтирилган қисмнинг кучли буюртмачилар талабларига мувофиқ келиш да-ражаси;
- таълим олувчилар танлаган ихтисослаштирилган ўкув дас-турларини ўзлаштириш даражаси;
- ўқувчиларнинг ўкув натижаларидан қониқиши даражаси ва хоказо.

Тадқиқотда тақдим қилинаётган механизмда ушбу мезонларнинг инобатга олиниши нафақат муассаса даражасида, балки минтақавий даражада ҳам сифатни таъминлашга хизмат қиласди. Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини таъминлашга таъсир кўрсатувчи тамойиллар, мезон ва кўрсаткичлар орқали таълим муассасаси мониторинги амалга оширилади. Бу-нинг натижасида эса, таълим сифатига таъсир этувчи салбий омиллар ўз вақтида бартараф этилади. Кутилаётган натижалар асосида сифатни таъминловчи самарали чоралар қўлланилиб, унинг давлат ва халқаро даражадаги талабларга мувофиқлиги таъминланади.

Ўқитиш сифати ўкув жараёни, унинг самарали натижалари ва ўлчовини ифодалайдиган ажралмас жараён бўлиб, унинг мақсади жамият мақсадларига мос келиши лозим. Таълим му-ассасасига ижтимоий-педагогик тизим сифатида қарайдиган бўлсак, ўқитиш сифатини ички ва ташки хусусиятларга ажра-тиш мумкин. М.М.Вахобов илмий изланишларида айни шу ху-сусиятлар баён этилган¹. Ички хусусиятларида ички таркибий қисмларнинг ташки мухит фаол муносабати назарда тутилади. Ташки хусусиятларда эса, таълим ташкилотига бевосита таъси-ри бўйича ўкув жараёнига таъсир қилувчи қуидаги омилларни

¹ Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш // педагогика фанлари доктори дисс. –Т., 2016. - Б 47.

келтириш мүмкін:

- таълим истеъмолчилари (таълим олувчилар, ота-оналар, жамоатчилик ташкилотлари, меңнат бозори ва б.);
- меңнат ресурслари манбалари (умумтаълим ва касбий таълим муассасалари, академик лицей, олий ўқув юртлари ва б.);
- турли даражалардаги рақобатбардош таълим муассасалари;
- ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари;
- давлат бошқарув органлари.

Бу хусусиятлар тақдим қилинаётган таълим сифатини ошириш инновацион моделларининг шартларидан бири бўлган интеграцион жараёнларни янада мувофиқлаштиришга ҳам ёрдам беради.

Таълим сифатига бевосита таъсири билан бильвосита таъсири қилувчи омиллар - мамлакат иқтисодиёти, минтақанинг ижтимоий-маданий ва сиёсий ҳаёти, фан ютуқлари ва бошқалар ҳам ўқув жараёнига таъсири кўрсатади. Бундан кўриниб турибдики, ўқитиш сифати - давлат, жамият ва шахснинг таълим эҳтиёжларини қондира оладиган, замонавий талабларга жавоб берадиган, комбинациялашган педагогик назария сифатида қаралади.

Юқорида айтиб ўтилган таълим сифатига таъсири қилувчи омиллар ва тўсиқларни бартараф этиш учун бугунги кунда мамлакат таълим тизимининг асосий вазифасини белгилаб олиш муҳим. Бу шахс, жамият ва давлатнинг долзарб ва истиқболли эҳтиёжларини таъминлаш орқали таълимнинг замонавий сифатини ошириш ҳамда таълим жараёнини ривожлантириш ва таълим сифатини таъминлаш орқали амалга оширилади. Таълим тизими фаолиятида тегишли даражадаги зарур педагогик шароитлар таъминланса, муассасаларда ўқувчиларни ўқитиш сифати яхшиланиши ва юқори натижалар кафолатланиши мүмкін. Бунинг учун:

сифатли таълим олиш мақсадига эришиш учун йўналтирилган педагогик тизимни яратиш;

доимий равищда ўқувчиларнинг таълим сифатини ошириб бориш учун уларда ижобий мотивацияни ривожлантириш;

ўқитишнинг сифат самарадорлиги ва юқори натижа билан

Кластерлі ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

үзаро боғлиқлиги;

шахсга йұналтирилган педагогик технологиялардан фойдаланиш;

таълим муассасасида таълим олиш учун қулай психологик мұхитни яратып кабиларни таъминлайдиган инновацион сифатли бошқарув механизмини ишлаб чиқыш лозим.

Илмий адабиётларни таҳлил қилиш “сифатли таълим” тушунчасига қуидаги изоҳ беришимизга асос бўлди: сифатли таълим мамлакат келажаги, инсон эркинлиги ва жамият фаронлигини таъминлайдиган асосий манба бўлиб, унинг асосий мақсади эркин, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган шахсни тарбиялаш, уни жамоага ва жамиятга мослаштиришдан иборат. Шундай экан, бугунги кунда мактабларда шахсга йұналтирилган таълим технологияларини такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Сифатли таълим – бу аввало, шахсни шакллантириш, ўз-ўзини англаш, унинг киёфасини, яъни, индивидуаллик, маънавият, ижодкорлигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуудир. Таълимнинг мамлакат ҳаётига таъсири бўйича қуидаги асосий жиҳатларини таъкидлаб ўтиш мумкин. Демак, таълим:

- ижтимоийлаштириш ва тарбия амалиёти сифатида;
- индивидуаллаштирилган, ихтисослаштирилган, табакалаштирилган юқори даражадаги таълим хизматлари сифатида;
- ўкув муассасаларида ижтимоий ҳаётни шакллантириш механизми сифатида намоён бўлади.

Таълим муассасалари учун энг мұхим умумий мақсад алоҳида бўлган элита гурӯхларни шакллантириш ва улар билан янада кўпроқ иш олиб бориш эмас, балки ҳар бир шахснинг сифатли ҳаётга эришишида, касбий жиҳатдан ўз-ўзини белгилайдиган, зарур вазиятларда ҳатто касбини ўзгартиришга қодир бўладиган ижтимоий ва касбий ҳаракатчанлик, мослашувчанликни таъминлайдиган, жамиятдаги янги ижтимоий ўрин ва вазифаларни тез ўзлаштира оладиган рақобатбардош шахсларни шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Таълим алоҳида гурӯхларнинг эмас, балки жамиятнинг умумий савиясини ўстиришга йұналтирилгандағина ўз мақсадини тўғри белгилаган бўлади. Буни амалга ошириш учун умумтаълим мактабларида сифатли таъ-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

лимнинг асосий вазифалари қуидагиларда намоён бўлади:

таълим муассасасида хорижий тажрибалар ва жамиятнинг замонавий талабларига мос сифатли таълим олиш имкониятларини яратиш;

таълим хизматлари бозорида инсон капиталига катта эътибор берган ҳолда мамлакат келажагини таъминловчи рақобатбардош шахсни тайёрлаш;

таълим мазмуни ва тузилишини сифат жиҳатдан замонавийлаштириш;

таълим турлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

таълим беришга нисбатан компетентлик ва шахсга йўналтирилган ёндашувларни кучайтириш;

педагог-ходимларнинг сифат таркибини ошириш бўйича янгила инновацион тизимли фаолиятни ташкил қилиш;

касбий йўналишлари белгиланган ўқитувчиларни касбий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ҳолда уларни янада ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш;

ўкувчиларнинг индивидуал, маданий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва шахсиятни ривожлантиришни таркибий қисмларга ажратишни таъминлайдиган янги педагогик технологияларнинг таянч ва минтақавий стандартлари асосида ишлаб чиқиши;

шахс манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, таълимни инсонпарварлаштириш;

таълим шакллари хилма-хиллиги, билиш асослари ва шакллари орқали демократлаштиришни ривожлантириш;

таълимнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш ва ҳ.к.

Шу ўринда педагогдан фанга доимий қизиқиши ривожлантириш, ўкувчиларнинг билим, қўнимка ва малакаларини шакллантиришга ёрдам берадиган қандай усул ва воситаларни жорий этиш мумкин, деган савол туғилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, айнан шунга хизмат қиласидиган машғулотларни ташкил қилиш, ўкув муаммоларини ҳал қилиш учун маъқул шароитларни яратиш, қўлланиладиган ўкув материалларини диққат билан танлаб олиш, ўқитища фанлараро, мавзулараро, курс ва бўлимлараро интеграцияни таъминлаш, ўкувчининг креатив

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

имкониятларини шакллантирувчи методларни тақдим қилиш, таълим сифатини таъминловчи хусусиятларни бирлаштириш, ривожлантириш орқали таълим сифати вазифалари ҳал қилинади. Умуман, дарс машғулотига қандайдир қолиллар асосида (догма сифатида) ёндашмаслик, аксинча, самарадорликни таъминлашга хизмат қилувчи ҳар қандай усул, восита ва шакллардан эркин фойдаланиш мумкин бўлган педагогик, психологик ва энг муҳими, ижодий жараён сифатида қараш сифатли таълимни таъминлайди.

Таълим берувчилар раҳбарлигида дарс жараёнларида ўқувчиларнинг мустақил ҳолда ижодий фаолият олиб боришларига шароит яратиб бериш таълим сифатини такомиллаштиришнинг самарали усусларидандир. Бу мақсадга эришиш учун, албатта ўқувчиларнинг билим фаоллигини янада оширадиган ва таълим сифатини ривожлантирадиган мухит яратиш биринчي ўриндаги вазифа ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар бир ўқувчининг имкониятлари ва қобилиятларини ҳисобга олишни ўз ичига оладиган таълимни индивидуаллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим сифатини таъминланишда танлов назарияси ҳам муҳим саналиб, бу орқали ўқувчи рағбатлантирилади, ўзига хос бўлган сифатли мавжудлик ва унга эришишга олиб келадиган фаолиятни танлаш имкониятига эга бўлади. Ўқитувчи ўқувчига ўқитиш ва ўрганиш вазиятларида тасаввур қилишга ёрдам беради. Танлов назариясининг яна бир муҳим жиҳати таълим жараёнидаги қийин вазиятларда ҳам ўқувчиларни мажбурламасдан уларни бошқаришнинг самарали усуслари орқали яхши натижаларга эришишдир. Бошқача қилиб айтганда, танлов назарияси орқали ўқитувчилар ўқувчиларнинг эҳтиёжига қараб нималарга кўпроқ эътибор қаратишни билиб олиши мумкин.

Шу билан бирга, танлов назариясининг заиф томонлари ҳам мавжуд бўлиб, бу ўқитувчининг масъулияти ва ўқувчининг хатти-ҳаракати ўртасидаги зиддиятда ўз аксини топади. Ўқитувчи мактабда ўқувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мухит яратишга масъулдир, лекин баъзан ўқувчилар ўз хатти-ҳаракатларини ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб танлайди, кўп ҳолларда бу танлов таълим сифатига салбий таъсир этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатни вужудга келмаслиги учун ўқитувчи ўқувчини

танлов назариясида нималар муҳимлиги, ўз-ўзини ривожлантиришга хизмат қиласиган танловларни танлаш бўйича тавсиялар бериши мақсадга мувофиқ.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, таълим сифатини аниқлаш ва баҳолашнинг самарали тизимини яратиш, кўплаб мамлакатларда таълимни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири саналади. Бугунги кунда умумтаълим муассасаси хизматлари сифатини унинг минтақавий даражадаги ютуқлари ва истиқболлари бўйича белгилаш мумкин. Лекин унинг бу баҳоси ким томонидан берилиши аҳамиятлидир. Таълим муассасасининг ўз сифатига берган баҳоси билан у ишлаб чиқарадиган ижтимоий буюртмачининг баҳоси ҳар доим ҳам бир-бирига мувофиқ келмайди. Таълим турлари ўртасидаги интеграция шу каби муаммоларни бартараф этишдаги муҳим мезонлардан бири ҳисобланади.

Юқорида келтирилган таълим сифати педагогик компонентлари таълим турлари бўғинларининг фанларо, курсларо узлуксизлиги, узвийлиги, таълим муассасаларида индивидуаллаштирилган, дифференциаллашган ўқув дастурларининг ишлаб чиқилганлиги, таълимни баҳолашнинг миллий ва халқаро дастурларга мувофиқлиги, таълим-тарбиянинг муаммоли ўқитиши технологиялари асосидаги шахсга йўналтирилган таълим асосида олиб борилиши, ўқув дастурларида таълим истеъмолчилари талабларининг инобатга олиниши, таълим турлари хизматларида интеграллашган дастурларининг, ихтисослашган, табақалаштирилган курсларнинг ташкил этилиши, таълим бе-рувчиларнинг таълим самародорлигини ошириш бўйича компетенслик даражалари, мактаб таълими мониторингининг натижавийлик даражаси каби кластерли ёндашув мезонлари асосида такомиллаштирилди. Кластер ёндашувининг умумтаълим муассасаларида таълим сифатини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида таълим турлари ва таълим жараёни иштирокчиларининг самарали ҳамкорлик қилиш механизми, субъект-субъект муносабатидаги янги ҳамкорлик тамойилларининг такомиллаштирилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Айни шу муаммолар ҳисобга олинган ҳолда, таълим сифатини таъминлашнинг ташкилий-педагогик компонентларини такомиллаштиришга муваффақ бўлдик (1-жадвалга қаранг).

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

1-жадвал

Таълим сифатини таъминлашдаги тамойил, мезон ва кўрсаткичлари¹

№	Таълим сифатини таъминлашдаги тамойил, мезон ва кўрсаткичлари
1.	<p>Таълим сифатини таъминлашдаги тамойиллар</p> <p>Ўқув дастурларининг таълим оловчилар талабларидан келиб чиқиб, уларни билим, кўникма ва мала-каларини ривожлантиришга, касбга йўналтиришга асосланиши</p> <p>Таълим мазмуни ва шаклларининг изчиллик, уйгунлик, кўп асослилик каби хусусиятларга йўналтирилганлиги</p> <p>Таълимни муаммоли ўқитишига асосланилганлиги</p> <p>Таълим иштироқчиларини ўқув жараёнида ҳамкорлик асосидаги диалогли муроҷатини таъминланганлиги</p> <p>Таълим оловчилар мустакил фаолияти, ўз-ўзини ривожлантириш, назорат қилиш, текшириш, баҳолаш</p>
2.	<p>Таълим сифатини таъминлашдаги мезонлар</p> <p>Таълим муассасасида замонавийлаштирилган таълим дастурларининг самародорлиги</p> <p>Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар ва технологияларининг ДТС ва ўқув дастурларига мувофиқлиги</p> <p>Таълим дастурларини такомиллаштириш</p> <p>ДТС, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий ресурсларда таълим босқичларининг узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланганлиги</p> <p>Ўқув режасида ўқув фанларининг комплекс тарзда ифодаланганлиги ва ундан таълим истеъмолчиларининг талаби эътиборга олинганлиги</p> <p>Ўқув дастурларини такомиллаштирилган ҳолда, унда замонавий билимлар, илмийликнинг таъминланганлиги, унинг синовдан ўтганлиги, таълим истеъмолчилари учун кулаги</p> <p>Ўқув дастурлари ва ундаги мавзуларнинг назарий ва амалий жиҳатдан уйгунлаштирилганлиги</p> <p>Дифференциялашган таълимни йўлга қўйиш ишларини такомиллаштириш, ихтисослаштирилган ва чукурлаштирилган ўқув жараёнларини жадаллаптириш</p>

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Кластерли ёндашув асесида таълим сифатини ёшириш

3.	Таълим муассасаси манбаларининг сифати	Юкори малакали педагогик ўқитувчилар Информацион-методик манбалар Таълимий-технологик манбалар Моддий-молиявий манбалар
4.	Ўкув-тарбия жа-раёнини такомиллаштириш	Таълим-тарбия жараёнини аттестациядан ўтказиш Ўкув дастурларини такомиллаштиришнинг натижалари Таълим муассасасида дастурларни ишлаб чиқилганлиги, амалиётга татбиғи ва оммалаштирилганлиги Таълим турлари ва хизматлари интеграллаштирилган дастурларнинг яратилганлиги ва жорий этилганлиги Ихтисослаштирилган ва кенгайтирилган таълим дастурларининг ишлаб чиқилганлиги ва жорий этилганлиги Ташкилий жихатдан янгиликларни таълим тизимига киритилганлиги Сифат мониторинги бўйича янги кўрсаткичларни ўзлаштириб борилганлиги Шахсга йўналтирилган таълим шакллари ва технолоѓияларининг татбиқ этилганлиги ТМсида инновацион тажриба-синовларнинг ўтказилиши ва натижалари
5.	Ўкув режасинин ба-жарилиши	Ўкув меъёрлари ва талабарининг бажарилиши Таълим соҳалари Синфларни ихтисослаштириш, маҳсус дифференциаллашган гурухларни ташкил қилиш Ўкув режасида келтирилган мактаб компонентига риоя килиш Танлов ва Таълим олувчилар билан индивидуал ишилаш кўлами мусобақалар, беллашувларга асосланган ҳолда чукурлаштирилган қўшимча таълим билан қамраб олиш Ўкувчилар ўкув юкламалари хажми

Кластерлі ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

6.	Үқитувчиларниң шахсий ютуклари	<p>Таълим жараёнини такомиллаштиришдаги ютуклари</p> <p>Услубий, илмий ва ихтирочилик ютуклари</p> <p>Турли танловлардаги муваффакиятлари</p> <p>Таълимдаги билимларини оширишга йұналтирилган фаолиятлари</p> <p>Мустакил қолда ўз устида ишлеш фаолиятлари</p>						
7.	Таълим мұассасасынинг инновацион фаолияти	<p>Таълим мақсад, вазифалари ва мазмунини модернизациялаш</p> <p>Таълим усул, шакл ва воситалари ҳамда технологияларини такомиллаштириш</p>						
8.	Таълим мұассасасынинг ижтимоий фаолияти	<p>Таълим хизматлари истеъмолчиларининг жараёндан коникиши</p> <p>Ұқув жараёнининг режалаштирилиши, ташкил этилиши, якуний натижаларида сифатнинг намоён булиши</p> <p>Таълим истеъмолчиларининг ўзаро ҳамкорлиги</p> <p>Мұассаса амал киладиган стратегиялар</p>						
9.	Ұқув жараёниниң ташкил килиш, яхшилаш, самарадорлигини ошириш	<p>Таълим иштирокчилари ва ота-оналар ҳамкорлиги</p> <p>Ұқув жараённи иштирокчиларининг жараёндаги маъсуліятларининг тенглигі ва түгри тақсимланиши</p> <p>Ұқув жараённи иштирокчилари учун мақбул педагогик-психологик мұхит яратиш</p> <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="width: 50%; vertical-align: top; padding: 5px;">Ұқув жараён сифат мониторинги</td><td style="width: 50%; vertical-align: top; padding: 5px;">Мақсадға йұналтирилғанлиги</td></tr> <tr> <td style="width: 50%; vertical-align: top; padding: 5px;"></td><td style="width: 50%; vertical-align: top; padding: 5px;">Махсус ташкил қилинганлиги</td></tr> <tr> <td style="width: 50%; vertical-align: top; padding: 5px;"></td><td style="width: 50%; vertical-align: top; padding: 5px;">Таълим сифатида рўй берадиган асосий ўзгаришларни узлуксиз кузатадиган</td></tr> </table> <p>Ұқув жараённиң билим, күникма ва малакаларга асосланған, компетенцияларни шакллантирадиган максадға йұналтирилғанлиги</p> <p>Билим, күникма ва малакалари ёрдамида таълим олувчиларнинг мустакил билиш имкониятларини ривожлантириш</p> <p>Барча дастурлар учун дидактик жараён мазмунини мавжудлігі</p>	Ұқув жараён сифат мониторинги	Мақсадға йұналтирилғанлиги		Махсус ташкил қилинганлиги		Таълим сифатида рўй берадиган асосий ўзгаришларни узлуксиз кузатадиган
Ұқув жараён сифат мониторинги	Мақсадға йұналтирилғанлиги							
	Махсус ташкил қилинганлиги							
	Таълим сифатида рўй берадиган асосий ўзгаришларни узлуксиз кузатадиган							

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

		Таълим берувчининг раҳбарлик, йўналтирувчанлик, фасилаторлик даражаси
		Таълим берувчининг педагогик фаолияти таълим олувчилар фаоллиги билан уйгунлашганлиги
		Таълим олувчиларнинг юкори кўрсаткичдаги якуний натижалари режалаштириладиган билиш ва тарбия имкониятлари
		Қизиқиш ва майлликлари асосидаги ўкув фанлари билимларини чукур эгаллаш имкониятлари
		Таълим олувчиларнинг ўкув ва тарбия жараён қонун коидаларига муносабати
10.	Таълим сифатига таъсир килувчи ўкув жараёни таркибий қисмлари	Таълим олувчиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжлари асосидаги фаол билиш жараёнларига жалб этиш Ўкув жараёнида таълим олувчиларнинг режалаштирилган, тартиблашган ва кутиладиган натижалар акс этган фаолияти Ўкув жараёнида аҳборот манбаи билан самарали ишлашни йўлга кўйиш Таълим олувчилар педагогик ва психологик холатини яхшилаш Ўкув жараёнида таълим олувчилар мустақил фаолиятга, ўз ҳаракатларини бошқариш, тахлил қилиш ва баҳолаш амалиётларига йўналтириш Ўкув жараёни барча таркибий қисмларининг узаро алоқадорлиги

Умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилган таҳлилар натижасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таълим сифати самарадорлигини оширишга хизмат қиласди:

таълим муассасасида ўтказилган мониторинг натижалари асосида ўқитувчилар учун таълим сифатини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиши;

ўқитувчининг касбий фаолиятини такомиллаштиришнинг қулагай усуслари орқали, шу жумладан, баъзи мавзулардаги дарс

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

машғулотларига ўзаро дарс ташрифлари ташкил қилиш орқали ўқитувчиларнинг ўз-ўзини ўқитиш тизимини кучайтириш, ўқитувчилар касбий маҳоратини оширишни ташкил этишда услубий уюшмаларнинг ўрнини ошириш;

ўқувчилар иқтидорини аниқлаш ва улар билан ишлашни яна-да самарали ташкил этиш (ўқитувчиларни ўқувчиларнинг ил-мий, лойиҳавий фаолияти учун шароит яратишга ундаш);

иктидорли болалар ва истеъдодли ёшлар билан аниқ мақсад-га йўналтирилган ишларни амалга ошириш тизимини яратиш;

- педагогик ходимларнинг профессионал педагогик талаблари олий ва умумий ўрта таълим даражасида самарали ҳамкорлик механизmlарини ишлаб чиқиш;

ўқитувчиларнинг таълим технологияларини ривожланти-ришдаги ишлари устидан аниқ назорат ва мониторинг ўрнатиш;

ўқитувчи ўқувчиларнинг умумий, маҳсус ва ижодий қобили-ятларини ривожлантиришни таъминлайдиган инновацион тех-нологиялар ва таълим жараёни иштирокчиларининг замонавий АҚТ кўникмаларини ривожлантириш;

ўқув-тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда талим муассаса-ларида ўз-ўзини бошқариш ролини кучайтириш;

таълим дастурларига истеъмолчи талабларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча дастурларни киритиш;

битирудувчиларни касбга йўналтириш механизmlарини кучай-тириш ва хаёт тарзи давомида дуч келадиган муаммоларини ол-дини олиш чораларини белгилаган ҳолда қўшимча касб танлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш;

ўқувчиларни соғлом турмуш тарзини олиб бориш ва соғ-лигини саклаш учун барқарор кўникмаларни эгаллашга ундаш ва ҳоказо.

Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим муассасаларининг миллий ва халқаро рейтинглардаги нуфузини ошириш, умумий ўрта таълимда самарадорликни таъминлаш мақса-дида таълим тизимига кластер тузилмаси жорий қилинди. Буни амалга ошириш олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик тамойиллари асосидаги механизmlарни йўлга қўйиш, ўқитувчи-лар таркиби, услубий уюшмалар, умумий ўрта таълим муассасаси ва маъмуриятнинг услубий кенгаши аъзолари, ўқитувчилар

томонидан тўпланган тажриба, мавжуд ютуқлар ва аниқланган муаммолар йўналишлари, уларни ҳал этиш усувлари, шакллари ва воситаларини интеграциялаштириш орқали таъминланади.

Дарҳақиқат маълум бир минтақада соҳа мутахассисларини тайёрлашда эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, ўқишига киришда имтиёзлар яратиш (мақсадли таълим), олий таълим муассасаларининг касбий йўналишлардаги ўқув дастурлари, фанларига оид ўқув-услубий ҳамда ахборот манбалар мазмунини янгилаб бориш, амалиётларда касбий фаолият компетенцияларини тўлиқ қамраган ҳолда, битирувчиларда танлаган касб бўйича фаолият олиб бориш мотивациясини ривожлантириш каби вазифаларни амалга ошириш учун таълим турлари, хизматлари, ресурслари ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни таъминловчи кучли механизмларга эҳтиёж сезилмоқда. Тошкент вилоятида ташкил этилган таълим кластери айнан шу эҳтиёжларни таъминлашга қаратилган.

Таълим сифатига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таъсир даражалари аниқланиб, янги инновацион ёндашувдан кутилаётган натижалар прогноз қилинди. Уни амалга ошириш учун барча турдаги ресурсларни жалб қилган ҳолда стратегиялар ишлаб чиқилди. Бу бўйича Тошкент вилоятида минтақавий таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган таълим кластери аҳамиятини педагогика соҳаси бўйича асослаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Тошкент вилоятида ҳалқ таълими тизимида кадрлар тайёрлаш бўйича истиқбол режаларнинг бажарилмаслиги ва тақсимотнинг тўғри йўлга қўйилмаслиги натижасида юзага келган кадрлар тақчиллиги масаласи бугунги кунда ҳудуднинг ўта долзарб ижтимоий масалалари сирасига киради. Вилоят ҳалқ таълими тизимида назарда тутилган таълим турлари ўртасидаги узлуксизлик, узвийлик ва интеграциянинг таъминланмаганилиги, ҳудудларда кадрларга бўлган талабнинг истиқбол режалари мавжуд эмаслиги билан юзага келган.

Минтақада таълим сифатини таҳжил қилиш асосида қуйидаги муаммоларнинг ҳал этилмаганилигини кўриш мумкин:

умумий ўрта таълим тизими ўқитувчилари орасида ўз-ўзини ривожлантириш мотивациясининг йўқлиги;

ўқитувчиларнинг ўқувчилар билимини ошириш учун замо-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

навий воситалар, усул ва механизмлардан самарали фойдалан- маслиги;

ўқитувчиларнинг асосий таянч тайёргарлиги инновацион усуллардаги фаолият механизмларига ҳисса қўшмайдиган анъ- анавий ўқитиш усулларидан фойдаланиш билан чекланганлиги;

дарс машғулотларини ташкил этишда табақалаштирилган ёндашув амалга оширилмаганлиги (тез ўзлаштириш имконияти мавжуд ўқувчи билан секин ўзлаштирадиган ўқувчилар учун бир хил дастур ва топшириқлар билан чекланилганлиги);

таълим турлари ўртасидаги узвийликнинг ҳисобга олинмаслиги;

таълим муассасаларида таълим сифатини бошқаришда ти- зимли ёндашувнинг йўқлиги ва ҳ.к.

Маълумки, мамлакатимизда 2018 йилда умумтаълим муассасаларининг миллий рейтингини аниқлаш жараёнида хорижий тажрибалар ўрганилиб, асосан, АҚШ, Россия Федерацияси, Япония, Австралия, Голландия, Канада, Украина каби давлатларнинг умумтаълим мактаблари рейтингини баҳолаш методикиси чукур таҳлил қилинди. Умумий ўрта таълим муассасалари рейтингини аниқлаш учун унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Ушбу рейтинг якуний натижаларга кўра, умумий ўрта таълим мактаблари миллий рейтингида Тошкент вилояти сўнгги ўринда эканлиги аниқланди¹ ва бу муаммони бартараф этиш мақсадида тадқиқотда тавсия қилинаётган кластер ёндашув асосидаги таълим сифатини ошириш модели ишлаб чиқилди. Умумтаълим муассасаларида таълим сифатини оширишни назарий таҳлил қилиш у педагогик шароитларини аниқлашга ёрдам берди.

Умумтаълим муассасаларида таълим самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида таълим жараёни иштирокчиларини ўзаро бирлаштириш, самарали ҳамкорлик механизмини ташкил қилишга эътибор қаратиш лозим. Бу механизм талаб ва эҳтиёжларга мос ҳамкорликка эришиш

¹ Раджиев А.Б. Узбекистон Республикаси умумтаълим муассасаларининг миллий рейтинги // 3112-ракам билан Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтган. 2018 йил 29 декабр.

ва таълимнинг ривожланишига тўсиқ бўладиган омилларни муҳокама қилиш, уларни бартараф этишга кенг жамоатчиликни жалб қилишнинг энг самарали тизими сифатида намоён бўлади¹. Умумтаълим муассасаларининг интеграцион механизмдаги биринчи ҳамкорлари, юқорида таъкидланганидек, таълим муассасасининг мувваффақиятли фаолиятидаги барча иштирокчиларнинг масъул вакиллик органлари, ишлаб чиқариш субъектлари, ижтимоий ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва ҳоказолар билан алоқалари бўлиши мумкин. Ижтимоий ҳаракатлар интеграцион механизмлар фаолияти туфайли мавжуд бўлади. Таълим тизими ва сифатини бошқаришни ижтимоий ҳамкорлик томонидан таҳлил қилиш унинг мақсадга йўналтирилган, ўз-ўзини ташкил қиласидаги ва тартиблашган бошқарув тизимларини ажратиб кўрсатишни тақозо этади. Бу тизимлар муносабати мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, уларнинг амал қилиш доираси ва муаммоларни олдини олиш мақсадида интеграциялашади.

Таълим муассасаларидаги мавжуд муаммоларнинг илмий ва амалий ечимларини топиш таълим тизимига нисбатан янгича ёндашувларни, илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришни, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Бу йўналишдаги таълим кластерлари негизида “мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари ташкил қилинди. Бу каби амалий аҳамиятга эга мажмуаларда кластер ёндашувидаги тизимлараро манфаатдорлик тамойиллари (мақсад умумийлиги, манфаатлар хусусийлиги) асосида таълим самарадорлигини оширувчи бир қатор дастур ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш муҳим шартлардан саналади.

Тизимга таълим самарадорлигини оширишнинг интеграцион механизмларини татбиқ этиш куйидаги хulosаларни чиқаришга имкон беради:

ўқув жараёнидаги бошқарув тузилмасининг модернизациялашувига эришилади; ўқув жараёнида юритиладиган ҳужжатлар мажмую оптималлашади; таълим муассасалари, педагог кадрлар

¹ Котова Т. А. Условия повышения качества обучения в школе // Молодой ученый. - 2017. № 15. - С. 95-97.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Ўртасида соғлом рақобат мухити вужудга келади; таълим олувчиларнинг рақобатбардошлиги ортади; таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция кучаяди ҳамда илмий тадқиқот натижаларининг самарадорлиги ортади.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Таълим сифати ва уни такомиллаштиришнинг таълим тизимидағи заруратидан келиб чиқиб, қуидаги **хулосаларга** келиш мумкин:

1. Педагогика соҳасидаги назарий билимлар асосини ўрганиш таълим сифатини бошқариш ва самарадорлигини ошириш вазифаларини аниқлашга имкон беради.
2. Турли даражадаги (давлат, минтақа, шаҳар ва муассаса) умумтаълим сифатини мустақил, холисона баҳолаш ва таъминлаш мезон кўрсаткичларини такомиллаштириш билан таълим сифати самарадорлиги таъминланади.
3. Таълим самарадорлигини ошириш жараёни таълим сифатининг хусусиятларига мувофиқ давлат, жамият ва шахс эҳтиёжларини мувофиқлаштириш, сифат бошқарувини кенгайтириш, таълим самарадорлигини ошириш бўйича инновацион-интеграцион дастурлар, режаларни жорий этиш ҳамда турли даража, босқич ва бўлимлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш орқали таъминланади.
4. Давлат, минтақа ва муассаса даражасида таълим сифати оширилса, уни такомиллаштириш харажатлари самарали тарзда ортса, унинг натижаси халқаро стандартларга жавоб беради, рақобатбардош кадрлар тайёрланади.
5. Таълим сифатини бошқаришни ижтимоий ҳамкорлик томонидан таҳлил қилиш унинг мақсадга йўналтирилган, ўз-ўзини ташкил қиласидиган ва тартиблашган тизимларини ажратиб кўрсатишни тақозо этади. Бу тизимларнинг ўзаро муносабати таълим сифатига таъсир кўрсатадиган муаммоларни олдини олиш, самарадорликни оширишда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш мақсадида интеграциялашади.
6. Таълим самарадорлигини ошириш жараёнида зарур бўлган фаолият таркиби вазият ва шароитлар уйғунлигини таъминлай-

диган, таълимда самараали бошқарувни белгилайдиган кластер муҳитини яратиш ҳудудий тизимлар ва таълим муассасаларини гурухлаштириш орқали мониторинг ишлари, таълимга янгича ёндашувлар, самарадорлигини оширишнинг интеграцион тузилмаси (модель)ни ишлаб чиқиши тақозо этади.

7. Таълимда сифат самарадорлигини таъминлашда таълим муассасаларининг куч ва салоҳиятларини тўғри йўналтириш ва мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада тизимга кластер ёндашувини татбиқ этиш мақсадга мувофик.

**II БОБ.
ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ
ПЕДАГОГИК-МЕТОДИК ЖИҲАТЛАРИ**

- ❖ Интеграция шароитида таълим самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари
- ❖ Таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатидаги кластер тузилмаси ва уни амалиётга татбик этишнинг педагогик шарт-шароитлари
- ❖ “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари фаолияти
- ❖ Таълим кластери шароитида ижтимоий буюртмани таъминлаш услубиёти

“Мактаб – бу ҳаёт-мамомот масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жсамиятнинг иши, бурчига айланиши керак. Моддий ва маънавий ҳаётни уйгун ривожлантиришимиз керак. Мактаб бу борада асосий бўғин бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириши биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур.

Ш.М.Мирзиёев

2.1. Интеграция шароитида таълим самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари

Жамият таракқиёти ва кишиларнинг турмуш тарзидаги юксалишларни таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг фаол интеграциялашувисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Интеграция термини амалиётда икки ва ундан ортиқ субъектларнинг бир мақсад атрофида бирлашиши, уйғунлашуви билан боғлиқ жараёнларни англатади¹. Интеграциялашув жараёни турли хил кенгайиш даражаларига таъсир қилувчи композицион ва коммуникатив таркибий қисмларни ўз ичига олади. Композицион қисмлар таркиб ва тузилиш билан боғлиқ бўлиб, бирлашувчи субъектларнинг норасмий ва мөъёрий чегараларини аниқлашни талаб қиласди. Коммуникатив қисм эса, таркиб ва субъектлар ўртасидаги алоқадорликнинг шакли, янги шароитда уларнинг тамойил ва механизмларининг ўзгаришларини назарда тутади.

Замонавий жамиятда таълим тизимида интеграциянинг ўрни ортиб, таълим муассасаларининг ўкув фаолиятида, олий ўкув юрти талабасининг шахсий ривожланиши натижаларида ҳамда уларнинг ижодий ва илмий қобилиятларида намоён бўлмокда. Айтиб ўтиш керакки, фақат зарур билим ва кўнукмаларни эгаллаш билан чекланган анъанавий таълим стратегияси шахснинг умуминсоний ва маданий қадриятларни қабул қилишдаги эҳтиёжларини қондирмайди, унинг маданиятли ва компетентли шахс сифатида ривожланишига етарли даражада жавоб бермайди. Мазкур масаланинг ечимларидан бири таълим жараёнидаги интеграция муаммоси бўлиб, у кўплаб тадқиқотларда, илмий манбаларда ўз аксини топган. Таълим тизими нинг амалий жараёнларига интеграцион ёндашувларни жорий этиш, амалий тадқиқотлар олиб борища интеграциянинг тарихий ривожланишини билиш, кузатиш, таҳлил қилиш ва таълим тизимига мос ҳолда жорий қилиш билан боғлиқ бўлган энг долзарб ёндашувларни танлаб олиш имкониятини беради. Шу

¹ Ашихмина Я.Г. Интеграционные проекты в современной России: виды и характеристики // Научный ежегодник института философии и права УрОРАН. – 2010. – Вып. 10. – С.193-203.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини өшириш

Ўринда тадқиқотчи олим А.Тожхоновнинг таълимда интеграция таълимни ташкил этишда унинг умумий тузилмаларини қайта ислоҳ қилиш, таълим олувчиларни берилган ахборотни тушуниш, идрок этишга йўналтириш, уларга бутун дунёдаги барча жараёнларнинг ўзаро алоқаси ҳақидаги тушунча ва ғояларини шакллантиришга ёрдам берадиган жараёндир¹, дея эътироф этган фикрига кўшилиш мумкин.

Интеграция терминининг илмий ҳолати биринчи марта XVII асрда интеграл ҳисоблаш назариясида келтирилган. Бу ерда интеграция бир томондан, дифференцияцияга тескари жараён сифатида кўриб чиқилган, иккинчи томондан эса, бирлаштиришнинг ўзига хос тури сифатида каралган.

Таълимда интеграция ғояси Я.А.Коменский томонидан илгари сурилган бўлиб², бу кўп маъноли тушунча XVIII асрда ёк Спенсер томонидан изоҳлаб ўтилган³. Интеграция ижтимоий педагогикадаги энг муҳим тушунча сифатида унинг назарий асосларини Б.М.Кедров, Н.В.Кузьмина, В.А.Лекторский, В.Н.Максимова, А.П.Огурцов, А.И.Ракитов, В.С.Степин, М.Г.Чепиков, Б.Г.Юдин ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида кўриш мумкин.

Бугунги кунда бу илмий тушунча педагогика фанининг контекстига ҳам сингдирилган. А.Я.Данилюк, Н.И.Кондаков, Ю.С.Тюнниковларнинг тадқиқотларида интеграция “яхлитлик, бутунлик, тизимлилик, умумийлик” ўрнида “тамойил, жараён ва натижа”, “бутун таркоқ бўлакларнинг бирлашуви” сифатида тавсифланади⁴.

Фанлар интеграциясини уларнинг ўзаро алоқалари шакли сифатида тушуниш кераклигини таъкидлаб ўтган Б.М.Кедров, билимларнинг турли соҳаларида умумий тадқиқот мақсад ва вазифалари мавжудлигини, ундаги муаммоларни ҳал қилиш ва

¹ Тожхонов А. Интегративный принцип организации обучения учителей начальных классов // Башлангич таълимда интеграцийй-инновацион ёндашувлар. Т.: 2019, № II. - Б. 170.

² Коменский Я.А. Буюк дидактика. –Т.: Ўқитувчи. 1977. – Б. 338.

³ Кедров Б.М. О синтезе наук // Вопросы философии, № 3, 1973. - С. 81-85.

⁴ Данилюк А.Я. Теория интеграции образования. – Ростов на/Д.: 2000. - 440с.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

амалга ошириш учун муайян ягона билим воситалари тизими зарур, деган фикрга келади.

Таълим тизимини модернизациялаш шароитида уни интеграциялаш инновацион парадигма ҳисобланиб, таълим турларининг ажралмас ўзаро муносабатлари, ҳамкорлиги доирасида ижодий, рақобатбардош шахсни шакллантириш мумкин. Таълим интеграциясининг икки мухим хусусиятини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

таълим фан ва маданиятни ривожлантиришда дунёнинг умумий қўринишида ёш авлоднинг интеграл билимлар тизимини шакллантириш мақсадидаги интегратив тенденция сифатида;

инсон фаолиятининг дунё билан алоқа ва муносабатлари тизимидағи интегратив умумий предмет сифатида тасвиранади.

Иzlанишлар натижасида кўплаб тадқиқотларда интеграцион жараёнлар турили хил тавсифланганлиги таҳлил қилинди ҳамда уларнинг бир-бирини кўллаб-куватлаш билан бирга фарқли жиҳатлар ҳам мавжудлиги аниқланди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Тадқиқотчилар тавсифларига кўра интеграциянинг педагогик таҳлили¹

№	Муаллифлар	Интеграция тавсифи ва йўналишлари
	А. Я. Данилюк	Таълимни интеграциялаш педагогик жараёнга йўғрилган дидактик тамойил сифатида ўрганилган.
	Т.Ломакин	Педагогика фанида интеграциянинг икки жиҳати: таълим мазмунининг интеграциясига ва барча таълим тизимларининг ўзаро таъсири интеграциясини кўриб чиқилган.
	В.Онушкин, Э.Огарев	Интеграция нафақат жараён сифатида, янги потенциал имкониятлар, янги сифат ва натижаларга олиб боралиган ягона тизим сифатида эътироф этилган.
	М. Н. Берулава, В. А. Сластенин, В.А. Исаев, И.Ф. Мищенко А.И. Шиянов	Умумий ўрта таълим ва олий таълимда интеграцион ёндашувни қўллаш, улар ўртасидаги самара-ли ҳамкорлик асосида тавсифланган.

¹ Муаллиф томонидан тайёрланди.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

	И. Гретченко, И. Г. Тимошенко, Т. С. Кашлачева	Минтақавий ва давлат даражасидаги таълим тизимини жаҳон таълим маконига интеграциялашуви урганилган.
	Н. М. Белянкова, А. Игнатова, В. Н. Максимова, С.Ю. Полянкина	Педагогик таълим жараёнларида фанлараро алоқалар каби мавзулараро алоқаларни ҳам интеграциялашган курс, бўлим ва модуллар ташкил қилиш орқали ўрнатиш тадқиқ этилган.
	А. А. Саламатов, Е. А. Соколов	Ҳаёт ва таълимда икки турдаги илмий билимлар (табиий ва ижтимоий фанлар)ни интеграциялаш баён этилган.
	Л. Г. Савенкова, А. Никитина, Б. П. Юсов	Таълим муассасаларида интеграция таълим тарбия жараёнини ташкил этиш шарти сифатида учта ўзаро боғлиқ ўйналиш: экологик, минтақавий ва маданий ёндашувлар асосида амалга оширилиши таъкидланган.
	Л. П. Волкова, А. А. Дмитриев, Л. М. Кобрин, Н. Н. Малофеев	Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган коррекцион ва психолик ёрдам кўрсатиш асосидаги интеграллашган таълим тадқиқ қилинган.
	Ю. А. Горячев, В. Ф. Захаров, Л. Е. Курнешова	Мамлакатга бошқа худудлардан кўчиб келган болаларни миллий-маҳаллий маданият билан таништириш орқали уларни ижтимоий мослаштириш асосидаги интеграллашган таълим тадқиқ қилинганин.
	Р.Н. Авербух, Н.П. Литвинова	Таълим тизимларини ривожлантиришда интеграция педагогик, ижтимоий-маданий, ижтимоий-сиёсий ва иктиносидай омиллар ва бу соҳадаги анъаналар ва инновацияларни ўзаро биргаликда ривожлантириш билан боғликлиги таъкидланган.
	Я.Г. Ашихмина	Интеграция муайян бирликларни тиклаш, тўлдириш маъноларини билдириб, амалиётда икки ва ундан ортиқ субъектларнинг бир мақсад атрофида бирлашиши билан боғлиқ жараёнлар деб қаралган.
	А.Н.Гордеева, М.В. Пучкова	Таълимда интеграция ички ва тармоқлараро интеграция сифатида қаралиб, ички интеграция фан ва таълимни давлат бошқарувининг бир неча соҳаси доирасида бирлаштириш, тармоқлараро интеграция давлат бошқарувининг бир неча соҳасини қамраб олиб, фан, таълим ва ишлаб чикаришини бир-бирларига яқинлаштириш сифатида қаралган.
	Б. М. Кедров	Интеграция билиш жараёнида микдорий юкори натижаларни таъминлаб, фаннинг ривожланиши учун замонавий шароитларга хос бўлган ўзаро таъсирнинг сифат жиҳатидан янги тури сифатида ажратиб кўрсатилган.

Кластерлі ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

	Н. Б. Истомина	Бўлажак бошлангич таълим ўқитувчилари билимини амалий интеграллаштириш уларни услугий жиҳатдан тайёрлаш зарурлиги, хусусияти маҳсус (фанга оид) психологияк-педагогик ва услугубий билимларни бирлаштиришда намоён булишини таъкидлаган.
	О.К.Абдурахмонов	Интеграция жараёнлари турлари: ривожланиш йўналишлари (горизонтал, вертикаль, диагонал) га кўра, интеграциялашиш даражаси (ўзаро ҳамкорлик, кооперацион ва тўлиқ интеграция) га кўра, фаолият йўналишлари(ишлаб чиқариш, илмий, таълим, маркетинг, инвестициявий ва инновацион) га кўра ва хукуқий асоси(улушли ва қўшма) га кўра тасниф қилинган.
	Б.М.Аъзамова Р.А.Мавлонова, Н.Х.Рахмонкулова, М.И.Тошпулатова, Д.Ш.Якибова,	Умумий ўрта таълим бошлангич таълимда, ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришда интеграцион ёндашув, дарсларни интеграциялаш: интеграцион дарснинг умумий хусусиятлари, интеграцион дарслойиҳасига доир машгулот структураси ҳамда интеграцион технологияси тавсифланган.
	Б.С.Абдуллаева, А.А. Жуманов, С.Т.Махкамов, Г.Ш.Файзуллаева Н.С.Файзуллаева,	Фанлараро, курслараро узвийликнинг методологик-дидактик асослари, фанлараро алокадорликнинг таълим-тарбия тизимидағи аҳамиятни ва таълим самарадорлигини оширишининг йўллари баён қилинган.
	Ғ.И.Мухамедов, У.Н.Хўжамкулов	Таълим соҳаси кластер ёндашувида интеграция жараёнлари амалий аҳамияттага эга эканлигига тұтталиб, моддий, молиявий, технологик, информацион, услугубий ва кадрлар соҳасидаги барча ресурсларни жалб қилиш зарурати асосланган.

XXI аср бошларидан мамлакатимиз таълим тизимида ҳам интеграцион жараёнлар фаол ривожлана бошлади. Таълимни замонавийлаштиришнинг ҳозирги даврида бу соҳага интеграцион жараёнлар билан боғлиқ инновацион ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш, интеграцион таълим дастурлари, интеграциялашган технологияларни жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Натижада мактабгача таълим-тарбия + умумий ўрта таълим, мактаб + академик лицей, мактаб + касб-хунар коллежи, мактаб + профессионал таълим, мактаб + олий таълим каби интеграллашган таълим муассасалари тизими вужудга кел-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

моқда. Буларнинг барчаси В.Н.Максимованинг фикрига кўра, интеграцияни “замонавий таълим тизимларини ривожлантиришнинг тамойили ва омили”¹, деб ҳисоблаш имконини беради.

Н.М.Белянкова, В.А.Игнатова, В.Н.Максимова ва С.Ю.Полянкиналарнинг тадқиқотларида таълим жараёнларида фанлараро алоқалар каби мавзулараро алокаларни ҳам интеграциялашган курс, бўлим ва модуллар ташкил қилиш орқали ўрнатиш самарали эканлиги келтирилиб ўтилган ва бу ҳам мавзумиз мақсадига эришишда энг мақбул тавсифлардан бири ҳисобланади. Ишда таълим самарадорлигини ошириш ва унинг натижасини белгилаб берувчи юқори натижали таълим олувчини таъминлаш бўйича назарий ва амалий асосларни тақдим қилиш мақсадга мувофиқ. Айнан шу мақсадга эришишда юқорида интеграцияга берилган тавсифни қўллаб-қувватлаган ҳолда, юқори билим даражасига эга ўкувчини таъминлаш учун ўқув жараёнини фанлараро, мавзулараро, бўлимлараро интеграллашган усулларда олиб бориш орқали амалга ошириш самарали усул эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Европа олимларининг таълимдаги интеграция жараёни ва унинг самарадорликни оширувчи омил сифатидаги эътирофларига қўшилган ҳолда, айтиш мумкинки, таълим соҳасидаги интеграция жараёнларини амалий аҳамиятга эга сифатни таъминлашга моддий ва молиявий, технологик, информацион, услугубий ва кадрлар соҳасидаги барча ресурсларни жалб қилиш зарурати мавжуд². Интеграция педагогик таълимда асосан икки тушунча сифатида, яъни таълим тизимининг интеграцияси ҳамда таълим мазмунининг интеграцияси сифатида намоён бўлади.

Таълимда чукур интеграцион жараёнлар муқаррарлигини таъкидлаган И.Э.Кашекованинг фикрича, “замонавий дунё интегратив асосда курилган бўлиб, у кўп киррали билим, компетенция, ахборот оқимини тўғри танлаш ва тўғри ишлатиш

¹ Максимова В.Н. Интеграция в системе образования. СПб.: ЛОНРО, 2000.
- 82 с.

² Мухамедов Ф.И, Хўжамқулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери / монография -Т.: Университет, 2020. 280 б.

қобилиятини талаб қиласди”¹. Шу нүктаи назардан келиб чиқиб, таълим интегратив асосда қурилиши, инсонни дунё билан таништириши ва уни ўзлаштиришига ёрдам бериши керак, деган холосага келиш мумкин.

Таълим тизимида фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида назарий асослар мавжуд бўлиши билан бирга, амалий натижалар ҳам етарли даражада. Биринчи навбатда кадрлар тайёрлаш тизимида фан, таълим, ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг интеграциясини таъминланиши катта аҳамиятга эга, бу тайёрлананётган кадрлар сифати ва миқдори давлат томонидан белгиланган талабларни, истеъмолчи ташкилотлар ижтимоий буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқишини белгилаб беради. Узлуксиз таълимнинг асоси бўлган кадрлар тайёрлаш соҳаси айни пайтда жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминловчи энг устувор соҳа ҳамдир. Ўз навбатида шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий эҳтиёжлари ишлаб чиқариш билан, илмий-техникавий эҳтиёжлари фан билан таъминланади. Таълим соҳасининг самарадорлигини ошириш ва унинг миллий иқтисодиётга таъсирини кучайтириш борасида куйидаги муаммолар мавжудлиги интеграцион тизимни янада такомиллаштириш заруратини намоён қилмоқда:

таълим тизими ва меҳнат бозори ўртасидаги алоқаларнинг сустлиги;

“таълим – фан - ишлаб чиқариш” ўртасидаги боғлиқликнинг етарли даражада эмаслиги;

кадрлар тайёрлашнинг илмий педагогик асосларини такомиллаштириш негизида интеграциянинг сифатини ошириш;

таълим хизматлари бозорининг хусусий субъектларини вужудга келтириш зарурати билан унинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва х. к².

¹ Кашекова И.Э. Технология интеграции и конвергентности с искусством в предпрофильном и профильном образовании. Институт художественного образования российской академии образования электронный научный журнал М.: “Педагогика искусства”, 2008. № 1

² Хамрақулов Ж. Сифатли таълим - иқтисодий тараккиёт пойдевори // Иқтисодиёт ва молия. Тошкент. 2011, № 11. Б. – 50.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Фан интеграцияси таълим мазмунини ўзгартирининг асоси бўлиб, ҳозирги замон таълим тизимида шахсни оила, мактаб, жамият ва давлатнинг асосий қиймати сифатида унинг ривожланиши таълим билан боғлиқлигини ҳисобга олиш лозим. Интеграция айнан шу мақсаддаги таълим тизимининг ривожланишини амалга оширишни ҳал қиласидиган мураккаб илмий, педагогик ва ижтимоий омилдир.

Берилган таъриф ва тавсифлардан интеграцияда узлуксизлик ва изчиллик тушунчалари ўзаро алоқадорлик ва бир бутунликни ҳосил қилиши англашилади. Бу тушунчаларнинг табиий алоқадорлигини илмий нуқтаи назардан асослаш, шубҳасиз, улар ўртасидаги интеграция жараёнларини янада тезлаштиради, бу хусусиятларнинг самарадорлиги учун хизмат қиласиди. Демак, ҳар бир соҳа ёки тармокнинг ривожланиши, аввало, уч омил: таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро ҳамкорлиги, яхлитлашуви ва интеграциясига боғлиқ. Бу учликтининг ўзаро интеграцияси нафақат соҳаларнинг, балки шу тизим субъектларининг ҳам инновацион жараёнлар сари юз буришига сабаб бўлади.

Маълумки, ишлаб чиқариш ҳар доим инновация ва илмий ёндашувга эҳтиёж сезади, бу ишлаб чиқаришнинг турли даражаларига ҳам тааллуқли бўлиб, унинг тўғрилиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Чунки ишлаб чиқариш эндиликда ўзининг тор соҳасидагина ваколатларга эга эмас. У илмий услублар ва юқори малакали кадрлар ишлаб чиқаришнинг имкониятларини кенгайтиради. Ҳозирги кунда илм-фан ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас. “Соф” илмий тажрибалар даври ўтди, “фан-фан учун” ўлик формула бўлиб, эндиликда илм-фан ва ишлаб чиқариш йўлидан борсагина юқори натижаларга эришиши амалий тажрибаларда ўз исботини топди.

Интеграциянинг асосида синергия (юононча “synergos” – “мувофиқлашган”, “ўзаро ҳамкор”) конуни ётади. Синергия конунига асосан ҳар қандай субъект ўзида фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи барча жиҳатларни бирлаштира олмайди, у ҳар доим бошқа субъектлар билан ҳамкорлик қилишга эҳтиёж сезади. Турли субъектлардаги мазкур

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

жиҳатларнинг бирлаштирилиши самарадорликнинг ошишига хизмат қиласди.

Адабиётлар таҳлилига кўра, интеграциялашиш турлари кўйидагича таснифланган:

1. Ривожланиш йўналишлари бўйича: горизонтал, вертикал, диагонал интеграция.

2. Интеграциялашиш даражасига кўра: ўзаро ҳамкорлик, кооперацисон ва тўлиқ интеграция.

3. Фаолият йўналишлари бўйича: ишлаб чиқариш, илмий, таълим, маркетинг, инвестициявий ва инновацион интеграция.

4. Ҳукукий асосига кўра: улушли ва қўшма интеграция¹.

Юқоридаги таснифлардан келиб чиқиб, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига ривожланиш йўналиши бўйича вертикал, интеграциялашиш даражасига кўра ўзаро ҳамкорлик, фаолият йўналиши бўйича ишлаб чиқариш, илмий ва таълимий интеграция сифатида қарашни белгилаш мақсадга мувофиқ. Умуман, юқоридаги тасниф кўпроқ иқтисодиёт тармоқлари ва бизнес субъектларининг ўзаро интеграциясини назарда тутади. Интеграциянинг умумий мақсад ва қонуниятларидан келиб чиқкан ҳолда уни таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига ҳам тааллуқли дейиш ўринли. Ҳозирги давр назариясида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясига оид турлича ёндашувлар кузатилмоқда. Бундай нуқтаи назарлардан бирида мазкур жараёнга ички тармоқ ва тармоқлараро интеграция сифатида қаралади. Ички тармоқ интеграцияси дейилганда, фан ва таълимни давлат бошқарувининг бир соҳаси доирасида бирлаштириш назарда тутилади. Тармоқлараро интеграция маънени эса анча кенгрок, яъни давлат бошқарувининг бир нечта соҳасини қамраб олади ҳамда таълим, фан ва ишлаб чиқаришни бир-бирларига яқинлаштириш сифатида талқин қилинади².

Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини самарали амалга ошириш учун педагогик салоҳият, инновацион мухит, интеграцион таълим кампуслари ҳамда “мактаб-лабораторо-

¹ Абдурахманов О.К. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. -Т.: Фан ва технология. 2014. - 23 б.

² Гордеева А.Н., Пучкова М.В. Правовое обеспечение интеграции науки и образования // Закон. 2006, № 4.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

рия”лар муҳим ҳисобланади. Ушбу компонентларда кадрлар тайёрлашда илмий-педагогик салоҳиятнинг ўрни, ривожланиш тамойилига асосланганлик, замонавийлик, янгиланиш, моделлаштириш, назария ва амалиёт уйғунлиги каби интеграция жараёни учун муҳим бўлган жиҳатлар ўз аксини топган.

Интеграциялашув жараёнида мазкур соҳалар таълим, фан ва ишлаб чиқариш кетма-кетлигига бўлиши ва бунга нисбатан табиий ҳол сифатида қаралиши лозим. Фаннинг таълимдан, ишлаб чиқаришнинг фан ёки таълимдан илгарилаб кетиши бу соҳалар ўргасида табиий муносабат ва интеграция жараёни мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бундай муносабат фаннинг тараққиёт ва ҳаётдан айри “фан - фан учун” тамойилига асосланишини, таълимда эса назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланмаганини, ишлаб чиқаришнинг илмий ютуқлардан кўра ҳаётий тажрибаларга асосланганлигини кўрсатади. Соҳаларнинг бу муносабатида ҳам маълум даражада тараққиёт кузатилади, аммо буни замон талабларига мос, рақобатбардош ишлаб чиқариш муносабатлари деб бўлмайди. Интеграция таъминланиши учун ишлаб чиқариш таълим ва фанга, таълим эса, ўз навбатида, фанга истеъмолчи муносабатида бўлиши илмий мантиққа мос келади. Бу эса интеграциялашган муносабатда илмий-педагогик салоҳият компонентининг даражаси – фан ва таълим соҳасида ишлаб чиқариш соҳа вакилларига нисбатан илмий салоҳиятнинг устунлигини белгилайди. Жамият контекстида бевосита таълимнинг фан, ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт билан ўзаро мақсадли интеграцияси нафақат таълим самарадорлигини оширувчи омил, балки давлатнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланишини ҳаракатлантирувчи омил ҳамdir ва бу мамлакат тараққиёти йўлидаги энг самарали ҳамкорлик ҳисобланади (2.1.1-расмга қаранг).

Таълим контекстида эса, таълим турлари ўргасидаги интеграцияни такомиллаштириш олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини умумтаълим мактабларига бириттирилган ҳолда, фанларни ўқитиши сифатини оширишга қаратилган инновацион моделларни ташкил этишда намоён бўлади. Таълим олувчи назарий билимларини амалий жараёнларда қўллаши орқали “инсон-техника”, “инсон-жамият”, “фан-табиат” муносабат-

ларининг кенг қамровли жараён эканлигига ишонади ва унинг ички дунёси билан жамият ўртасидаги мухим компетенциялар шаклланади. Таълим турлари ўртасидаги интеграция натижасида таълим олувчи эгаллаган компетенциялар унинг таълимдан кейинги фаолиятида дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишида, касбнинг турли соҳаларига тайёр бўлишига ёрдам беради.

Интеграцион таълимнинг ривожи таълим шакли ва мазманини тўғри, педагогик асосланган тарзда олиб бориш билан боғлиқ бўлиб, бунда таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларнинг чуқур таҳлили талаб қилинади. Фанлараро, мавзулараро, курс ва бўлимлараро интеграцияни соғлом мухит, ўзаро хурмат ва ижодий ҳамкорлик мавжуд бўлган педагогик жамоада амалга ошириш мумкин.



2.1.1-расм. Жамият контекстида таълимнинг интеграциялашуви

Ўқув жараёнларини интеграцион ёндашув асосида олиб боришнинг муваффақиятли томонларини куйидагича башорат қи-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

лиш мумкин:

- интеграцион ёндашувдаги ўқув жараёнларида таълим олувчи табиатни бутун, яхлит ҳолда тасаввур этади;
- ўқувчи имкониятлари ортиб, табиатни ўз қобилиятига кўра ўрганади. Шу орқали у мантиқий фикрлаб, мавжуд ходисалар, сабаблар ва уларнинг ечимлари бўйича мустақил мушоҳада юритади. Натижада унинг мулоқот, таққослаш, қиёслаш, умумлаштириш ва хulosса чиқариш қобилиятлари, ностандарт фикрлаш даражаси ривожланади;
- бундай ўқув жараёнларида ўқитувчининг касбий компетентлик даражалари ортади.

Демак, дарсларни интеграцион шаклда ташкил этиш дарс сифати ва ўқувчилар дунёқарашининг ҳар томонлама ривожланишини кафолатлади. Интеграцион ўқув жараёнларини олиб боришда, биринчи навбатда, ўқувчига фанлараро, мавзулараро боғлиқликни етказиб бериш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда ўқувчи идрок қилмаган интеграция давомида тушунмовчиликка дуч келиши, мавҳум ҳолатга тушиб қолиши, жараён охирида ҳам нотўғри хulosага келиши мумкин.

Иш давомида таълим турлариаро компетенциявий талабларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда таълим жараёни интеграциясини кластер ёндашуви асосида ташкил этиш юқори натижалар бериши прогноз қилинди ва таълим самардорлигини оширишда ўқитувчилар билимини такомиллаштириш, ўқувчилар иқтидорини аниқлаш, диагностик таҳлил қилиш ва ривожлантириш амалий тажрибаларда ўз исботини топди.

Таълим тизимидағи интеграция жараёни ҳар бир субъектнинг қуидидаги мақсадларга эришишига имкон беради:

таълимга янгича инновацион ёндашувларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда бундан манфаатдор бўлган барча ҳамкорлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз мавқеини янада ошириш;

умумий мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда, хусусий мақсадларига эришиш учун ҳамкорлардаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.

Бу билан субъектларнинг ҳар бирин алоҳида ва умумий мақсад атрофида бирлашиб, фақат ўз самардорлигини оширишданги на эмас, шунингдек, бошқа субъектларнинг ҳам юқори самарага

эришишидан манфаатдор бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида фан – таълим - ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унга ижобий таъсир кўрсатувчи таълим самарадорлигини оширишни кучайтиришнинг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти қуидагиларда намоён бўлади:

ишлаб чиқариш жараёнининг иштирокчиси бўлган инсоннинг билимларни ўзлаштириш, инсон капиталини шакллантириш, уни ривожлантириш айнан таълим мажмуаси томонидан амалга оширилиши;

жамият аъзоларининг билим даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини белгиловчи муҳим омил эканлиги;

жамият иқтисодиёти ривожланиши инсон билимининг кучли таъсири натижасида юзага келиши, унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилига айланганлиги;

таълим соҳасининг турли тизимларида ахборотларнинг етакчи билимга айлантирилиши;

мамлакат меҳнат тақсимотида миллий таълим тизими аҳамиятининг ортиб бориши ва ҳ. к.

Таълим самарадорлигининг устувор омили ҳисобланган интеграциянинг турли даража ва йўналишлардаги қуидагича фаолият турларини келтириб ўтиш мумкин:

мамлакат илм-фанининг жаҳон илм-фани билан интеграцияси;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси;

давлат, ҳудуд ва муассаса даражасидаги интеграция;

турли хил соҳалардаги таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги;

таълим майдонида таълим турларининг барчасини узлуксиз таълимнинг ягона тизимиға интеграциялаш (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, маҳсус ва қўшимча таълим ва б.);

таълимнинг турли босқичларидаги (бошланғич таълим, ўрта таълим, юқори синф) узвийлик;

турли соҳалардаги билимлар интеграциялашуви (фан, маданият, санъат, иқтисодиёт ва хоказо);

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

касбий билимларнинг илмий тадқиқот билан интеграциялашуви (танлов назарияси асосидаги касбий билимни назарий ва амалий жиҳатдан тадқик қилиш);

фанлараро интеграцион таълим (умумтаълим ўқув режаларидағи фанларнинг узвийлиги), мавзуларапо ва мавзуу ичидағи билимлар интеграцияси (муайян фан негизидаги мавзулар узвийлиги ва изчиллиги);

ўқитиш методлари, технологиялари ва уларни ташкил этиш шакл, усул ва воситалари интеграцияси;

таълим жараёнининг турли иштирокчиларини ягона таълим маконида интеграциялаш (таълим берувчилар, таълим олувчилар, ота-оналар, маҳсус ижтимоий-маданий гурухлар (ногиронлар, мигрантлар) ва б.);

таълимнинг барча иштирокчилари тарбия ва маданиятини интеграциялаш (раҳбар, ходим, таълим берувчи, таълим олувчи, ота-она, ижтимоий буюртма талабгори) ва ҳ. к.

Таълим тизимини интеграциялаштириш жараёни кластер асосида амалга оширилиб, уни ислоҳ этишга доир бир қатор илмий, услубий, ташкилий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу ҳаракатлар натижасида таълим жараёни иштирокчилари компетенцияларини янада такомиллаштириш ва таълим самарадорлигини ошириш бўйича ижобий натижаларга эришилди.

Демак, қўйидаги интеграцион дидактик имкониятларда таълим сифатини ошириш мумкин:

бўлажак мутахассислар билими, иш услуби, қобилият ва фазилатлари бутунлигини таъминлаш орқали тўғри касбга йўналтириш ҳамда касбий фаолиятга тайёрлашда ўқувчилар томонидан педагогик ва техник билимларнинг комбинациялашган, бир бутун ҳолда ўзлаштирилишига эришиш (бу имконият етук, рақобатбардош мутахассисни таъминлашда самара беради);

интеграция шароитида таълим сифатини бошқаришда ўқитувчи фаолиятининг барча компетенцияларини яхлит ҳолда таъкомиллаштириш ва юқори натижага эришиш учун ўқув жараёнини режалаштириш, лойиҳалаштириш, технологиялаштириш, қўйилгандан натижага эришишда танланган усул ва воситаларни ўзаро узвийлик ва изчилликда олиб бориш (бу таълим сифатининг юқори натижаларига эришишга хизмат қиласи);

ўкувчи компетенцияларини такомиллаштиришни фанлараро, мавзулараро, курс ва бўлимлараро индивидуаллашган, табақалашган ҳамда ихтисослашган таълим асосида амалга ошириш (бу ўкувчининг келажакдаги касбий муваффақияти гарови бўлиб хизмат қиласди);

интеграция шароитида ўкув жараёни ташкилий шакл ва усуллари, уни самарали ташкил этувчи шароит ва қўлланиладаган услуг ва технологиялар билан биргаликда олиб бориш (бунда сифатли таълим таъминланади);

ўкувчи тафаккурини, креативлигини шакллантириш учун муаммоли ўқитиш, индивидуал ишлаш, мотивацияни кучайтириш, мустакил таълимга йўналтириш, ўз-ўзини ривожлантириш, назорат қилиш, баҳолаш каби шахсга йўналтирилган таълим таркибий кисмларини ўзаро интеграциялаш орқали ташкил қилиш (бу орқали ўкувчи иқтидори ривожланади ҳамда тўғри касбга йўналтирилади).

2.2. Таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатидаги кластер тузилмаси ва уни амалиётга татбиқ этишининг педагогик шарт-шароитлари

Жамиятда юз берадиган туб ўзгаришлар, шубҳасиз, таълим соҳасини ҳам қамраб олмоқда. Айни пайтда, кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим турлари ўртасидаги алоқа ва узвийликнинг таъминланишидаги айрим камчиликлар мақсадни белгилашдаги тарқоқликка ва таълим сифатининг пасайишига сабаб бўлди. Кадрлар тайёрлаш бўйича давлат сиёсатида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ўзига хослиги ва талаб ҳамда эҳтиёжларининг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг чукур ўрганилмаслиги натижасида кадрларнинг ҳудудлар кесимидағи тақсимотида мувозанатнинг бузилиши кузатилди. Таълим тизимдаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги йилларда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига оид бир қатор карорлар қабул қилинди.

Таълим тизимидағи юқорида таъкидланган масалалар худудий ҳокимликлар ва уларнинг тасарруфидаги тегишли бўйича

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

лингвистикада бўйича тизимли иш олиб бориши натижасида ўзининг ижобий ечимини топиши мумкин. Таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқсан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим турлари ва таълим мазмунини интеграциялаш узлуксиз таълимни кластерлаштириш асосида ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Ишда кластер ёндашуви асосида таълим сифатини оширишга эътибор қаратилганлиги сабабли дастлаб, кластер тушунчасига, унинг тарихий тараққиёти ва даврий ўзгаришлар мазмуни бўйича келтирилган тавсифларни таҳлил этиш лозим.

Кластер тушунчаси биринчи бўлиб иқтисодиёт соҳасида жорий этилди. Иқтисодиётдаги кластер назариясининг асосчиси Гарвард бизнес мактаби профессори M.Porter кластернинг шаклланиш механизмини ўзаро рақобатбардошликтининг ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлик соҳаларнинг жамланиши, деб тушунтирди ва ушбу ҳамкорликнинг давлат иқтисодиётидаги ролини аниқлаб берди¹.

Рус олимаси Т.И.Шамова эса кластерни рақобатбардош, самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган алоҳида соҳалар бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми², дея тавсифлайди. Л.Беспалова кластерни ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта бўлаклардан иборат бўлган тузилма³, деб ҳисоблайди.

Таълим соҳасига кластер ёндашувининг кириб келиши инновацион жараён бўлиб, таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган янгича ёндашувлар сифатида таълим турлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқадорликнинг инновацион-интег-

¹ Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, - 454 pp.

² Шамова Т.И. Управление образовательными системами: учебное пособие для студ. высш. учеб. заведений // Т.И. Шамова, Т.М. Давыденко, Г.Н. Шибанова: под ред. Т.И. Шамовой. -3-е изд., стер. – М.: Издательский центр “Академия”, 2006. - 384 с.

³ Беспалова Л. Что такое кластер? URL: <http://siok.rightside.ru/siok/> 2009-12-01-06, - С. 24-41.

рацион ёндашувлардаги механизмларини келтириб ўтиш мумкин. Таълим тизимида нисбатан бу каби инновацион ёндашув ҳақиқий ривожланиш жараённинг мантиғига мос келса, таълим сифати самарадорлиги ортади. Айниқса, таълим муассасаларининг бошқарув тузилмасида мавжуд муаммоларга нисбатан муносиб инновацион ёндашувлар жорий қилинса, мавжуд вазиятни олдиндан баҳолай олиш, ҳодисаларнинг ривожланишини тўғри тахмин қилиш, ўз вактида чоралар кўриш ва ташкилий бошқарув тузилмасига тузатишлар киритиш имкониятлари пайдо бўлади. Таълим кластери бу каби муаммоларнинг ечимида нисбатан тўғри ёндашувни қарор топтиради. Зоро, кластерли интеграция жараёнлари юқорида таъкидлаб ўтилганидек, моддий, молиявий, технологик, информацион, услубий ва кадрлар соҳасидаги барча ресурслар жалб қилинганлиги билан ҳам энг кучли механизм саналади.

Кластер мослашувчан тарзда ўз тузилмалари учун бошқарув тизимини яратиш, ўзаро ишончни таъминлаш учун ҳақиқий ривожланишни олдиндан тахмин қилиш имконини беради¹. Таълим тизимининг таркибий қисмларида сифат ўзгаришлари бўлиши, мазмунли фаолият, умумий ва маҳсус бошқарув функциялари, дастур, технология ва усуллари, иштирокчиларнинг кадрлар салоҳиятини ривожлантириши билан боғлиқ жараёнлар кластер мухитини яратиш имкониятини беради.

Таълим кластерларининг моделлари Европа амалиётида етарли даражада мавжуд бўлиб, Россия тажрибасида кластер сиёсати асосан уларни шакллантириш ва ривожлантириш тамойилига асосланади. Т.И.Шамова таълимни ривожлантиришга кластер ёндашви индивидуал субъектлар ва кластер иштирокчиларининг ўзига хос афзалликларини кучайтирадиган ижтимоий ҳамкорлик асосида амалга оширишга асосланганлигини кўрсатади. Таълим кластерлари моделининг ягона типологик хусусиятлари М.Ю.Барышников, И.И.Чиннова, А.В.Симоновлар томонидан таклиф қилинган². Тадқиқотчи Г.Э.Захидов томонидан ҳам клас-

¹ Шарай Н. Кластерный подход в интеграции, “УГ Москва”, № 15 от 14 апреля 2015 года. – С. 173.

² Барышникова М.Ю., Симонов А.В., И.И. Чиннова И.И. Роль образовательных кластеров в подготовке специалистов инженерно-технического

Кластерли ёндашув асесида таълим сифатини ошириш

терни шакллантириш усуллари норматив-хуқуқий, иқтисодий ва ташкилий-коммуникатив соҳалар бўйича таҳлил қилинганд¹.

Л.В.Овсиенко, И.В.Зимина, Н.Н.Клинцова каби олимларнинг тадқиқотларида таълим кластерлари ижтимоий шериклик доирасида университетлар, умумтаълим мактаблари, корхоналарнинг тармок алоқалари ўртасидаги фаолият сифатида тушунилади². Айнан шу мазмун биз тақдим қилаётган таълим кластери тузилмасида ўз аксини топмоқда.

Таълим соҳасидаги кластерли ёндашув борасидаги тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш бу борадаги бир қанча қарашларни жамлаш, уларни анализ-синтез қилган ҳолда тавсифини бериш имконини берди.

Кластерли ёндашув бу:

алоҳида соҳа (таълим, иқтисодиёт ва б.) бўлиб, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми;

замонавийлик ва мунтазам ёндашувдан келиб чиқсан ҳолда бир ташкилотнинг тузилишига бирлаштирилган бир-бирига боғлиқ бўлган турли соҳа хўжалик субъектларининг мажмуи;

ихтиёрий компонентлар қаторида ўзининг тўлиқ функционал ишчанлик қобилиятини сақлайдиган бир нечта тенг хуқукли бўлаклардан иборат бўлган тузilmани жорий этиш;

ишлаб чиқариш ва таълим дастурларининг эҳтиёжларини бирлаштириш;

ташкилотнинг келажак иқтисодиёти учун кадрлар салохиятини шакллантиришни ташкил қилишнинг инновацион самарали усули;

профиля в интересах развития приоритетных отраслей экономики / Научный журнал “Инновации в образовании”, № 4 апрель 2014г., ISSN 1609-4646, -С. 5 – 16.

¹ Захидова Г.Э. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубиёти. -Т.: Фан, 2016.

² Овсиенко Л.В., Зимина И.В., Клинцова Н.Н. Сетевое взаимодействие в рамках социального партнерства, реализуемого научно-образовательным кластером. Журнал “Высшее образование в России”, Издательство: Московский государственный университет печати им. Ивана Федорова (Москва), № 12, 2013. -С. 55-59.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

таълим, фан, ишлаб чиқариш тизимида инновацияларни қўл-лаб-кувватлашни шакллантириш воситаси;

турли таълим муассасаларини (болалар боғчаси – мактаб – коллеж – ОТМ) интеграциялашуви натижасида таълим тизими-ни изчиллик тамойили асосида қайта ташкил этиш ва ҳ.к¹.

Таълимга нисбатан татбиқ қилинаётган кластер ёндашувига муаллифлик асосидаги илмий фаразларни ҳам тақдим этиш мақ-садга мувофиқ:

таълим соҳасида унинг ривожланиш назарияси ва техноло-гиясини тартибга солиш учун қўшимча имкониятлар берадиган янги хизмат турларини жорий этиш, узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик асосида таълим соҳаси фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиласиган тузилма тузиш;

таълим турларининг инновацион-интеграцион ҳамкорлик тамойиллари асосидаги ҳамда мақсад умумийлиги ва манфа-ат хусусийлигидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган ижтимоий буюртмани таъминлашга қаратилган педагогик-технологик фа-олият уйғунлигини таъминлаш ва ҳоказо. Демак хуоса қилиб айтиш мумкинки, таълимга нисбатан татбиқ қилинаётган кла-стерли ёндашув бу алоҳида бир соҳада самарали ҳамкорликка йўналтирилган тузилма тузиш, унинг ривожланиш учун қўшим-ча имкониятлар берадиган янги хизмат бўлиб, ундаги узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик соҳа фаолияти самарадорлигини ин-тенсив оширишга катта таъсир кўрсатади; таълим соҳасидаги кластерли ёндашув белгиланган ижтимоий буюртмани таъминлашнинг қулай тузилмасини тизимга татбиқ этишни назарда тутади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “таълим кластери” тавсифи-ни куйидагича такомиллаштириш мумкин: “таълим кластери таълим турларининг горизонтал ва вертикал ҳолатдаги ўзаро боғлиқ таркибий бўлимлардан, ўзига хос интеграл белгилардан иборат, жамият эҳтиёжидаги ижтимоий буюртмани мақсад уму-мийлиги ва манфаат хусусийлиги тамойили асосида таъминлов-

¹ Тоштемирова С.А. Кластер ёндашуви асосида умумий щрта таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. 2021. -Б. 62.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

чи, илмий-технологик инфраструктура ҳамда инсон ресурслари интеграциялашувини, тезкор мулокот тизимини тақдим қилувчи, турли даражаларда (давлат, минтақа, ҳудуд, муассаса) рақобат мухитини шакллантирувчи, инновацион лойиҳаларни самарали оммалаштирувчи тузилма ҳисобланади.

Таълим мажмуасини ташкил қилувчи бўғинлар ўртасида мавжуд табиий алоқани манфаатдорлик ва самарадорлик нуқтаи назаридан, маълум ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий аҳволи ва эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда таъминлаш тобора заруратга айланмоқда. Кластер назариясига билдирилган илмий асосларга кўра, кластерга кўшимча тузилмаларни қўшиш унинг фаолиятини янада ривожлантиради, шуниндеқ, кластер таркибидаги мавжуд тузилмаларни олиб ташлаш унинг фаолиятини ҳалокатли оқибатларга олиб келмаслиги билан қулай.

Маълумки, истеъмолчи талабларига жавоб берадиган мутахассис факатгина олий ўкув юртида муайян бир йўналишдаги компетенцияларни эгаллаши билан таъминланмайди, бу бўлаҗак мутахассисни тайёрлашнинг дастлабки бўғинларида индивидуаллаштирилган, ихтисослаштирилган ва табақалаштирилган таълим жараёнларида ўз аксини топади. Олий ва умумий ўрта таълим турлари ўртасидаги кластер тузилмасини тузиш бу мақсадни амалга оширишга нисбатан самарали тенденция ҳисобланади. Тадқиқотда таълим кластерининг юқорида келтириб ўтилган назарий асосларидан келиб чиқсан ҳолда унинг фаолиятини йўлга қўйиш технологиясини ишлаб чиқдик. Бу технология асосида олий ва умумтаълим муассасалари ўртасидаги янгича инновацион ёндашувни таъминлайдиган кластер тузилмаси ташкил этилди. (2.2.1-расмга қаранг). Таълим соҳасида кластер фаолиятини йўлга қўйиш босқичлари ва ҳар бир босқичдаги технологик жараёнлар методологияси тақдим этилди. Таълим кластери қўйидагича босқичларда ташкил қилинади:

Биринчи босқичда кластер таркиби аниқланади. Бунда унинг негизи – олий ўкув юрти ёки унга ўхшаш тизимлар (мактабгача, умумий ўрта таълим ва б.), ижтимоий институтлар аниқланиб, улардан вертикал бўйича ўзаро боғлиқ қўйи ва юқори турувчи тизимларнинг технологик занжирлари тузилади. Улар ўртасидаги ҳамкорликнинг мақсадлар умумийлиги ва манфаатлар ху-

сусийлиги тамойили орқали ижтимоий буюртма ҳамда таълим хизматларини яратувчи, етказиб берувчилар, ташкил қилувчилар аниқланади. Биринчи босқичнинг сўнгига эса, барча тизимларнинг умумий манфаатлари асосида фаолият самарадорлиги учун қўшимча ички горизонтал боғланишлар шаклланади. Тажриба шуни кўрсатмокдаки, кластер чегараларини аниқлаш мураккаб вазифалардан бири ҳисобланиб, кластер тузилмасининг мақсади, концептуал ёндашуви ва ижтимоий буюртмасини белгилаб олиш муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Иккинчи босқичда таълим кластерининг мақсадига кўра кластер қобигида ички тармоқлараро бўлимлар, айниқса, унинг фаолияти учун самарали бўлган технологиялар, ахборот, капитал ҳамда инфратузилмани таъминловчи қисмлар ажратилади. Уларнинг самарали ҳамкорлик тамойиллари асосидаги фаолият механизмлари ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда кластер иштирокчилари фаолиятига таъсир этувчи (коидалар, меъёрлар, буюртма ва воситаларни шакллантирувчи) ҳукумат, вазирлик ва бошқа ўрта ва куйи бошқарув тузилмалари каби вакиллик органлари аниқланади, улар ўргасида шартномалар тузилади. Умумий ва хусусий манфаатлардан ва талаблардан келиб чиқиб, қўшма дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилади. Узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойиллари асосидаги ташкилий-педагогик жарабёнлар ҳаракатга келтирилади. Истиқбол натижалар белгиланади.

Таълим мажмуасининг асосий етказиб берувчи буюртмаси рақобатбардош кадрлар ва таълим хизматлари ҳисобланади. Таълим кластерининг пировард мақсади ўқув ва илмий жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган. Бу эса тизимда бошқарув, тузилма ва сифат билан боғлиқ жиддий ўзгаришлар билан бирга мутахассисларни тайёрлаш тизимида айрим ташкилий ва таркибий ўзгаришларни ҳам талаб қиласди. Айни пайтда, бу борадаги ишларнинг барча босқичларида янги шакллар ва усулларни излаш, таълимнинг барча турлари бўйича алоқадорликни кучайтириш, интеграцияни таъминлаш масаласи ётади.

Таълим кластерининг самарали ривожланиши унинг муваффақиятига таъсир кўрсатувчи қуйидаги шарт-шароитлар ва омилларга боғлиқ:

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

талағба жавоб берадиган технологик ва илмий инфраструктуранинг мавжудлиги¹;

қатнашчиларниң үзаро ҳамкорликка руҳий жиҳатдан тайёрлиги²;

кластер субъектлари үртасида ахборот алмашишни таъминловчи кучли ахборот технологиялари³.

Буларга құшимча равищда қуидагиларни ҳам келтириб үтиш лозим:

таълим кластерини ривожлантиришнинг турли даражалардағи мустаҳкам стратегиясининг мавжуд бұлиши;

тажрибадан үтказишга йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни бошқариш ҳамда амалга оширишнинг самарали механизмларини қўллаш имконияти;

уларда самарадорликка эришиш учун мавжуд технологик ва илмий инфраструктурани жараёнга мослаштириш;

таълим кластери субъектларида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш воситасида уларнинг мазкур инновацион жараённи тўла англаб етишларига эришиш, ҳамкорлик кўп томонлама манфаат келтиришини англашларига имкон яратиш;

кластерни ривожлантиришнинг пухта ўйланган стратегияси ни, лойиҳани муваффакиятли бошқаришнинг усул ва йўлларини ишлаб чиқиш;

қатнашчилар үртасида тезкор ахборот алмашиш имкониятини яратиш ва ҳоказо.


Демак, таълимни кластерлаштириш билан боғлиқ илмий-амалий ишларни муваффакиятли амалга ошириш, уларда самарадорликка эришиш учун мавжуд технологик ва илмий инфраструктурани жараёнга мослаштириш, субъектларда тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш воситасида уларнинг мазкур инновацион жараённи тўла англаб етишларига эришиш,

¹ Ялов Д.А. Кластерный подход как технология управления региональным экономическим развитием // Компас промышленной реструктуризации. 2004. № 2.

² Третьяк В.П. Кластеры предприятияй. –М.: 2006. –С. 132.

³ Мигранян А.А. Конкурентный потенциал стран СНГ в формате региональной интеграции (на примере стран ЕАЭС). -М.: Институт экономики РАН, 2015. - 65 с.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш



2.2.1-расм. Умумтаълим мактабларида таълим кластери тузилмаси (модели)

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

ҳамкорлик кўп томонлама манфаат келтиришини англашларига имкон яратиш, кластерни ривожлантиришнинг пухта ўйланган стратегияси-ни, лойиҳани муваффакиятли бошқаришнинг усул ва йўлларини ишлаб чиқиш, қатнашчилар ўртасида тезкор ахборот алмашиш имкониятини яратиш кластернинг муваффакият гарови, деган хуносага келиш мумкин. Лекин бу жуда кенг кўламдаги ташкилий жараён бўлиб, кўп вақт ва аниқ мақсадга йўналтирилган фаолиятни талаб қиласди. Таълимни кластерлаштириш билан шуғулланган Н.Н.Давыдов, Б.М.Игошев, Г.Э. Захидова ларнинг таъкидлашларича, кластерни ривожлантиришнинг аниқ самаралари 5-7 йилда кўзга ташлана бошлайди.

Таълимга нисбатан кластер ёндашуви бошқарув органларига тизим ичида самарали ўзаро таъсир ўтказиш учун муайян воситалар билан таъминлаш, муаммоларни яхшироқ тушуниш, турли дарражалардаги ривожланишнинг илмий асосларини режалаштириш имконини беради. Буларнинг барчаси таълим кластерининг катта илмий-амалий аҳамиятга эга жараён эканлиги ҳақидаги фикрларни тасдиқлайди. Таълим кластери тизимнинг рақобатбардошлигини таъминловчи мухит ва шарт-шароитни яратган ҳолда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик аҳамияти орта боради.


Бу жараёндаги бутун тадбирлар мажмуи илмий ва касбий кадрларни тайёрлашнинг асосий пойдевори бўлган таълим сифатини оширишга қаратилган. Аммо кластер доирасида бирлашган субъектларнинг барчаси ҳам дарҳол ҳақиқий натижа бера олмаслигини унутмаслик лозим. Бунинг учун кластер иштирокчиларининг бу йўналишдаги билимларини такомиллаштиришган ҳолда, унинг назарий ва амалий асослари билан таништириш мухим.

Таълим кластерини мазмуни ва соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишларда ташкил қилиш мақсадга мувофиқ: таълим йўналиши, таълим воситалари йўналиши, таълим ва фан йўналиши, таълим ва ишлаб чиқариш йўналиши ҳамда таълимни бошқариш йўналиши¹. Бу йўналиш

¹ Мухамедов Ф.И., Хўжамкулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери / монография -Т.: Университет, 2020. 280 б.;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ёшириш

ва тармоқлар мазмуни таълим турлари ўртасидаги таълимий, илмий, услубий, таълим воситалари ва бошқарув билан боғлиқ ҳамкорликнинг барча шакл, усул ва технологияларини ўзида жамлайди. Сўнгги йилларда таълимга нисбатан кўплаб янгича ёндашувлар, инновациялар жорий этилиб, тақдим қилинаётган таълим кластери ўзига хос белгилари билан улардан ажралиб туради (2.2.2-расмга қаранг).



2.2.2-расм. Таълим кластерининг ўзига хос белгилари

Таълим кластерининг ўзига хос синергетик белгиси ҳам мавжуд бўлиб, бунда ташқи таъсиrlардан келиб чиқадиган ва мавжуд оддий тизимлардан фарқли ўлароқ, кластерлар асосан ички ресурслар ҳисобига ишлайди.

Демак, кўп даражали мураккаб тизим сифатида таълим кластери қуидаги асосларга мувофиқ ишлайди:

тизимлийлик - бунда таълим кластери яхлит, мураккаб, кўп босқичли тизим сифатида қаралиб, кластер тизимларининг асосий афзалликлари мослашувчанлик ва нисбатан осон бошқариш механизмига эга эканлигидир;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

барқарорлик - бунда таълим кластери ташқи таъсирларга бардош бера олиш хусусиятига эга бўлган ички ресурслар ҳисобига ишлайди ва универсал воситалар ёрдамида янада кенгайтирилиши ва замонавийлаштирилиши мумкин;

синергетик таъсир – бу таълим кластери ички ва ташқи омилларининг биргаликдаги ўзаро таъсири ҳисобланади. У таълим кластерининг ҳар бир тизими учун ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ташкил этиш ва ўз-ўзини бошқаришга имкон берадиган синергетик таъсир орқали ривожланишига шароит яратади;

мослашувчанлик ва **ўзгарувчанлик** – таълим кластерига янги тизимларни қўшиш унинг фаолиятини янада такомиллаштиради ва аксинча, унда мавжуд бўлган тизимларни олиб ташлаш унинг ривожланишига тўсқинлик қиласиган ҳалокатли оқибатларга олиб келмайди.

Таълим кластери, одатда, бошқа ижтимоий тизимларга карағанда тезрок ривожланади, лекин ўз фаолияти давомида у юқори даражадаги бутунликка тезда эриша олмайди. Бунинг асосий сабаби ҳар қандай таълим кластерида субъектларнинг авлодлари, яъни ўкувчи, ўқитувчи, ижтимоий буюртма, истеъмолчи, иш берувчи ва бошқалар жуда тез ўзгариб туришидадир. Шу билан бирга, таълим кластерига киритиладиган ҳар бир ташаббус, лойиҳа унга ўз таъсирини ўtkазиб, унинг фаолиятига янги омилларни киритиш, белгиланган яхлитликка эришишдаги мақсадини ёки муддатини ўзгартиришга олиб келади. Шунинг учун таълим кластерининг ривожланиши нафакат объектив, балки субъектив омиллар билан ҳам боғлиқ. Таълим кластерида бекарор тизимлар ҳам мавжуд бўлиб, бу бекарорлик унинг салбий тавсифланишига олиб келмайди. Аксинча бу бекарорлик маркази кейинчалик кластерни янада ривожлантириш манбаи бўлиши мумкин бўлган объективни аниқлади. Шунинг учун рус олими Т.М.Поздеева таъкидлаганидек, таълим кластерини бошқаришда бундай бекарорликнинг ўчокларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга ва уларни яратилгандан тизим моделига қўшиш мақсаддага мувофиқ.

Таълим сифатини оширишга қаратилган кластер тузилмаси минтақавий таълим муассасалари билан тенглик тамойили асосида ҳамкорликда ташкил қилинган бўлиб, унинг фаолияти кластер субъектларининг ўзаро биргаликдаги лойиҳалаштирил-

ган дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш билан амалга оширилади. Таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан бири таълим салоҳияти, психологик-педагогик фан ва субъектларнинг таълим амалиёти интеграциясини таъминлаш ҳамда ривожлантиришга қаратилган кластер тузилмасига ўтиш ҳисобланади.


Тақдим қилинаётган таълим кластерига мувофиқ, кластер - доимий педагогик тафовутнинг миллий таълим тизимини инновацион ривожлантиришдан манфаатдор бўлган ва шартномалар асосида ўзаро ҳамкорлик қиласиган муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бирлашма ҳисобланади.

Таълим кластери тузилмасида минтақавий таълим тизими бошқарув органлари, олий таълим муассасалари, профессионал таълим, ўрта маҳсус, умумий ўрта ва мактабгача таълим-тарбия муассасалари, олий таълимдан кейинги таълим, илмий текшириш институтлари, илмий тадқиқотчилар, маданий ташкилот ва обьектлар, ижтимоий мухит шунингдек, ота-оналар жамоатчилиги ҳамкорлигидаги аниқ мақсадлар йўлида бирлашган субъектлар фаолият олиб боради. Таълим кластери минтақада барча таълим олувчилар салоҳиятига ташқи таъсир кўрсатиш орқали таълим самарадорлигини ошириш, ўз-ўзини ривожлантириш истагида бўлган, ўз ички салоҳиятига ишонадиган, турли соҳалардаги бўлажак мутахассис учун бир майдон яратади.

Кластерли ёндашув асосида таълим жараёни иштирокчила-рининг компетенцияларини такомиллаштириш бир минтақавий ҳудудда жойлашган олий ва умумтаълим муассасалари ҳамкорлигидаги кластер тузилмаси асосида самарали тус олади. Унинг фаолияти субъектларнинг ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳалаштирилган, ҳуқуқий асослар билан таъминланган вариатив ўқув режалар, дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ қилиш билан амалга оширилади. Узлуксиз таълим турлари ўзаро ҳамкорлик асосидаги кластер тузилмасини ташкил қилишда истеъмолчилар талабларига жавоб берадиган ижтимоий буюргма етказиб берувчиларнинг алоҳида ва интеграцион фаолият механизmlари ва бундан кутиладиган натижаларни белгилаб олиш мухим саналади (2.2.3-расмга қаранг).

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Таълимда кластер ёндашувини татбиқ этиш учун, таълим контекстида кластер шароитини яратиш мухим вазифа ҳисобланади. Кластер шароити эса, барча таълим турларининг умумий мақсадлари ва хусусий манфаатларини инобатга оладиган ҳамкорликдаги ўкув режа ва ўкув дастурлари орқали амалга оширилади. Таълим кластерида истеъмолчининг асосий талааби таълим олувчиларнинг ўкув дастурлардаги назарий билимлар билан бирга амалий фаолиятга ҳам тайёрлиги, таълимнинг кейинги тури ёки ишлаб чиқаришда ишни дархол бошлиш ва таълим муассасасида олинган билимларни муайян вазифаларда қўллай олиш қобилиятида намоён бўлади. Мазкур йўналиш бўйича тадқиқот олиб борган С.М.Черданцев бундай кўнукмалар амалиёт давомида шакллантирилиши лозим, бу эса, бир томондан, профессионал билимларни бойитишга имкон берувчи таълим жараёнининг ажралмас қисми бўлса, бошқа томондан, келажакда бўлажак мутахассиснинг иш фаолиятидаги талабларга жавоб беришини баҳолаш учун “синов муддати” ҳам бўлиши мумкин, деган хулоса беради.



2.2.3-расм. Таълим кластерининг фаолият механизми

Бугунги кунда умумтаълим муассасаларида ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш масаласининг назарий асослари ва уни амалга ошириш йўллари тўғри таъминланмаганлиги турли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳатто ўқувчининг касб танлашга йўналтириш тушунчасининг даврлари, шакллари, касб индикаторларини етказишга аҳамият берилмаслиги бўлажак мутахассисларни таъминлашда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Россиялик профессор Н.Д.Левитов касб танлашга йўналтириш тушунчасида уч хил фаолият турини назарда тутади:

а) касбни тарғиб қилиш (бу ишни мактабнинг бошланғич давридан бошлаш таклиф қилинади);

б) тўғри касб танлаш бўйича маслаҳат марказлари ташкил қилиш (бунда ўқувчиларнинг қайси касбга қизика бошлаганлигини аниқлаш мақсадидаги дастлабки кузатиш, ўрганиш ва ташхислашни назарда тутилади);

в) касб танлашда ўқувчиларга ёрдам бериш (бунда ўқувчи ни ўзи танлаган соҳадаги касбга дастлабки тайёрлаш ишларини олиб бориш тавсия қилинади)¹.

Голомшток эса, мактабларда олиб бориладиган тўғри касбга йўналтириш ишлари мазмунида икки хил фаолиятни алоҳида ажратиб кўрсатади: ўқувчилардаги қизиқиши мойиллик ва қобиляйтни уларнинг ривожланишини билиш мақсадида мунтазам кузатишни; ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари учун ёшларнинг касбга қизиқишлиари ҳамда келгусидаги ўқишлиари масаласида мактаблар томонидан ташкил қилинадиган маслаҳат марказлари хизматларига жалб қилишни назарда тутади².

Касбга йўналтириш ишларини тўғри ташкил қилиш асосидагина ёшларга ҳаёт йўлини ва касбни тўғри танлашда муваффақиятли ёрдам бериш мумкин. Бу ишларни тўғри ташкил қилиш барча соҳаларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Таълим кластери асосида ўқувчиларни тўғри касбга йўналти-

¹ Акбаров Б. Кластер тизими умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг асосий омили сифатида // Халқ таълими. 2019. № 4. -Б. 106.

² Koshanova N.M. Teacher actions in professional direction of secondary school children // European Science Review 2020, № 3–4. - P. 20.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

риш ишлари қуйидаги талаблар асосида ташкил қилиниши мақсаддага мувофиқ:

умумтаълим мактабларида ўкув-тарбия жараёнида ўкувчиларда умумий меҳнат, шу жумладан, ақлий ва жисмоний меҳнатга қизиқиш уйғотиш;

умуммеҳнат тайёргарлигининг мазмуни ва методини ўкувчиларнинг ёш хусусиятлари асосида ўзgartира бориш ва бу билан ўкувчининг ўсиши даражасидаги мутаносибликка эришиш;

ўкувчиларни меҳнат ва касб танлашга тайёрлаш ишларини улар шахсини мунтазам ва ҳар томонлама ўрганиш асосида олиб бориш;

ўкувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятлари асосида маълум бир касбга йўналтириш ҳамда улар билан касб танлаш йўлларини аниқлашда индивидуал муносабатда бўлиш;

ўкувчилар билан мактабда олиб бориладиган касбга йўналтириш ишларида мамлакатимиз ҳалқ ҳўжалиги талабларидан, ёшларни ишга жойлаштириш ва ўқишини давом эттира олишларининг реал имкониятларидан келиб чиқиш;

ўкувчиларнинг қизиқишлари ва мойилликлари асосида касб танлашларига эришиш учун уларни меҳнат ва касб турлари билан таништириш, тўғри касб танлаш йўлларини кўрсатиб бериш ва ҳ.к..

Тўғри касбга йўналтириш мактаб жамоаси, айниқса, мураббий, ота-оналар, корхона ва бошқа ташкилотларнинг биргаликдаги ҳамкорлигини талаб қиласди. Ўкувчиларнинг касб танлаш билан боғлиқ бўлган қизиқишлари мавҳум характерда эмас, балки аниқ, амалий натижага берадиган характерда бўлиши керак. Ўкувчининг касбга бўлган мойиллиги унинг шахсий хусусиятлари билан қарама-қарши бўлиб қолганда, бундай ўкувчига педагогик таъсир кўрсатиб, унинг қизиқишларини ўзgartириш лозим.

Ўқитувчи ва ўкувчилар ўртасида онгли истиқбол, кенг имкониятлар, ахборот ва касбий маҳоратни ривожлантириш муҳитининг пайдо бўлиши, олий таълим тизимиға мослашувчанлиги, унга мувофиқ таълим мазмуни ва билимларни ривожлантириш, касбий малакаларни эгаллаш усуллари шахснинг эҳтиёжлари даражасига мос келиши лозим. Бунда билим автоматик ра-

вишда талаб қилинади ва ўқув режасининг қатъий қолиллари билан белгиланмайди. Бунинг натижасида ўқитиш мотивацияси ва компетенциясининг самарадорлиги ортади. Муайян касбий йўналиш ва мамлакатдаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришларга мос мутахассисларни тайёрлашда тезкор жавоб бериш қобилияти билан боғлиқ олий таълим тизимининг динамиклиги, унинг синергетикаси ўқувчиларнинг меъёрий – ахлоқий, ахборот – коммуникатив, лойиҳавий фаолият, рефлексив – баҳолаш каби компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Умумтаълим мактабларида иқтидор хусусиятларига кўра, ўқувчиларни касбга йўналтиришни такомиллаштириш бўйича мавжуд муаммоларни таълим кластери шароитида ҳал қилиш бўйича қўйидаги **тавсияларни** бериш мумкин:

- ўқувчиларнинг касб танлашга маълум бир малака ва қобилият талаб қилинишини инобатга олган ҳолда, касбий тайёргарликни ишлаб чиқариш узвийлиги билан боғлаш;

- ўқувчининг тўғри касб танлаш имкониятини таъминлаган ҳолда, оиласда болалигиданоқ ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш;

- ўқувчи қобилиятини инобатга олиб, эркин касб танлаш имкониятини бериш;

- таълим кластери субъектлари ўртасидаги мақсадли ва бир-бирига манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали касб танлашда мавжуд мутахассисликлар ҳақида етарли маълумотлар бериб бориш;

- ўқувчини касб танлашда фақатгина шахсий манфаатларни ҳисобга оладиган эмас, балки ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш орқали жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб керакли касбга йўналтириш;


- ўқув режа ва дастурларни таълим кластери шароитида ижтимоий буюртма истеъмолчиси талаблари ва улардаги илм, фан ҳамда технологик янгиланишлар асосида такомиллаштириб бориш;

- муассаса таълим сифати ва мактаб битирувчиларини баҳолашда истеъмолчилар иштирокини кенгайтириш, таълим сифатини таъминлашда уларни жалб қилиш;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

- меҳнат бозорида кадрларга бўлган талаб ва таклифларни инобатга олган ҳолда профессионал таълим билан бир қаторда Олий таълим тизимида ҳам дуал таълим жараёнини ташкил этиш ҳоказо.

Шундай қилиб, умумтаълим муассасаси учун кластер мөханизмининг афзаллиги сифатли таълим оловчи истеъмолчиси бўлган олий ўқув юрти ва иш берувчиларнинг таълим оловчилар малакасига бўлган талабларини янада аникроқ тушишига ёрдам беради, олий ўқув юрти ва иш берувчи томонидан умумтаълим муассасаси фаолиятининг сифати билвосита баҳоланади. Кластер ёндашувига мурожаат қилиш зарурати кластернинг таълим тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида манфаатдор томонларнинг сайди-харакатларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли сифатида ракобатбардошликтининг бир қатор афзалликлари билан изоҳланади (2.2.4-расмга қаранг).



2.2.4-расм. Таълим кластерининг афзалликлари

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Таълим турлари ўртасидаги кластер тузилмасини минтақавий даражада ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган ҳолда, кластерли ёндашув асосида таълим самарадорлигини оширишнинг асосий шартларини аниқлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб, унинг куйидаги шартлар аниқланди:

ахборот-технологик шарти – таълим сифатини бошқариш ва самарадорлигини оширишнинг автоматлаштирилган (тезкор алоқа ва ахборот алмашуунувини таъминлайдиган) тизимини яратиш;

илмий-услубий шарти – илмий асосланган бошқарув модели, кластерли ёндашув асосида умумтаълим сифати, таълим сифатини баҳолаш ва самарадорлигини ошириш жараёнларини ахборот ва услубий жиҳатдан қўллаб-куватлаш;

молиявий шарти - таълим сифатини бошқариш ва самарадорлигини ошириш бўйича кластер модели доирасида ишлаб чиқилган кенг камровли лойиҳаларни татбиқ этишга давлат, минтақавий ва муассаса бюджетларидан инвестициялар жалб қилиш;

хусусий шарти – таълим сифатини бошқариш ва самарадорлигини оширишдаги барча иштирокчиларни ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетенциялари ҳамда мактаб менежменти бўйича ривожлантириш, малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш;

ижтимоий шарти – минтақадаги таълим сифатини бошқариш ва самардорлигини ошириш учун таълим тизимида муассаса, шаҳар, вилоят ва давлат бошқарувининг ягона ахборот майдонини (педагогик таълим кластери платформасини) яратиш ва хоказо.

2.3. “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари фаолияти

Таълимни ривожлантириш назариясининг кластер тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича таълим сифати ва хусусиятларини жамият талабларига, муайян ҳудудларнинг манфатлари ҳамда таълим эҳтиёжларига қаратилган минтақавий да-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

ражаларда ҳал қилиниши билан боғлиқ қўйидаги **таклифларни** амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

таълим турлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали худуднинг рақобатбардошлик устунликлари кўтарилади;

бутун тизимнинг узоқ муддатли инновациялари ва самарали тажрибаларини оммалаштириш орқали минтақанинг муваффақиятли стратегик йўналишларини белгиловчи етакчиларни аниқлаш имкони яратилади;

ички ва ташқи рақобатбардошликни таъминлайдиган ўкув муассасаси ходимларининг малака даражасини ошириш орқали илмий-тадқиқот имконини берадиган илмий ташкилотлар белгиланади;

бир худуддаги таълим муассасаларининг умумий мақсадидан келиб чиқиб танланган ижтимоий буюртмани таъминлаш таълим сифатига ижобий таъсирини ҳисобга олиб, самарали механизмлар жорий этилади.

Юқорида таъкидланганидек таълим соҳасига татбиқ этилаётган кластер тузилмаси янги жараён бўлиб, “мактаб-лаборатория” инновацион майдончалари уни амалга оширишнинг энг асосий воситаларидан бири сифатида эътироф этилади. Таълим кластери доирасида таълим турларининг илмий, назарий, амалий, методик салоҳиятларини ягона мақсадга йўналтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ёки таълим муассасаларининг муайян йўналишдаги ишларининг самарадорлигини оширишда улардан оқилона фойдаланиш мақсадида “мактаб-лаборатория” майдончалари фаолияти йўлга кўйилади. “Мактаб-лаборатория” инновацион-интеграцион майдончалари узлуксиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, кластер тузилмасини таълим амалиётига татбиқ этиш билан боғлиқ илмий-педагогик дастур ва лойиҳаларни тажриба-синовдан ўtkазиш ҳамда таълим турлари ўртасидаги амалий интеграцион фаолиятни ривожлантиришдан иборат. Бундан кўриниб турибдики, “мактаб-лаборатория”лар фаолияти таълим турлари ўртасидаги ўзаро интеграция жараёнларини фаоллаштиришга, уларнинг салоҳиятларидан самарали фойдаланишга, мавжуд муаммоларни бартараф этишининг инновацион шаклларини излаб топишга ва

ечимларига нисбатан илмий ёндашувларни шакллантиришга, таълим тизимидағи узвийлик, узлуксизлик ва изчилликни таъминлашга хизмат қиласы. Таълим кластери шароитида олий ва умумтаълим ҳамкорлиги доирасидаги назарий ҳамда амалий ишлар муайян тизимга солинади, субъектлар кучларини бирлаштириш асосида тизимнинг умумий салоҳиятини оширишга эътибор қаратиласы. Демак, “мактаб-лаборатория” майдончала-рига таълим турлари ҳамкорлигининг инновацион шакли сифа-тида қараш тушунчанинг моҳиятини тўғри англашни таъмин-лайди. “Мактаб-лаборатория”лар таълим кластери борасидаги инновацион лойиҳаларни амалга оширишда ўзига хос инкуба-тор вазифасини бажаради. Ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун “мактаб-лаборатория” майдончалари турли йўналишларда, жумладан, маҳаллий олим У.Н.Ходжамқулов илмий асослари-дан келиб чиқиб, инновацион-тажриба, илмий-услубий, ил-мий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий каби йўналишларда фаолият олиб бориши унинг самарадорлигини оширади, деган илмий фаразни келтириш мумкин¹.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, “мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаси таълим кластерининг субъ-екти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий, таълимий ва тарбиявий фаолиятини ривожлантириш мақсадига қаратилган, инновацион-интеграцион дастур ва лойиҳаларни амалиётга тат-биқ этиш вазифасини бажарадиган мажмуа ҳисобланади.

Умумий ўрта ва олий таълимнинг ҳамкорлиги жамият иқти-садий-ижтимоий йўналишида таянч мажмуани яратишга асос бўлади ва умумий, ўрта маҳсус ва олий таълимдаги таркибий қисмлар ўзаро фундаментал ва амалий характеристерга эга бўлган инновацион таркибий қисмларни ўз ичига олиши керак.

Таълим турларининг ўзаро алоқаси натижасида вужудга кел-ган бу интеграцион мажмуа бошқа механизмлардан қўйидаги асосий хусусиятлари билан ажралиб туради:

¹ Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари // педагогика фанлари доктори дисс.. – Чирчик, 2020. - 270 б.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

умумий ўрта таълим муассасалари билан олий ўқув юрти ҳамкорлигига ишлаб чиқилган дастурлар ва лойиҳалар;

кўшимча таълим хизматлари, ҳалқаро баҳолаш дастурлари ва истеъмолчи талаблари бўйича келтирилган фанлар бўйича фундаментал тайёргарлик;

олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларига услубий тавсиялари;

ўқитувчиларнинг олий ўқув юрти кафедралари томонидан бошқариладиган илмий-тадқиқот ишлари орқали ўқитиш усулларини ўзлаштириши;

олий ўқув юрти билан ҳамкорликдаги механизмлар орқали турли даражалардаги фан олимпиадалари, танловларда фаол иштироқи;

мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларининг олий ўқув юрти ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари ва ҳ.к.

Кластерли ёндашув асосида таълим самарадорлигини ошириш фан ва таълимни, пировардида, амалиётда жамиятни ривожлантириш учун янги имкониятларни излаш ҳамда амалга ошириш имконини яратади. Кластер доирасидаги бир нечта субъектларни ўзаро интеграциялаш мураккаб, кўп тармоқли илмий-амалий жараёндир. Ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китоблар ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қиласди, шундагина кластер тузилмаси субъектлар ишончини қозонади. “Мактаб-лаборатория” майдончаларида инновацион ва интеграцион таълим парадигмаси ташкил қилиниб, олий ва умумий ўрта таълимни ўзаро муваффақиятли фаолияти орқали таълим самарадорлигини ошириш ва жамиятда ижобий ўзгаришларга эришиш кутилаётган натижажа ҳисобланади. “Мактаб-лаборатория”ларда бу мақсадларга эришиш, фаолиятни ривожлантириш кўп жиҳатдан таълим даражаси, умумий маданият, профессионаллик, компетенция, фуқаролик фаоллиги, ватанпарварлик ҳамда талabalар ва ўқувчиларнинг масъулиятилиги, шунингдек, таълимдаги интеграция жараёнларининг қанчалик самарали амалга оширилишига боғлиқ. Бу жиҳатдан “мактаб-лаборатория”ларни илмий-амалий-интеграцион мажмуя деб ҳам қараш мумкин.

Олий ўкув юрти ва умумий ўрта таълим ҳамкорлигидаги янги интеграцион мажмуани амалга ошириш шартларидан яна бири бу асосий билим олиш ва касбий ихтисосликнинг ўзаро боғлиқлигини илмий асослаш, шунингдек, фақатгина мавжуд билимларни таълим олувчиларга беришдан иборат эмас, балки илм-фан томонидан талаб қилинадиган янги билимлардан ишлаб чиқишга ўтиш, шакллантириш орқали амалга оширилиши лозим. Таълим олувчиларни илмий тадқиқотлар ва инновацион лойихаларга жалб қилиш, ахборот билан мустақил таҳлилий жараёнларни олиб боришга йўналтириш муҳим.

Таълим кластерининг мақсадидан келиб чиқсан ҳолда, тақдим қилаётган “мактаб-лаборатория” инновацион-интеграцион мажмуаси ўз олдига қўйидаги вазифаларни белгилайди:

ўкувчилар учун олий ўкув юртининг ўкув-услубий таъминотидан фойдаланишга асосланган халқаро баҳолаш дастурларида эътироф этилган фанлар бўйича юқори сифатли таълим тизими ни яратиш ва амалга оширишда олий ўкув юрти профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талabalарини жалб этиш;

олий ўкув юртининг стратегик концепцияси асосида умумий ўрта таълим муассасаси билан ўзаро инновацион-интеграцион ҳамкорлик тамойилларини янада ривожлантириш;

ўкувчиларни олий ўкув юридаги барча мутахассисликлар ва таълим йўналишлари бўйича ўқишига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ҳамкорликда вариатив ўкув режа ва дастурлар ишлаб чиқиши, таълимнинг назарий қисми билан биргаликда амалий қисмини ҳам ташкил қилиши;

интеграцион жараёнларнинг ривожланиш йўналиши бўйича - вертикал, даражасига кўра - ўзаро ҳамкорлик, фаолият йўналиши бўйича - ишлаб чиқариш ҳамда илмий-таълимий йўналишларига асосланган – узлуксиз, кўп босқичли изчил тамойилларини ишлаб чиқиши;

ўкув жараёнини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиш, таянч ва умумфан компетенцияларини такомиллаштириш;

мамлакатимизда замонавий касб мутахассисликлари нуфузини ошириш ва таълим олувчиларда шу касбларни танлашдаги психологик тўсикларни бартараф этиш;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

“мактаб-лаборатория” интеграцион мажмуасининг ташкилий механизмларини такомиллаштириш ва ҳоказо.

“Мактаб-лаборатория” инновацион-интеграцион мажмуалари юқорида баён қилинган вазифаларни бажаришда қуидаги йўналишларда фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ:

асосий билимларни ўзлаштиришдан ташқари педагогик-психологик имкониятлари орқали олий таълимдаги мутахассислик бўйича мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ўртасида тўғри касбга йўналтириш ишларини самарали ташкил қилиш;

мактаб битирувчилари учун олий таълимга кириш имтихонларига мос келадиган қўшимча ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва таълим олувчиларнинг ёши, қобилиятига кўра турли таълим хизматларини ташкил қилиш;

қўшимча дастурларни муваффақиятли тугатган мактаб битирувчиларини олий таълимга кириш имтихонларини ўтказиш тартибига мувофиқ дастлабки синов имтихонларини ташкил этиш, адаптация мухитини шакллантириш;

“мактаб-лаборатория”ларнинг тегишли бўлимларида олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари иштирокида илмий-тадқиқотларга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчилар тайёрлаган ишларни белгиланган тартибда муҳокама қилиб бориш, уларнинг компетентлик даражаларини такомиллаштириш;

таълим кластери шароитида ташкил қилинган ихтисослаштирилган синф ўқувчилари БКМларини такомиллаштириш учун ҳамкорликда шароитлар яратиш, уларни рағбатлантириш, олий таълимнинг ахборот ресурсларидан фойдаланган ҳолда ихтисослашган фанларни чукур ўрганишга кенг имкониятлар яратиш;

олий таълимнинг кундузги юқори босқичи, сиртқи ва кечки таълим шаклида таҳсил олаётган талабаларни “мактаб-лаборатория” шароитида касбга узлуксиз тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш, натижада талабаларнинг касбга тайёргарлик жараёни муддатини қисқартириш;

“мактаб-лаборатория” инновацион-интеграцион мажмуалари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида назарий ва амалий тадқиқотлар ҳажмини кенгайтириш, илмий-услубий қўлланмалар тайёрлаш, фаол, самарали натижаларни оммалаштириш кабилар.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Таълим кластери “мактаб-лаборатория”ларининг муваффакиятли томонларидан яна бири демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш тамойилларига асосланган субъект-субъект муносабатларини шакллантиришdir. Кластер тузилмасида субъект позициясини шакллантириш жараёнига эркин фаолиятдаги ўқувчиларни жалб килиш бўйича жаҳон тажрибаси шуни кўрсатдики, ўқув жараёнида субъект – субъект муносабатини жорий этишдан асосий мақсад - жараённи ташкил этишни ўзгартиришdir. Агар бу ўзгаришлар тизимли ёндашув асосида юзага келса, унинг самарадорлиги ошади. Бунда бир неча соҳаларни мазмунли (ўзгарувчан таълим дастурлари орқали амалга ошириладиган), фаолиятли (умумий тузилма орқали амалга ошириладиган) ва жараёни (алоқа турлари ва ўқув фаолиятини ташкил этиш усусларини белгиловчи, уларнинг асосий қисми фаолият, ҳамкорлик) каби ёндашувлар асосидаги ҳамкорлигини таъминлаш юқори натижаларга олиб боради.

“Мактаб-лаборатория”ларда ҳамкорлик тамойилини амалга оширишнинг шарти ўқитувчининг таълим жараёнидаги “ўқувчи устидан” назорат ўрнини “ўқувчи билан бирга” ўрнига ўзгартиришни талаб қилиши билан аҳамиятлидир. Бу жараёнда ўз-ўзини бошқариш тамойили ривожланади ва бу орқали субъектда “олдинга силжиш” жараёни вужудга келади. Таълим кластерида субъект-субъект муносабатларини амалга ошириш икки томонлама жараёндир. “Мактаб-лаборатория”ларда ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзига хослигини намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратади. Шу билан бирга, у ўз фаолиятини енгиллаштиради. Бу ҳолда ўқитувчи ва ўқувчининг индивидуал услублари таълим жараёни иштирокчиларининг субъект муносабатларини амалга ошириш воситаси, шарти ва натижаси бўлиб хизмат қиласи. Бугунги кунда таълимни ҳамкорликда ташкил этиш тамойили анъанавий педагогикага хос бўлган “ўқитувчи-ўқувчи + фан-билим” уйғунлигини “таълим оловчилар жамоаси + интеграллашган билимлар + қобилияtlар асосидаги ихтисослашган таълим” уйғунлиги билан алмаштириш муҳимлигини кўрсатади. Ҳар бир инсоннинг етакчилик, ташкилотчилик кўнімларни, коммуникативлик қобилияtlари ва эркин фикрлаш, саводли нутқ, шахсий жозиба

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

каби фазилатларга эга бўлиши мутахассис учун жуда муҳим. Ушбу кўнилмалар ўқувчиларнинг ривожланишини, креатив-лигини таъминлайди ва бу ижтимоий фаолият орқали амалга оширилади.

“Мактаб-лаборатория” тажриба майдончаларини ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда таклиф этилаётган илмий ва ташкилий асослар ҳамда умумий ўрта таълим ва олий таълим интеграцияси механизмларининг амалий татбиғи таълимнинг юқори сифатига, маданиятнинг ривожланиши ва ўқувчилар учун соғлом турмуш тарзига эришишга ҳисса қўшади. Умумий ўрта мактаб ўқувчиси ўқув фанлари дастурини тўлиқ ўзлаштирган бўлса ҳам, кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш учун кўпинча кўшимиш таълим хизматларидан фойдаланишга мажбур бўлади. Бу хизматлардан ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам фойдалана олмайди. Олий ва умумий ўрта таълим муассасаларида кириш имтиҳонларига тайёрлаш хизматлари ўртасида ўқитиш жараёни педагогик технологиялар, шакл ва усуллари билан тубдан фарқ қиласди. Олий ўқув юртлари негизида ўқувчиларни турли касбий йўналишларга тайёрлашга қаратилган таълим хизматларини кластер тузилмасига бирлаштириш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида “мактаб-лаборатория”лардаги ўқувчилар стандартдаги асосий билим, кўникма ва малакалар билан бирга маҳсус касбий йўналишларга ихтисослаштирилган таълим асосида ўқитилади. Таълимни ривожлантиришнинг хозирги босқичида ўқувчида келажакдаги касб-хунар ва тегишли ўқув юртини танлаш муаммоси долзарб бўлиб келмоқда. Бу муаммо ўз вақтида ҳал қилинмаслиги натижасида шахснинг кейинги фаолияти муваффақиятли давом этмаслиги, жамият иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини кўрсата олмайдиган мутахассислар сонининг ортишига олиб келади. Мактабларда касбга йўналтириш тизимларини янада тақомиллаштириш, энг кулаги шаклларни татбик этиш, таълимни дифференцияциялаштириш мақсадга мувофиқ.

Умумий ўрта таълим муассасаларида турли хил таълим хизматлари турларини кўпайтириш, мактабларнинг рақобатбардошлигини ошириш ўқувчиларнинг касбий қизиқишилари ва узлуксиз таълимдаги “инсон бутун ҳаёти давомида таълим олиши”

принципи асосида шахснинг таълим олишга мўлжалланган максадларига мувофиқлигини тўлиқ хисобга олиш зарурати билан боғлиқ. Ўқув фани мавзуларини мукаммал ўзлаштириш нафақат давлат дастурлари, ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқарилган муассасадаги ички қўшимча дастурларга ҳам асосланган бўлиши лозим. Ўрта таълим муассасалари ривожланишининг янги босқичида улар олий таълим муассасаси билан ҳамкорликни кучайтириши мухим. Ҳамкорлик муассасаларининг ўқув мухитини технологик даражада бирлаштириш ўрта ва олий таълим ўртасидаги узвийлик тамойилининг амалга оширилиши ўқувчилар билими сифатини оширишга ёрдам беради. Давлатнинг асосий ўқув дастури таркибий қисмларини тўлиқ амалга оширган умумтаълим муассасаси қўшимча таълимнинг имкониятларидан кенг фойдалана олади. Бу лойиҳа, ўз навбатида, таълим сифатини ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Таълим кластерлари негизида ташкил қилинган ҳар бир “мактаб-лаборатория” майдончасида олий ва умумий ўрта таълим муассасаси веб-сайтларида қўшимча электрон платформа ташкил қилиниши унинг фаолият самарадорлигини оширади. Бу электрон тизим орқали барча субъектлар муассасада мавжуд “мактаб-лаборатория” майдончалардаги янгиликларга, муассаса таълим жараёни барча иштирокчиларига ижтимоий-педагогик ва психологик хизмат кўрсатиш, муассаса майдонидаги педагогик, ижтимоий, жисмоний мухитни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган жараёнлар бўйича маълумотларга, услугубий тавсияларга эга бўлиб боради. Бу каби электрон платформа минтака даражасидаги таълим кластерларини ягона бошқарув доирасидаги технологик жараён сифатида қараладиган кластер тузилмаси субъектлари ўртасидаги мобил харакатли тезкор алоқа, ҳудудий яхлитликни таъминлайди, мулоқот фаолияти ривожланишига, муассаса нуфузи ошишига ёрдам беради. Муассаса фаолиятидан ота-оналар ҳам шериклик ҳукуқларида белгиланган ҳолда, ўқитувчилар таркиби, даражаси, таълим муассасасининг ҳаёти, таълимни ташкил этиш жараёнлари, таълим мазмунидаги мунтазам ўзгаришлар, мактабни ривожлантириш истиқбол режалари бўйича айнан шу электрон тизим орқали ишончли маълумотларга эга бўлиб бориши ҳам мухим. Элек-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

tron тизимда ота-оналар нафақат маълумот олиш, шу билан бирга бола билан ишлаш жараёни бўйича педагогик-психологик кўрсатма ва тавсиялар билан таъминланади. Натижада ўкувчи ни ривожлантиришда таълим берувчи-ўқитувчи билан бир қаторда тарбия берувчи ота-онанинг ҳам қобилияти такомиллаша-ди, бола шахсидаги хар хил хусусиятларга боғлиқ ўзгаришларга муносиб таъсир кўрсатадиган мухит шаклланади. Ўкувчидаги ёш хусусияти ва мухитга боғлиқ бўлган қобилият ҳамда қизиқишлиари аниqlанади, жиноят, зўравонликка майлликларнинг олди олинади.

“Мактаб-лаборатория” доирасида амалиётчи ва ўқитувчилар таркибидан бир неча йўналишларда лойиҳа гурухларини тузиш унинг фаолиятининг тизимли ва кўп тармоқли бўлишини таъминлайди. Тадқикот давомида мавжуд муаммоларни ўрганиш натижасида умумтаълим мактабларида ташкил қилинган “мактаб-лаборатория”ларда қўйидаги йўналишларда дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилди.


1. **“Таълим самарадорлигини ошириш”** йўналиши – таълим сифатини оширишнинг мураккаб вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, уни такомиллаштириш педагогик фаолиятини ҳар томонлама объектив таҳдил қилиш асосида ўқитиш ва таълим жараёнини самарали қуришга асосланган ҳолда амалга оширилишини назарда тутади. Дастурнинг мақсади - кластерли ёндашув асосида таълим самарадорлигини оширишга қаратилган дастур ва лойиҳалар фаолияти механизmlарини интеграциялаш, мувофиқлаштириш, хусусий манфаатлардан келиб чиқиб, умумий мақсадлар сари хизмат қилишга йўналтириш. Бу мақсадга эришиш олий ўкув юрти профессор-ўқитувчилари, эксперtlар, ишчи гурухлар, тадқиқотчи ва амалиётчилар, мактаблардаги ўқитувчилар таркиби, услубий уюшмалар, умумтаълим муассасаси ва маъмуриятнинг услубий кенгаши аъзолари, ўқитувчилар томонидан тўплangan тажриба, мавжуд ютуклар ва аниqlangan муаммо йўналишлари, уларни ҳал этиш усул, шакл ва восита-лари орқали таъминланади. Таълим самарадорлигини ошириш дастури бутунликнинг ўзига хос белгиси сифатида муассасада амалиётга татбиқ қилинган бошқа лойиҳа ва дастурлар фаолияти самарадорлигини бир бутун ҳолда, бир-бири билан узвий-

ликда олиб борилишини, лойиҳалардаги мақсад ва вазифалар мувофиқлигини таъминлайди. Тадқиқотда айнан шу дастур орқали умумтаълим муассасаларида инновацион лойиҳаларни сафарбар қилиш ва татбиқ қилиш механизми ишлаб чиқилди (2.3.1-расмга қаранг).

2. “Иқтидор” лойиҳа йўналиши – ўқувчилар иқтидарини аниклаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш бўйича ахборот ресурсларни ишлаб чиқиш; иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини рӯёбга чиқариш ва тўғри йўналтиришга кўмаклашиш муҳитини яратиш.

3. “Инноватор ўқитувчи” лойиҳа йўналиши – инновацион жараёнларни таълим тизимиға фаол татбиқ этиш муҳити ва ахборот таъминотини яратиш, ўқитувчиларни инновацион лойиҳаларга жалб қилиш, ўқувчилар билан ишлаш техникаларини такомиллаштириш, педагогик компетенцияларни ривожлантириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашни назарда тутади. Лойиҳани амалиётга татбиқ қилиш давомида, нафақат синф мураббийи фаолияти билан боғлиқ муаммолар, балки фан ўқитувчиларининг дарс фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлари турли усуллар орқали аниқланиб, бартараф қилиш чоралари кўрилади. Бу йўналиш бўйича таълим самарадорлигини ошириш ва иқтидорни ривожлантиришда самарали хизмат қиласидан педагог компетенцияларини “мактаб-лаборатория” фаолияти йўналишлари бўйича такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилди (2.3.2-расмга қаранг). Бунда педагогнинг компетенциялари олий таълим билан ҳамкорликда илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлилий ва тажриба-инновацион йўналишлар бўйича тақомиллаштиришга эътибор қаратилди. Бу йўналишлар таълим муассасалари фаолиятининг деярли барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, амалга оширилаётган инновацион лойиҳаларнинг тажриба-синов ишлари, албатта, таълим муассасаларининг тўлақонли фаолиятини самарадорликка олиб чиқиши назарда тутилади.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш



2.3.1-расм. Таълим самарадорлигини ошириш дастури механизми

“Мактаб лаборатория”ларда умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган янги лойиҳалар, ишланмалар, инновациялар тажриба-синовдан ўтказилиши, агар тажриба-синов ишлари муваффақиятли деб топилса, бутун тизимга оммалаштирилиши лозим. Шундагина “мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари фаолияти ўзининг мақсади, мазмун-моҳиятига мос келади. Лойиҳа доирасидаги ҳамкорлик аниқ мақсадга қаратилган бўлиши лозим. “Мактаб-лаборатория”лар фаолиятининг самарадорлиги янги инновацион лойиҳалар устида ишлаш, олий ва умум-таълим муассасалари таълим берувчиларининг инноваторлик ҳамда ижодкорлик салоҳиятига боғлиқ. Янги, долзарб лойиҳалар шакллантириш масаласида тизимдаги муаммолар ва муайян йўналишларни бугунги кун талабларидан келиб чиқсан ҳолда тафтиш қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таълим тизимида мавжуд муаммолар “мактаб-лаборатория” учун обьект сифатида турли йўналишдаги лойиҳалар ишлаб чиқишида кераклича материал бера олади. Шунингдек, фаолият йўналишларини янада аниқлаштириш ҳар бир таълим йўналишининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ янги лойиҳалар учун асос бўладиган материалларни тақдим қилади. Бу борада куйидаги тадбирларни олиб бориш мақсадга мувофиқ: мавжуд муаммоларни аниқлаш орқали тадқиқот обьектини белгилаш; тажриба-синовдан ўтказиш учун лойиҳа йўналишларини аниқлаб олиш; лойиҳа гурухларини тасдиқлаш, уларнинг вазифаларини белгилаб олиш; ташкил қилинган ишчи гурухларнинг олдига белгиланган муддатда маълум бир йўналиш бўйича янги инновацион лойиҳа ишлаб чиқиш вазифасини қўйиш; таклиф қилинган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш; ҳар бир лойиҳани амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва ҳоказо.

Демак, кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш бўйича ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳа йўналишлари ихтиёрий характерга эга. Бу масала ўзига хос хусусиятидан келиб чикувчи ва ижодий ёндашув талаб қиладиган ўсувчи, ўзгарувчи кўрсаткичdir. Лойиҳа йўналишларини фаолият давомида ҳам ўзгартириб бориш, қўшимча ресурсларни, механизмларни қўшиш унинг натижасини юқори кўрсаткичга олиб чиқади. Лойиҳа гурухла-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

рини тасдиқлаш ҳар бир йўналиш бўйича гурухларни шакллантиришни назарда тутади. Лойиҳа гурухлари таркибини тасодиғий ўқитувчилардан эмас, балки шу йўналишда илмий тадқикот олиб бораётган, ижодкорлик ва инноваторлик сифатларига эга бўлган ўқитувчилар таркибидан шакллантириш лозим. Лойиҳа гурухлари таркибига олий ўкув юрти профессор-ўқитувчиларидан ташқари иқтидорли талабалар, умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва ота-оналар ҳам жалб қилинади. Лойиҳа гурухларининг вазифаларини белгилаб олиш “мактаб-лаборатория” фаолиятини йўлга қўйишнинг муҳим босқичларидан биридир.



2.3.2-расм. “Мактаб-лаборатория” фаолият йўналишлари бўйича педагог компетентлигини такомиллаштириш механизми

“Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда барча лойиҳалар учун умумий характердаги қуйидаги вазифалар таклиф қилинади:

- илм ва таълим амалиётининг долзарб муаммолари атрофида барча таълим турлари ва босқичларининг ўкув-илмий-инновацион салоҳиятларини ўзаро интеграциялаш;

Кластерлі ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

- инновацион лойиҳаларни узлуксиз таълим жараёнида амалга ошириш, илмий-методик ишланмаларни педагогик амалиётта татбиқ қилиш ва апробациядан үтказиш, инновацияларни таълимга сингдириш учун тажриба-инновацион майдончалар ташкил этиш;
- ёш педагог кадрларнинг шахсий касб маҳоратини юксалтириш ва ривожлантиришга қаратилган узлуксиз педагогик таълим асосини үзидаги мужассам этган таълим мухитини яратиш;
- касбий педагогик тайёрловни амалга ошириш орқали педагогикага мойиллиги бўлган ўқувчиларни касбга йўналтириш ва танлаб олиш имкониятини яратиш;
- педагогларнинг шахсий-касбий маҳоратларни юксалтирувчи фан ва таълим фазосини яратиш, маслаҳатлар бериш, ижодий ташаббусларини методик ва ташкилий қўллаб-куватлаш.

Лойиҳани амалга ошириш дастурида: лойиҳа йўналиши бўйича умумтаълим мактабларида айни пайтдаги кўрсаткичларни аниқлаш усул ва воситалари; лойиҳа доирасида умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш кўрсаткичлари бўйича қилинадиган ишлар мажмуи; лойиҳада ҳар бир ишнинг масъули ва аниқ муддатлари; лойиҳадан кутиладиган натижани прогнозлаштириш параметрлари; лойиҳа якунида кўрсаткичларни қайтадан аниқлаш ва динамикани солишириш ишлари ўз аксини топиши лозим.

“Мактаб-лаборатория” майдончаларининг фаолияти натижасида таълим муассасалари учун қуйидаги йўналишларда самародорлик таъминланади:

ҳар бир йўналишда таълим кластери “мактаб-лаборатория” майдончалари фаолияти билан боғлиқ янги лойиҳалар ва гурӯҳлар фаолияти йўлга қўйилади;

истиқболли дастур ва лойиҳаларни оммалаштириш имконияти пайдо бўлади;

кафедраларда барча профессор-ўқитувчилар “мактаб-лаборатория” фаолиятига тизимли, тартиблашган механизмлар орқали жалб қилинади;

“мактаб-лаборатория” ишига таълим олувчиларнинг жалб қилиниши уларни илмий тадқиқот ишларига рағбатлантиради;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

талабаларнинг ўқитувчилик касбига бўлган мослашувчанлик даври кисқаради;

мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва олий ўкув юрти ўртасидаги ҳамкорликнинг, таълим кластери фаолиятининг са-марадорлиги ортади;

таълим кластерининг амалиётга татбиқи тезлашади ва ҳ. к.

Шундай қилиб, тадқиқотда таклиф қилинган таълим жа-раёнини биргаликда такомиллаштиришга, узлуксиз таълим тизимини яратишга қаратилган “мактаб-лаборатория” инно-вацион-интеграцион майдончаларини ташкил қилиш таълим турлари ўртасидаги узвийлик муаммосини бартараф қилишга, таълим берувчи ва таълим олувчи компетенцияларининг тако-миллашувига катта имкон яратади. Бу “майдон”да таълим жа-раёни иштирокчилари ўртасида таълимнинг инсонпарварлик, демократик тамойилларига асосланган мухит шаклланиб, у шахсга йўналтирилган, ўз-ўзини билиш ва ривожлантиришга асосланган таълимни ташкил этишга ёрдам беради.

2.4. Таълим кластери шароитида ижтимоий буюртмани таъминлаш услубиёти

Инновацияларнинг юзага келиши учун инновацион жа-раёнлар кузатилиши талаб этилади. Инновацион жараёнлар эса, муайян соҳада ўзгаришлар қилишга тайёргарлик кўриш, ушбу ўзгаришларни илмий нуқтаи назардан асослаш ва амал-га оширишни тақозо қиласди. “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари ташкил қилиш олий ўкув юрти ташаббуси би-лан инновацион жараён сифатида амалга оширилса-да, унинг фаолиятида тадқиқот обьекти аниқ белгиланган бўлиши мақ-садга мувофиқ. Мазкур тадқиқотда таълим турлари интеграци-яси асосида ташкил қилинган таълим кластери тузилмасининг ахамияти унда ижтимоий буюртманинг белгиланганли-гидадир. Ҳар бир ижтимоий буюртма истеъмолчиси зарур бўл-ган вактдан бошлаб ўз буюртмасига таъсир ўтказа бошлаши, унинг таълим олишдаги фаолияти давомида маъқул бўладиган, ихтисослашган вариатив ўкув режа ва дастурлар, таълим хиз-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

матларини жорий этиб бориши ва ўз навбатида, уларни рағбатлантириб бориши ижтимоий буюртманинг истеъмолчи талабига мувофиқ тайёрланишини таъминлайди. Демак, ижтимоий буюртма таълим кластерини яратиш ва ривожлантиришнинг асосий векторидир.

Таълим кластерида ижтимоий буюртма ижтимоий онгнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳаётнинг турли соҳаларида инсонлар ўртасидаги коммуникатив муносабатларни такомиллаштириш асосидаги давлат талабарини бажаришга қаратилган. Кластер ижтимоий буюртмаси субъектлар умумий мақсадлари ва хусусий манфаатларидан келиб чиқиб белгиланади. Уни таъминлаш ҳамкорлик тамойиллари асосида шартнома тузиш йўли билан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш ҳамда амалий тажрибалар ўtkазиш орқали амалга оширилади.

Мамлакатнинг аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодиётда жаҳон талабларига кўра турли соҳаларни ташкил қилиш маҳаллий ҳокимият ваколатлари доирасидаги вазифалардан бири бўлиб, таълим кластерини шакллантириш ва ташкил этиш учун маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатларини кластерга жалб қилиш ижтимоий буюртма тайёрланишининг биринчи шартидир. Кейинги ўринда олий таълим муассасасининг таълим тизими акс эттирилиб, у янги шаклланадиган мутахассисларни умумтаълим мактабларида бўғинлардан тайёрлашга қаратилган кўйидаги тамойилларни ҳисобга олиши ва мақсадга мувофиқ равиша жорий қилиши керак бўлади:

ҳар бир ўқувчининг танлаётган мутахассислигини ўзгартириш ёки олий таълим муассасасида ўқиш даврида бир нечта мутахассисликларни олиш имкониятини амалга оширишда ўз таълим йўналишини танлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш имконияти мавжуд бўлган индивидуаллаштирилган таълим;

ўқувчининг иқтидор тоифаларига кўра тўғри касб танлашга йўналтирилган, шу йўналишда чукур таълим олиш имконияти мавжуд бўлган ихтисослаштирилган таълим;

ўқувчи билим, кўникма ва малакаларининг юқори кўрсатичларни таъминлашига йўналтирилган, ўз-ўзини такоми-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

лаштириш имконияти мавжуд бўлган табақалаштирилган таълим ва х. к.

Таълим муассасасини тизимли ривожлантиришга қаратилган раҳбарлар доимий равишда ижтимоий тартибни ўрганиш ва таҳдил қилиш, таклиф этилаётган дастурлар ва лойиҳаларнинг сифатини истеъмолчиларнинг ҳақиқий эҳтиёжларига мос келишини таъминлаш учун унинг ўзгаришини тахмин қилиши муҳимдир. Таълим кластери шароитида ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш технологиялари асосида мактаб битирувчиларининг инновацион қасбий фаолиятга муваффакиятли мослашувини таъминлайдиган ижтимоий буюртма талабларини амалга ошириш учун мўлжалланган дифференциал таълим кластернинг универсал воситаси бўлиши керак.

Таълим кластерининг ижтимоий буюртмаси жамият контекстида таълим, фан ва ишлаб чиқариш субъектларининг вертикал ва горизонтал тескари қайта алоқасига асосланган ўзаро таъсир кўрсатиш имкониятини берувчи талаб ва таклифлар мажмуи бўлиб, ушбу таърифдан “ижтимоий буюртма” тушунчасининг куйидаги белгиларга эга эканлиги англашилади:

ижтимоий буюртма таълим, фан ва ишлаб чиқариш босқичларида кузатиладиган жараён;

горизонтал ва вертикал муносабатда бўлган субъектларнинг етказиб берувчи ва истеъмолчи макомидаги ўзаро тескари қайта алоқасига асосланган муносабат;

таълим кластерининг ўзаро назорат тамоили асосида талаб ва таклифнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳодиса ва ҳоказо.


Таълим кластери ижтимоий буюртмасини белгилаш муаллифлик модели асосида таснифлаб ўтилди (2.4.1-расмга қаранг).

Бунда ижтимоий буюртма занжири узвийлик, узлуксизлик, изчиллик тамоиллари асосида мувофиқлашганлиги, бу занжирнинг тизимли ишлаши натижасида жамиятнинг иктисадий ўсиши ва ижтимоий ривожланиши таъминланиши асослаб ўтилган. Таълим кластеридаги ижтимоий буюртма масаласига тўхталиб ўтадиган бўлсан, таълим турлари ўртасидаги ўзаро боғлиқ интеграциянинг умумий мақсади жамият талабларига жавоб берадиган шахсни таъминлаш ҳисобланади. Шу ўринда таълим кластери тузилмасида ижтимоий буюртма етказиб берувчилари

ва истеъмолчилари ўрни ўз навбати билан кетма-кетликда алмашиб туради. Оила мактабгача таълим муассасасининг 3 ёшгача бўлган болалар учун Давлат талаблари соҳаларининг йўналишлари бўйича бажарилиш индикаторларига жавоб берадиган болани етказиб берувчи бўлиб, бу жараёндаги истеъмолчи, яъни боғча жараённинг кейинги босқичида ижтимоий буюртмани умумтаълим муассасаларига етказиб берувчи сифатида намоён бўлади.

Мактабгача таълим муассасаси 7 ёшгача бўлган болалар учун Давлат талаблари индикаторларини тўлиқ шакллантириши ва бунда кластер тузилмаси орқали мактаб ўқитувчиларини ҳам жалб қилиши лозим. Жараённинг кейинги босқичида умумтаълим мактаби истеъмолчиси олий ўқув юрти ёки ишлаб чиқариш ташкилотлари ҳисобланади. Бу занжир узлуксиз, узвий ва тизимли шаклда мувофиқлашиб, охир-оқибат жамиятга рақобатбардош кадр етказиб берилади. Жамият ҳам жараённинг дастлабки поғонасидаги истеъмолчига, яъни оиласа рақобатбардош кадр орқали ижтимоий ҳаёт тарзини таъминлайдиган шахсни етказиб беради. Бу занжирнинг натижаси ўлароқ жамиятнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий ривожланиши таъминланади.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш



2.4.1-расм. Таълим кластерида ижтимоий буюртма модели

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш


Тадқиқотда юкоридаги жараённинг умумий ўрта ва олий таълим босқичларидағи ижтимоий буюртмаси, таълим босқичлари кесимида сифатли таълим олувчи ўқувчининг иқтидор хусусиятлари, қизиқишлиарига кўра таъминланишига эътибор қаратилган. Шу нұқтаи назардан, муассаса сифати бевосита ўқувчи эгалланган билим, кўнишка ва малакалари орқали ҳам белгиланиши инобатга олинниб ўқувчиларнинг иқтидорини аниқлаш ва ривожлантириш механизми ишлаб чиқилди (2.4.2-расмга қаранг).

Ўқувчи иқтидорини ривожлантирувчи куч бўлган ўқитувчилар фаоллиги ҳам асосий вазифаларидан бири, демак, тақдим қилинаётган илмий-педагогик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш ва унинг натижадорлигини таъминлаш амалиётчи ва мактаб ўқитувчиларининг профессионал салоҳияти ва масъулиятига боғлиқ.

Ўқувчилардаги креатив фикрлаш даражалари иқтидорлилик белгиларини намоён бўлиш шартларидан бири ҳисобланади. Айни креативлик ўқувчининг сермаҳсул ижодкорлиги, оригинал гояларни тақдим қилиш, муаммоларни тезкорликда ҳал этиш қобилияти билан белгиланади. Иқтидорлиликнинг таркибидаги ижодий қобилият ҳисобланган креативлик негизида ижодий йўналганлик, мантиқий фикрлай олиш, эрудиция (билафонлик), ижодий таъсирчанлик, мавжуд тажриба ва билимлар асосида янги қарорларни қабул қилиш малакаси акс этади. Шунинг учун сифатли таълим олувчини таъминлашда креативлик кўнишкаси мухим саналади.

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги гояларни ишлаб чиқишига тайёрлигини тавсифловчи ҳамда мустакил омил сифатида ифодаланади. Креатив қобилиятининг асосий мезонларини эластиклик (ақлий тафаккур), тезкорлик (вакт бирлигидаги гоялар сони), ўзига хослик (тафаккур, янги гоялар), метафора (ғайриоддийлик, гаройиблик), сезувчанлик, қизиқувчанлик (ҳайратланиш қобилияти, синчковлик, очиқлик), аниқлик (аниқ фикрлаш қобилияти), такомиллаштириш,

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш



2.4.2-расм. “Иқтидор” лойихаси механизми


Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

ижод маҳсулига тугалланганликни бахш этиш, дадиллик кабилар ташкил қилиб, улар зарур мотивация асосидагина ривожланади¹.

Демак, креатив фикрлаш - ўқувчиларнинг одатий фикрлаш тарзига мувофиқ бўлмаган гайриоддий фикрлаши, масаланинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаган ҳолда унинг ечими бўйича ностандарт усул ва йўллар билан хулоса чиқариши, вазиятдан чиқишининг гарчи ғайритабиий бўлса-да, энг маъкул вариантиларини излаб топиши, жараёнлардаги вазиятларга нисбатан доимо ижодий фикрлаш кўникмаси ҳисобланади. Ўқувчидаги креатив фикрлаш кўникмаси табиий бўлмасдан, у йиллар давомида инсоннинг фикрлаш тарзи устида мунтазам ишлаши, машқ қилдириш орқали шаклланади. Таълим кластери ижтимоий буюртмасини таъминлашда ўқувчи-нинг иқтидорини аниқлаш, мактабларда иқтидорлilar сонини орттириш ва ривожлантириш бўйича наزارий ва амалий асосларни тақдим қилиш баробарида, креатив фикрлаш кучли иқтидор эгасига хос бўлган кўникма эканлигини таъкидлаган ҳолда, айнан шу креатив компетентлиликни шакллантириш методикаларини такомиллаштириш муҳим эканлиги асослаб ўтилди. Ўқувчининг одатий фикрлаш тарзи унинг иқтидорини юзага чиқармайди ва бу ўз навбатида, ўқувчининг интеллектуал салоҳияти ривожига тўсқинлик қиласи. Ўқувчидаги иқтидорни ривожлантириш орқали уни креатив фикрлашга йўналтириш, мамлакат илм-фан ва технологиялар соҳасининг тараққиётiga қўшадиган ҳиссаси ортишига ёрдам бериш лозим. Ўқувчи қанчалик иқтидор эгаси бўлмасин, агар у одатий фикрлаш тарзида давом этса, маълумотларни қабул қилиш, хотирада сақлаш каби амалиёти билан таълим контекстида “**билимли таълим оловчи**”, ишлаб чиқариш контекстида эса, “**кучли билимга эга ходим**” сифатидаги жамият вакили бўлиб қолади.

¹ Тилакова М.А. VIII-IX синф ўқувчиларида синфдан ташқари машғулотларда креатив қобилияtlарни ривожлантиришнинг педагогик шартшароитлари // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори дисс.. Чирчик. 2019. –Б. 24.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш



2.4.3-расм. Креатив қобилиятни шакллантириш механизми

Ўқитувчи ўкув жараёнининг сифатли бошқарувчиси сифатида ўкувчини мавжуд жараён ёки вазиятлардаги муаммоларнинг ягона ечимини эмас, ягона муаммонинг турли ечимларини тақдим қилишга йўналтириши билан унинг креатив фикрлашини шакллантиради, рафбатлантиради. Умумтаълим муассасаларида кластер тузилмасини акс эттирувчи фаолиятни шакллантиришда ўкувчининг ўз фикрлаш механизmlарини, когнитив фаолиятини, ўз эгоцентрик нуқтаи назарини енгиб ўтиши, дунёни англашини ва натижада, бу муқобилликка асосланган ижодий ва креатив қобилияtlарни шакллантириш методикаси такоммилаштирилди (2.4.3-расмга қаранг). Бунда ўкувчидаги креатив фикрлашни шакллантиришнинг педагогик ва технологик тизими, унинг даражалари ва натижалари келтириб ўтилди.


“Мактаб-лаборатория”ларда ҳар бир ўкувчининг мавжуд яширин ва маълум имкониятларини намоён қилишига, жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга, шахснинг ижодий, когнитив ва креатив қобилияtlарини шакллантиришга имкон берадиган мухит мавжуд бўлиши лозим.

Бугунги кунда иқтидорли ўкувчilarни аниклаш ва зарур йўналишлар бўйича тавсиялар бериш “Ўкувчilarни касб-хунарга йўналтириш ва психологик- педагогик Республика ташхис маркази”га юклатилган. Улар умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўкувчilarини маҳсус тайёрланган тестлар ёрдамида педагогик-психологик ташхис қиласди. Ўкувчilarнинг қобилияtlарига қараб келгусида қандай йўналишда ўқишни давом эттириши мақсадга мувофиқ эканлигини аниклаб беради.

Умумтаълим муассасаларида кластер ёндашуvidаги тузилма фаолияти асосида ўкувчининг ўз фикрлаш механизmlари, когнитив фаолияти ва эгоцентрик нуқтаи назарини енгиб ўтиши, дунёни англаши шу муқобилликка асосланган ўкувчilar иқтидорини, креативлигини шакллантиришнинг модели ишлаб чиқилди (2.4.4-расмга қаранг).

Бунда фаолиятнинг узвийлик, узлуксизлик ва изчилликда таъминланиш алгоритми ифодаланди. “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончаларида иқтидорли ўкувчilarни аниклаш ва ривожлантириш юқоридаги назарий асослар билан биргаликда бир қатор маҳсус методикаларни ишлаб чиқиш ва тавсия қилиш билан ҳам амалга оширилади.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш



2.4.4 –расм. “Иктидор” билан ишлаш модели

Демак, ўқувчилар умумий ва маҳсус қобилиятларининг вуҷудга келишини белгилаб берувчи механизмлар мавжуд бўлиб, уларни педагогик жараёнларда турли услублар орқали такомиллаштириб бориш зарур. Туғма лаёқат белгилари инсонга хос бўлса-да, ўқувчи фаолияти давомида қулай шарт-шароитлар билан ривожлантирилиб борилсагина, иқтидорли шахснинг шаклланишига асос бўлади.

Ўқувчидаги бирор соҳа ёки фаолиятга нисбатан кучли қизиқиш билан муайян бирор йўналишга мойиллик, интилиш пайдо бўлади. Унинг бу мойиллик хусусиятини айнан шу йўналишга тегишли билимлар, топшириқларни, қизиқарли маълумотларни чалғимай, узоқ муддат давомида билишга интилиши, бажаришга қизиқишида кўриш мумкин. Ўқувчи учун ўзи қизиқкан ва шу соҳада фаолият юритиш, билим олиш, топшириқларни бажариш каби жараёнлар ҳаёт мазмунига айлана бошлаган йўналишнинг шаклланишига қулай шароитлар яратилса, келажақдаги истиқболли касбий фаолияти таъминланади.

Қобилиятнинг вуҷудга келиши бевосита кучли ижтимоий таъсиirlар орқали ҳам шаклланади. У ички (қизиқиш, ирода, характер, мулоқот, идрок, хотира) ва ташқи (оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлиги, оммавий ахборот воситалари) омиллар таъсирида такомиллашади.

Оиладаги мухит аста-секин шу соҳага қизиқиш ва қобилиятни шакллантиришга таъсиир кўрсатади. Умумтаълим мактабларида педагог-ўқитувчининг дарс жараёнини олиб бориш қобилияти ўқувчининг шу ўқув фанига бўлган қизиқишини уйғотади. Дарс жараёнининг режали, мақсадли, эркин мулоқот тарзида, кутилаётган натижаларга асосланган ҳолда ташкил қилиниши ўқувчининг шу фанга нисбатан қобилияти шаклланишига олиб келади. Иқтидорли ўқувчилар билаш ишлаш ўқув ва дарсдан ташқари машғулотларда, фан тўғаракларида, маҳсус курслар, ҳамкорликдаги тузилмаларда ташкил қилинган (конференция, семинар, танлов, фан хафталиклари) таълим шаклларида олиб борилади.

Бу каби таълим шаклларида педагогик фаолият услублари куйидаги тамойилларга асосланади:

шахснинг ривожланиши учун имкониятлар яратиш;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

дарсдан ташқари машғулотларнинг самарадорлигини ошириш;

ижодий, ностандарт фикрлашни ривожлантириш;

индивидуаллашган, табақалашган ва ихтисослашган таълим асосида шуғулланиш;

кўшимча таълим хизматларини эркин танлаш;

ота-оналарни ўқувчи фаолиятини қўллаб-кувватлашга жалб қилиш.

Ўқувчилардаги иқтидор ва креативлик қобилиятларини такомиллаштириш муаммоли, ҳамкорлик, лойиҳалаш, инновацион, интерфаол, мустақил таълим технологиялари орқали амалга оширилади. Ўқувчилар иқтидорини такомиллаштиришда шахснинг креативлигини ривожлантирувчи интерфаол услублар, гурухлаштириш, режа тузиш, туркумлаштириш, мавзу ичида кичик мавзулар хосил қилиш, мантиқий занжирлар кетма-кетлигига асосланган эссе тайёрлаш, кластер, эвристик, рефлексив, ҳамда социометрик усусларнинг аҳамияти катта. Шу билан бирга бунда педагогик кузатиш, ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, фанларни ўзлаштиришнинг ўрта-даврий маълумотларини тўплаш, ота-оналар билан мулоқот қилиш кабиларга катта аҳамият бериш лозим. Торренс тести, “Тугалланмаган расм”, SCAMPER, лойиҳалаш, эссе, дидактик топшириклар, рефлексив методлар, атамалар занжири ва бошқа қатор интерфаол усуслар алгоритмидан фойдаланиш самарали хисобланади.

Синфдан ташқари машғулотларда **SCAMPER** усулини қўллаш орқали ўқувчидағи ижодий ва креатив фикрлашни шакллантириш мумкин. Бу усул 1997 йилда Bob Eberle томонидан таклиф қилинган бўлиб, зарур бўлган ҳолларда бирор янгиликни яратиш ёки мавжуд ҳолатни яхшилаш учун шу йўналиш билимлари билан инновацион тафаккурни уйғунлаштириш амалга ошириладиган самарали услубдир. Бунда ўқувчидаги муайян мавзу бўйича мустақил фикр шакллангунга қадар саволлар берилади. Бу савол варианtlари орқали гурухнинг тасаввурини билиш ва тўғри йўналтириш имкони пайдо бўлади. SCAMPER саволларида қуйидагиларга эътибор берилади (тарих фани мисолида саволлар тақдим қилинмоқда):

S - ўрнини алмаштириш. Мавжуд тарихий воқеанинг са-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

баби, моҳияти, мақсади, жараённинг бориши, тузилиши, натижалари каби хусусиятларининг қайси қисмларини ўзгартирган бўлар эдингиз?

С - бирлаштириш. Тарихий воқеа аҳамиятини такомилаштириш учун унга кўшимча қандай хусусиятларни, объект ёки субъектларни бирлаштириш мумкин?

А - мослаш. Объектга бирлаштириладиган хусусиятларни даврнинг сиёсий-ижтимоий-иктисодий ахволига боғлиқ ҳолда қандай мослашлаштириш мумкин?

М - меъёр (камайтириш, катталаштириш, ўзгартериш). Тарихий воқеани жиддий тус олмаслиги, салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун қандай ҳолатда ўзгартериш, объект ва субъектлар хажмини камайтириш ёки кўпайтириш мумкин?

Р - бошқа макон ва замонда фойдаланиш. Айнан шу тарихий воқеа бошқа даврнинг қайси жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши мумкин?

Е - ўқотиши. Тарихий воқеанинг тузилиши, объект ёки субъектларидан қайси қисмини олиб ташлаш унинг ижобий натижасига таъсир кўрсатмайди (салбий оқибатини камайтиради)?

R - қайта тартиблаш. Тарихий воқеани тубдан ўзгартиринг?

SCAMPER саволларининг аҳамияти фикрларни умумлаштириш жараённада ўқувчилар вазифанинг турли жиҳатларини, энг муҳими, ўқув жараёнларида, кундалик малакаларида кўп учратмайдиган, ижодий ва ностандарт фикрлаш қобилиятини шакллантириш имкониятларини кенгайтирадиган хусусиятлари мавжудлигидадир. Ушбу саволлар ўқувчини бошқача фикрлашга мажбур қиласди, ғоявий тизимини шаклланишига олиб келади. Бу усул нафақат синфдан ташқари машғулотларда, балки ўқув машғулотларида ҳам самарали бўлиб, ўқитувчи дарс вақтининг тақсимотини тўғри тақсимлаган ҳолда, режали ташкил қилиши бу усулни мақсадига эришишга олиб боради. Бу кўплаб йўналишдаги ўқув фанларининг таркибий қисмларига мос келади ва юқори натижа беради.

Синфдан ташқари машғулотларда, фан тўғаракларида лоийхали ўқитиши методикаси вазифани ижодий ўзлаштиришга асосланилган бўлиб, кўпинча ўқувчиларнинг мустақил фаoliyatiда ўз аксини топади. Лойиҳа маҳсулоти ўқувчи томонидан

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

тайёрланган нутқ, ҳисобот, тақдимот, тезис, ижодий кўргазма кабилар бўлиши мумкин. Ўқувчига тақдим қилинадиган лойиҳа вазифаси табиатан шахсга йўналтирилган бўлиши, ўқувчи фаолияти давомида ўзи эгаллаган малакасидан ёки бошқа ўқувчиларнинг тажрибаларидан ўз ишида фойдаланган ҳолда тайёрлаши мумкин. Лойиҳанинг мақсади ва вазифалари, унга ёрдам берадиган методик ва технологик тизим ўқитувчи томонидан етказилади. Вазифа юзасидан манбаларни йиғиш, таҳлил қилиш, солиштириш, ўз хуносаларни баён қилиш орқали ўқувчи лойиҳани муваффақиятли бажаришга йўналтирилади. Бунинг натижасида ўқувчи ўз ишидан кониқишини ҳис қила бошлайди, ўқув жараёнидаги фаолияти самарали тус олади.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда Европада кенг қўлланиладиган **махсус курслардан** фойдаланиш методикаси ҳам самарали усуллардан биридир. Махсус курслар ўқув жараёнини ташкил этадиган шакллардан бири бўлиб, ўқувчиларга ўз илмий лойиҳаларини бажариш, умумтаълим дастурлари ёки ўзлари танлаган йўналиш, соҳа билимларини чукур ўрганиш имконини беради. Бу каби махсус курсларнинг аҳамияти ўқувчиларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятини шакллантириш бўлиб, бундан кутиладиган натижа танланган йўналиш бўйича иқтидорли ўқувчилар сонини кўпайтириш, ўқувчилар ўқитиши ва тарбиялаш сифатини яхшилаш, танланган йўналишларда индивидуал ютуқлар портфолиосини яратиш, замон талабларига ўқувчини мослаштириш кабилардан иборат. Иқтидор билан ишлашга мўлжалланган махсус курслар ўқув машғулотларида кўриб чиқилмаган, ўқувчи томонидан ёш хусусиятларига тўғри келадиган қизиқарли мавзуларни муҳокама қилишга асосланади. Бу жараён ўқувчидан кўшимча адабиётлар билан ишлашни, муаммолар сабаб ва моҳиятини мустақил идрок қилишни, турли шаклларда фаолият олиб боришни талаб қиласди. Соҳаларга йўналтирилган бўлимлар босқичма-босқич, бир неча ўқув йилига режалаштирилиши мумкин. Биринчи босқичда курс раҳбари томонидан ўқувчининг имкониятлари, қизиқишилари, мотивацияни даражаси аниқланади. Бу орқали курс раҳбари кейинги фаолият лойиҳасини ишлаб чиқади, қизиқиш ва қобилиятига мос мавзуларни шакллантиради. Иккинчи босқичда ўқувчининг

яхши натижага эришиши, ўзлаштириш имкониятини ошириш учун маслаҳатлари билан ёрдам бера бошлайди. Агар ўқувчи инициаш услубларидан бири сифатида маҳсус курснинг мақсад ва вазифалари, натижалари билан таништиради. Учинчи босқичда ли ўқитиш ва шахсга йўналтирилган таълим технологиялари билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришдир. Курснинг сўнгти босқичи кўрилган мавзуу ва йўналиш лойиҳаси бўйича сулот турли шаклларда (тезис, тақдимот, маъруза, нутқ, эссе, кўргазмаларда ҳимоя қилинади. Бугунги кунда қўпгина Евроташкил қилиш, ўқувчининг эришган ютуқлар портфолиосини яратиш таълим муассасаси самарадорлигини оширувчи устувор фикрлаш қобилиятини аниқлаш ва шакллантиришда маслаҳат лотларини “Келажагим гарови”, “Интеллектуал қобилиятларни сирлари”, “Шахсий портфолиом” каби мавзуларда ташкил қилиш тавсия этилади.

Ўқув жараёнларида иқтидорли ўқувчи билан ишлаш бевосита педагог-ўқитувчининг маъсулияти ва маҳорати билан боғлиқ бўйногиялардан тизимли фойдаланишин талаб қиласди. Бу муайянро мутаносиблигини, кенг қамровли ёндашувлардан фойдала-ўқувчининг ёш хусусиятларига, таъсирик кўрсатиш доирасига ва албатта истиқболли натижаларга мос келиши лозим.

Тадқиқот дастур ва лойиҳалари бўйича ишлаб чиқилган педагогик асослар – назарий – педагогик ва амалий тамойиллар, шароитлар; технологиялар, методлар, методика, воси-талар ўзаро уйғунликка, мутаносибликка эга бўлиб, яхлит холда,

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Ўкувчида креативлик қобилиятини тизимли, босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Ўқувчилар иқтидори билан ишлашда педагогик тизимининг оптимал усулларидан самарали фойдаланиш натижасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси, қизиқишлари устуворлиги, ёш хусусиятларига мос равиша коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, фан, техника янгиликларидан хабардор бўлиш, улардан фойдаланиш ҳамда миллий ва умуммаданий таянч компетенциялари шаклланади.

Ўқувчилар қобилиятини шакллантириш ва янада такомиллаштириш учун таълимнинг турли шакл ва усулларидан фойдаланишга йўналтирилган педагог-ўқитувчиларга сифатли таълимнинг асосий вазифалари бўйича қуйидаги тавсиялар берилди:

ўқувчиларнинг индивидуал, маданий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўқитиш ва шахсиятни ривожлантиришни таркибий қисмларга ажратишни таъминлайдиган янги педагогик технологияларни базавий ва минтақавий стандартлари асосида ишлаб чиқиши;

шахс манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, таълимни инсонпарварлаштириш;

таълим шакллари хилма-хиллиги, билиш асослари ва шакллари орқали демократлаштиришни ривожлантириш;

индивидуаллаштирилган, ихтисослаштирилган, табақалаштирилган таълимнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш.

Дарс машғулотининг қуйидаги тарзда амалга оширилиши унинг самарали ташкил қилингандигини белгилайди:

- ўқув хоналарининг ҳолати, кўргазмали қуроллар ва жиҳозлар билан таъминланганлиги, машғулот ҳар бир қисмининг тўғри тақсимланиши, давоматнинг юқори даражаси;

- уй вазифасининг бажарилиш даражаси, унда йўл қуйилган хато ва камчиликлар устида ишлаш;

- ўтилган мавзунинг янги мавзуга изчиллиги, фанлараро, мавзулараро, курс ва бўлимлараро узвийликни, алоқадорликни таъминлаш, саволларнинг мантиқий боғлиқлиги;

- дарс жараёнида фойданиладиган самарали илфор педагогик технология ва методлар, янги мавзуни мустаҳкамлаш жараёнла-

рининг самарадорлик даражаси;

- ўқитувчининг нотиқлик ва фасилитаторлик қобилияти;
- ўқувчиларнинг янги мавзуларни ўзлаштириш даражаси, уни аниқлашда ўқитувчининг маҳорати;
- назарий ва амалий билимлар интеграцияси;
- ўқув фани мавзулари учун муаммоли вазиятларни, мисолларни ишлаб чиқиш;
- мавзулар изчиллигини таъминлайдиган топшириқлар мазмуни, метод, технология ва воситалари, дидактик материалларни танлаш қобилияти;
- машгулотларни ўтказиш ва педагогик фаолиятда ўз-ўзини таҳлил қилиш, унинг натижаларидан кейинги машғулот ишини такомиллаштиришда фойдаланиш бўйича илмий-методик ишларни олиб бориш;
- уй вазифасини бажариш учун керакли йўриқномаларнинг берилиши, кўйилган мақсадга эришилганлик бўйича хulosаси.

Кластерли ёндашув асосида самарадорликни оширишнинг барча педагогик ва технологик жараёнлари кластер тузилмасида бевосита олий ўқув юрти кафедралари билан мақсадли ҳамкорликлар асосида олиб борилса, кўзланган мақсадга эришиш динамикаси янада ортади.

Иккинчи боб бўйича хulosалар

Келтирилган илмий-назарий мулоҳазалар ва таклифлардан келиб чиқиб, кластер фаолиятининг изчил ва баркарор ривожланиши учун интеллектуал ва моддий ресурсларни жалб қилиш мухимлигини инобатга олган ҳолда куйидаги **хulosаларга** келиш мумкин:

1. Таълим сифатини такомиллаштиришда кластерли ёндашув давлат таълим мазмунини янгидан ташкил қилиб, таълим кластери субъектлари ўртасидаги муносабатларни таълим сифати ғоялари орқали ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имконини берди.

2. Таълим сифатини оширишнинг барча жараёнларини вазият, сабаб ва шароитларнинг уйғуналигини таъминлайдиган самарали бошқарув тузилмасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

3. Таълимни кластерлаштириш инновацион ёндашув сифатида ҳудуддаги инсон ресурслари, ташкилотлар ва технологияларни бирлаштирувчи кучли механизм сифатида унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

4. Кластерли ёндашув асосидаги таълим самарадорлиги ни ошириш дастур ва лойиҳалари ишлаб чиқишнинг назарий ҳамда технологик жиҳатларини илмий жиҳатдан асослаб бериш орқали лойиҳа йўналишлари фаолиятининг истиқбол натижалари таъминланади.

5. “Мактаб-лаборатория” инновацион-интеграцион мажмуаси кластер моделини амалиётга татбиқ қилиш, таълим турлари ўргасидаги узвийлик муаммосини бартараф қилиш, ўкувчиларнинг асосий билим, кўникма ва малакаларини тўлиқ таъминланиш, иқтидорини юзага чиқариш ҳамда таълим берувчи мутахассисларнинг компетенцияларини такомиллаштиришга имкон беради.

6. Таълим кластерининг мақсадли фаолиятида ижтимоий буюртма масаласи муҳим бўлиб, у таълим соҳасида кластер тузилмасини яратиш ва ривожлантиришнинг асосий вектори хисобланади.

III БОБ.

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ “МАКТАБ-ЛАБОРАТОРИЯ”ЛАРИДАГИ ЛОЙИХАЛАР ФАОЛИЯТИ

- ❖ “Иқтидор” йўналиши лойиҳаси фаолияти
- ❖ “Таълим самарадорлигини ошириш” йўналиши лойиҳаси фаолияти

Педагогик таълим кластери – муайян жуғрофий ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириши мақсадида бир-бiri билан узвий алоқадаги тенг ҳукуқли алоҳида субъектларнинг, технология ва инсон ресурслари-нинг интеграциялашувини кучайтирувчи механизм.

3.1. “Иқтидор” йўналиши лойиҳаси фаолияти

Жамиятнинг ҳозирги ҳолати ички дунёга ва якка шахснинг ноёб имкониятларига эътиборнинг кучайиши билан тавсифланади. Шу муносабат билан, инсоннинг ички имкониятларини, унинг қобилият даражасини, болалиқдан бошлаб аниқлаш ва ривожлантириш муаммоси биринчи ўринга чиқади.

Иқтидорли болалар бизнинг мулкимиз. Қобилиятли болаларни аниқлаш ва улар билан ишлаш таълим муассасасининг долзарб вазифасидир.

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини юксалтириш, турли фан йўналишларидаги янгиликларни излаб топиш ва таълим жараёнига татбиқ этиш, ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишиларини, билим самарадорлигини ошириш, ҳозирги замон фан ва техникасини ўрганишга бўлган интилишларини кучайтириш, уларни ижодкорликка ундаш, назарий билимларини амалиётда қўллаш малакасини ҳосил қилишда ўқитиш жараёнида замонавий илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш натижасида мустақил фикрловчи, ижодкор, баркамол шахсни тарбиялашдек масъулиятли вазифаларни фидоийлик билан амалга ошириш лозим.

Иқтидорли болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш масалаларини алоҳида муаммо сифатида ажратиб бўлмайди, чунки уларнинг барчаси табиатан ижодий бошланиш ва ўз қобилиятларини ривожлантириш имкониятларига эга. Агар боланинг қобилиятлари тўлиқ ва ижодий ривожланишни топмаса, унда катталар болаларнинг табиий қобилиятларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратмаган ёки ўзларининг догматик ўқитиш усуллари билан табиий қобилиятларини йўқ қилганликлар учун айбдор бўладилар. Шунинг учун нафақат иқтидорни ўлчаш, балки ҳар бир ўқувчининг табиий қобилиятини очиб беришга ёрдам берадиган тегишли ривожланувчи, ижодий таълим муҳитини яратиш керак.

Республикамиз таълим тизимининг асосий мақсади давлат таълим стандартида келтирилганидек, умумий ўрта таълим тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий

ислоҳотлар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ҳамда илм-фан ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ҳолда ташкил этиш, маънавий баркамол ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат.

Инсоният камолоти ва жамият ривожини ҳар бир тадқиқотчи олдида турган долзарб вазифа, яъни, жамийки бойликларни ўрганиш, ўзлаштириш ва ривожлантириш вазифасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айнан шу вазифани амалга ошириш учун таълим тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, ёш авлодни илм-фан асосларини янада куроллантириш лозим. Бу йўналишларни ривожлантиришда педагогика соҳасидаги тадқиқотлар ва уларнинг амалий аҳамиятининг ўрни каттадир.

Мамлакатимизда биринчи навбатда иқтидорли, юксак истеббод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аник йўналишлари бўйича ўз табиий кобилияtlарини намоён этиш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Иқтидорли ўкувчилар муаммоси билан хориж ва республика-мизнинг қатор психолог ва педагог олимлари А.Н.Колмогоров, Б.В.Гнеденко, А.М.Матюшкин, В.А.Крутецкий, В.Л.Юркевич, И.Я.Каплунович, Н.С.Лейтес, В.И.Панов, Дж. Рензулли, С.Л.Рубинштейн, А.И.Савенков, М.А.Холодная, В.Д.Хадриков ва У. Юлдашев, Р. Бокиев, Т.Т. Азларов, З.Йулдашев, Ф. Зокирова, А. Абдуқодиров, Б. Болтаев ва бошқалар ишлаганлар.

А.М.Матюшкин иқтидорнинг структуравий элементларини: қўйилган масалаларнинг ечимларини таклиф этишдаги оригиналлик (бошқаларга ўхшамаслик даражаси), ностандартлик, кутилмаганлик каби элементларга ажратади. У иқтидорни умумий ва маҳсус қобилияtlар пайдо бўлиши сифатида эмас, балки ижодий ривожланиш деб қарайди ва қуйидаги 5 та структуравий компонентни ажратиб кўрсатади:

- а) идрок мотивациясининг доминантлиги;
- б) янгиликни ҳис этиш, муаммони кўриш ва ҳал этишда ифодаланадиган изланувчанлик ва ижодий фаоллик;
- в) оригинал ечимларга эришиш имконияти;
- г) фахрланиш ва башорат қилиш имконияти;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

д) юқори эстетик, интеллектуал баҳолашни таъминловчи идеал эталонларни яратиш қобилияти.

Б.М.Теплов қобилияtlар ва иқтидорга таъриф бериб иқтидор ҳақидаги изланишларни айнан қобилияtlардан бошлаш лозимлигини таъкидлайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Б.М.Теплов иқтидор деганда –“у ёки бу фаолиятни амалга оширишда камроқ ёки кўпроқ ютуқларга эришишига боғлиқ бўлган қобилияtlарнинг ўзига хос сифатий бирлашмаларини” тушунади.

Академик С.Ҳ.Сирожиддинов ўқувчилардаги топқирлик қобилияти, масалалар ечишда, айниқса олимпиада масалаларини ечишда намоён бўлиши ҳақида тўхталган. Ўқувчилардаги иқтидорини ривожлантиришнинг ўйларидан бири, уларни алоҳида мактабларда, маҳсус дастурлар асосида ўқитиш деб қараган.

Л.Д.Курдявцев ўқув жараёни муваффакиятли бўлиши учун ўқувчига ўз кучига бўлган ишончни сингдириш ва зарур ҳолларда ёрдам бериш, ўқувчиларнинг ўзлигини намоён қилишга имконият ва шарт шароитлар яратиш лозим деган ғояни илгари сурган.

Иқтидорли ўқувчилар мақсадли ҳаётга йўллашда таълим муассасаларининг вазифалари бўйича маҳаллий тадқиқотчи М.М.Абдуллаева ўз тажрибаларида тўхталиб, таълим муассасаларнинг вазифаларини куйидагилардан иборат деб таъкидлайди, “... - иқтидорли ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти, чуқур билим олиши ва қобилияtlарини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш; - малакали ўқитувчиларни иқтидорли ўқувчилар билан индивидуал (якка тартибда) ишлашга сафарбар қилиш; - илм-фан тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича илмий жамият ишларига иқтидорли ўқувчиларни кенг жалб этиш; - иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда мактабда иқтидорли ўқувчилар ҳақидаги маълумотлар банки ва уларни доимий ташхислаш мониторингини шакллантириш; - улар билан ишлашнинг илғор педагогик технологияларини аниқлаш; - олий таълим муассасалари, ўрта-маҳсус касб-хунар таълими тизимида фаолият юритаётган етук мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш.

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий илм-фан ва амалиётда илмий базалар, мактаб ҳаётини шакллантиришнинг мақсадли шаклланиши зарурлиги тўғрисидаги ғоялар доираси яратилди, муайян ўкув юргарининг тузилмаларини янгилаш учун шарт-шароитлар аниқланди. Шу билан бирга, илмий адабиётларни, диссертация тадқиқотларини, мактаб амалиётини, давлат даражасидаги меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, таълимни ривожлантириш истиқболларини белгилаш, узлуксиз таълим тизимида мактаб ҳаётининг замонавий усули бир қатор қара-ма-қаршиликларни аниқлади:

- ижтимоий ва педагогик ҳодиса сифатида, жамиятнинг ва давлатнинг талаблари ўргасида шахснинг маънавий-ахлоқий тараққиётини ва тарбияланишини таъминлайдиган мактабнинг турмуш тарзини тажриба қилган, бирлаштирилган илмий назариянинг йўқлиги;
- мактабларнинг турмуш тарзини шакллантириш ва ривожланиш назарияси ва тарихий-педагогик амалиётини ўрганишда ички таълимнинг объектив эҳтиёжлари ва тадқиқот маълумотларининг етишмаслиги;
- миллий педагогика тарихида мактабларнинг самарали ҳаёт тарзини шакллантиришдаги муваффақиятли тажриба ва замонавий педагогик амалиётда мактаб намуналарини яратишга етарлича эътибор берилмаслиги;
- мактаб тузилмаларининг бундай ўзгаришида жамиятнинг кўп таркибли ҳаётига мос келадиган замонавий ижтимоий дастурлар ва мактаб тузилмалари ривожланишидаги тенденцияларнинг назарий жихатдан ривожланмаганлиги кабилардир.

Педагогик тадқиқотларнинг илмий-назарий асослари билан биргалиқда уларнинг амалий аҳамияти ҳам эътиборга олиниши лозим, амалий аҳамиятни илмий асослаш илмий-назарий ишланмаларнинг нечоғлик амалиёт татбиқ этилиши тажриба-синов ишлари билан аниқланади.

Шу ўринда педагогик тадқиқотларда тажриба-синов ишларини мақсад-вазифалари, уни амалга оширишнинг тартиблари, босқичларининг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтсак.

Тажриба-синов ишларининг мақсади: яратилган амалий фаолият нуқтаи назаридан таълим технологияси натижаларини

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

таҳлил қилиш, илмий ишланмалар натижалари кўрсаткичларини баҳолаш ва улардан амалиётга жорий этишга қулай ҳолга келтириш, яратилган инновацион таълим услубияти билан таълим олувчиларни қуроллантириш, таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзунинг яратилиши ва уни ўрганиш боскичлари ҳамда ривожланиш даражалари ҳақидаги билим ва тасаввурларни шакллантириш ҳамда улар шахсининг маънавий-ахлоқий тамойиллари тўғрисида, уларнинг бўлажак мутахассисларни тайёрлашдаги аҳамияти тўғрисида билим, кўнишка ва малакалар, тасаввурларни ҳосил қилишдан иборатdir.

Тажриба-синов иш мақсадини белгилашда тажриба масаласининг қўйилиши, энг аввало, тадқиқот олиб боришнинг самародорлигига ижобий таъсир этади.

Тажриба масаласини аниқ қўйиш бу – тадқиқот обьектининг моделинни (математик, физик, ташкилий-тузилмавий ва ҳ.к.)ни тузиш, у энг аввал тажрибанинг тадқиқот ишчи фаразига асосан аниқ мақсад ва вазифани кўрсатишдир. Бунда тадқиқотчи тажрибаси, унинг илмий салоҳияти муҳим роль ўйнайди.

Тажриба-синов иши одатда илмий ишланманинг обьектга ўхшашлигини текшириш ва шу жараённи оптималлаштириш учун ўтказилади.

Идентификация (айнан ўхшаш) бу – тажриба натижасида олинган ахборотларнинг баъзи бир фараз қилинган назарий алоқадорликка мос келиши, яъни назарий тадқиқот натижаларини ва тажриба даво-мида олинган функционал ёки статистик боғлиқликларни ўрнатиш.

Оптималлаштириш бу – энг яхши ва қулай ечимни излаш. Бунда тажриба- синов ишнинг мақсади аниқ ифодаланиши керак. Умумий фаразлар билан чекланиш етарли эмас. Тажриба назарий тадқиқот натижаларини тасдиқлаш учун ёки қандайдир яратилган таълим технологиясининг ҳаётийлигини тадқиқ қилиш учун ўтказилади.

Тажриба - синов ишнинг вазифаси тадқиқот илмий-назарий асосларининг амалий аҳамиятини қай даражадалигини баҳолашдан иборатdir. Бунда тадқиқотнинг илмий-назарий асосларини эътиборга олиб таълим технологияларини яратища қуидагиларга эътибор бериш керак:

- режалаштирилган таълим технологиясига ижтимоий-педагогик асослар нималардан иборат эканлигини аниқлаш;
- таълим технологиясининг жараённи босқичма-босқич амалга ошириладиган иерархик қатъий кетма-кетлиги мавжудлиги, уларнинг функционал тузилмаси нималардан иборат эканлигини белгилаш;
- бу технология бугунги кун талаби ва жаҳон таълими талабларига мос келишини ўрганиб чиқиш;
- агар қаралаётган таълим технологияси яхлит тизим сифатида қаралса, у ҳолда унинг тузилмасини ташкилий-функционал қисм тизимлар (элементлар) бўйича ифодалаш мумкинлигини ўрганиш;
- таълим технологиясининг мақсадини ўрганилаётган ўкув предметининг (муайян таълим жараёнининг) мақсадлари билан мос келтириш.

Одатда тажриба— синов иши уч босқичдан иборат бўлади. Бунда аввало тадқиқот вазифаларини эътиборга олган ҳолда тажриба— синов ишининг предмети белгилаб олинади.

Тажриба – синов ишининг предмети қилиб қуидагилар олиниши мумкин: таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг шуғулланаётган соҳаси (йўналиш ёки технология ёхуд мавзу) бўйича тарихий-илмий маълумотлар мажмуи ва уларнинг илмий-услубий салоҳияти; соҳа мутахассис олимларининг фалсафий-педагогик мероси; таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг кассбий ва маънавий-ахлоқий таълим-тарбиясининг мақсад ва вазифалари ҳақидаги билим, кўникма ва малака; таълим берувчининг педагогик жараёнларда мураккаб ҳолатлар рўй берганда янги педагогик технологияларни қўллаш ёрдамида, рўй берган муаммоларни ҳал қилиши ҳақидаги билим ва тасаввурлари; таълим берувчининг амалиётда янги ахборот технологиялардан фойдалана олиш имкониятлари ва таълим олувчиларнинг яратилган технологиялаштирган таълим варианtlарини қабул қила олиш билим, кўникма, малака ва шу кабилар.

Энди тажриба—синов ишининг босқичлари ҳақида қисқача тўхтalamиз:

Биринчи – асословчи босқич: Бунда тажриба—синов ишининг предмети билан боғлиқ бўлган саволлар бўйича таълим олувчи-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

лар билан сұхбатлар үтказилади, үқитувчилар билан давра сұхбатлари үтказилади ва мутахассис олимлардан интервьюолар олинади. Анкета саволлари тузилиб, улар таҳлил қилинади.

Үтказилган сұхбатлар, интервьюолар анкета ва тест саволлари натижалари бүйича күйидагилар аниқланади:

– таълим олувчиларнинг муайян таълим йұналишидан хабардорлиги (йұналиш тарихи, ривожланиш босқичлари, улардан фойдаланилган илғор технологиялар ва уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари);

– таълим берувчиларнинг муайян йұналиш бүйича илмий-услубий салоҳияти (бу соҳа бүйича фан-техника ютуқлари, технологияларни эгаллаганлиги, мазкур йұналиш бүйича таълим-тарбия жараёнини оптимал бошқара олиш қобилияти, таянч тушунчалари билан қуролланғанлиги ва илғор педагогик технологиялари билан танишлiği ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнига мосларини танлай билиш қобилияти).

Олинган натижалар таҳлилига асосланиб, таълим олувчилар ва таълим берувчилардаги бу билимлар “халқаро миллий дастурлар” билан белгиланған миллий йұналтириш тамойилларини тұлық амалга ошириш имкони етарли эмаслиги, аниқланади. Бунда асосан тажриба– синов ишини амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиқып, таълим олувчини тегишли ахборотлар билан таъминлашда янги ахборот технологиялардан фойдаланиш шакллари, усуллари, вариантлари ва мазмуни ишлаб чиқылади.

Иккінчи – тасдиқловчи босқич: Бунда, педагогик фаолиятта муаммонинг ҳолати, оммавий ва илғор тажрибалар үрганилади. Тажриба– синов ишининг режаси, дастури ва тажрибавий ишланмалар тайёрланади. Тажриба синов ишини амалга ошириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқылған таълим мазмуни ва услублари бевосита таълим-тарбия жараёнида синааб күрилади.

Учинчи – шакллантирувчи босқич: Бунда, тадқиқот мақсади ва уни амалга ошириш учун ишлаб чиқылған таълим(тарбия) технологияси бүйича тажриба– синов иши олиб борилади, олинган натижалар таҳлил қилинади ва умумлаштирилади. Бу босқичда педагогик самарадорликни аниқлаш мезонларига эътиборни(талабни) күчлироқ қаратиш(қўйиш) лозим бўлади.

Чунки, бир хилда таълим-тарбия жараёнидаги педагогик самарадорликни аниклаш мезони ҳамма йўналишдаги таълим-тарбия жараёнидаги педагогик самарадорликни аниклашга етарли бўлавермайди. Бундай пайтларда тадқиқотчидан самарадорликни аниклаш мезонлари ичидан тадқиқот йўналиши ва тажриба – синов ишига менюсини тиклаш учун юксак илмий-услубий салоҳият талаб этилади. Бу орқали эса шуғулланаётган йўналишни такомиллаштириш ва ривожлантириш учун услубий тавсиялар тизиммининг оптималь вариантини тайёрлаш имкониятига эга бўлади¹.

Иқтидорли ёшларни барвақт аниклаш ва уларнинг иқтидорини рӯёбга чиқаришда жаҳон миқёсидағи буюк кашфиётларни жамиятимизнинг негизини ташкил этадиган буюк алломаларимиз меросига таянган ҳолда бугунги замон талабларидан келиб чиқиб, халқ фаровонлигига хизмат қиласидиган буюк кашфиётлар яратиш қўнишка ва малакаларини ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб етади.

“Мактаб-лаборатория” тажриба синов майдончаларида “Иқтидор” лойиҳа гуруҳларининг иштирокчилари илмий ва услубий адабиётларда таъкидланганидек, бир-бирларидан, биринчи навбатда, ўрганиш қобилияtlари билан фарқ қиласиди.

Шу ўринда иқтидор ўзи нима деган саволга назарий манбалар таҳлили асосида изоҳ берсак:

Иқтидор - бу ҳаёт давомида ривожланиб борадиган психоканинг тизимли сифати, бу одамнинг бошқа одамлар билан солиширгандан бир ёки бир нечта фаолият турларида юқори (файриоддий, фавқулодда) натижаларга эришиш имкониятини белгилайди.

Психологик луғатларда иқтидор тушунчаси қуйидагича таърифланади:

1) иқтидор бу – фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган қобилияtlарнинг ўзига хос уйғунлашувидир;

¹ Тўракулов Х.А. Тажриба-синов ишларининг мазмун-моҳияти // “Фан, таълим ва амалиёт мажмуасининг долзарб муаммолари”. № 8. Т.: “Фан ва технология”, 2013. –Б. 7-8.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

- 2) иқтидор бу – инсоннинг имкониятлари доираси, фаолиятлари даражаси ва ўзига хослигини белгилайдиган умумий қобилияtlар;
- 3) иқтидор бу – ақлий потенциал. Таълим олиш қобилияти ва билиш имкониятларининг бир бутун индивидуал тавсифи;
- 4) иқтидор бу – табиат томонидан инъом этилган қобилияtlар, қобилияtlар табиий асосларининг ўзига хослиги ва уларнинг намоён бўлиши даражалари;
- 5) иқтидор бу – истеъдодлилик, фаолиятда юқори натижаларга эришиш учун ички имконият ва шароитларнинг мавжудлиги.

Ушбу тавсифлардан келиб чиқсан ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, иқтидор асосида умумий интеллектуал ва инсоннинг билиш имкониятларини белгилайдиган, табиат томонидан инъом этилган қобилияtlар, бирор бир фаолиятда (масалан, таълим, ижодий, касбий, илмий) муваффақиятга эришишни таъминлайдиган маҳсус қобилияtlар ётади.

Иқтидорли бола эса, бу маълум бир фаолият туридаги ёрқин, равшан, баъзан энг яхши ютуқлари билан ажralиб турадиган (ёки бундай ютуқларнинг ички шартларига эга) ўқувчидир. Бугунги кунда кўпгина психологлар қобилият ривожланишининг даражаси, сифатли ўзига хослиги ва табиати ҳар доим ирсият (табиий мойиллик) ва боланинг фаолияти (ўйин, мактаб, иш) воситачилик қилган ижтимоий муҳитнинг мураккаб ўзаро таъсири натижаси эканлигини тан оладилар. Бундай ҳолда, боланинг шахсий фаолияти, шунингдек, индивидуал истеъдодни шакллантириш ва амалга ошириш асосида шаклланган шахснинг ўзини-ўзи ривожланишишининг психологик механизмлари алоҳида аҳамиятга эга.

Иқтидорли ўқувчилар одатда эрта нутқ ва мавхум фикрлашга асосланган ажойиб хотирага эга бўлади. Улар маълумот ва тажрибани таснифлаш ва тўпланган билимлардан кенг фойдаланиш қобилияти билан ажralиб туради. Мураккаб синтактик тузилмалар билан бирга олиб бориладиган катта сўз бойлиги, саволларни бериш қобилияти кўпинча иқтидорли болага бошқаларнинг эътиборини жалб қиласди. Кичкина вундеркиндлар луғатлар ва энциклопедияларни завқ билан ўқийдилар, улар ўз-

ларининг концепциялари ва хаёлий воқеаларни ифода этадиган сўзларни ўйлаб топадилар, ақлий қобилиятларни фаоллаштиришни талаб қиласидиган ўйинларни афзал кўришади.

Иқтидорли болалар когнитив (идрок билан боғлик билим) даги ноаниқликни осонликча енгизади, бироқ қийинчиликлар уларни ортга чекинтирмайди. Улар мураккаб ва узоқ муддатли вазифаларни бажаришдан завқ олишади, уларга тайёр жавоб беришганида бунга чидай олмайдилар.

Иқтидорли бола, бирор нарсага эътиборининг кучайиши, уни қизиктирган соҳада натижаларга эришишда қатъйлиги билан ажралиб туради. Бунинг учун уни яна топшириққа “чўмилиш” даражасини ҳам қўшиш керак. Кичик ҳаётий тажрибаси туфайли, бундай болалар кўпинча ўзи ҳал қила олмайдиган ҳодисаларни бошлайдилар. Уларга катталарнинг тушуниши ва баъзи йўл-йўриклари керак, уларнинг хатоларига эътибор бермаслик керак, бундай ҳолатларда яна бир бор уриниб кўриш яхшироқдир.

Руҳий-ижтимоий ривожланиш соҳасида иқтидорли ва талантга эга болалар қуидаги хусусиятлар билан ажралиб туради:

- Кучли ривожланган адолат туйғуси жуда эрта намоён бўлади. Иқтидорли болаларда шахсий қиймат тизимлари жуда кенг.
- Жамиятнинг адолатсизлигини ўткир қабул қиласидилар. Улар ўзларига ва бошқаларга юқори талаблар қўядилар ва ҳақиқат, адолат, уйғунлик ва табиатга жонли равища жавоб берадилар.
- Улар ҳақиқат ва фантазияни аниқ ажратолмайдилар.
- Ҳазил туйғуси яхши ривожланган бўлиб, иқтидорли ўқувчилар номувофиқликларни, сўз ўйинларини, “илмоқли гапларни” ёқтирадилар, тенгдошлари топа олмайдиган жойда ҳазил-мутойибани кўришади. Ҳазил, камроқ таъсирчан одамлар етказадиган оғриқли зарбалардан ҳимоя қиласидиган, нозик сезгирилик (психика) учун нажотбахш иноят ва соғлом қалқон бўлиши мумкин.
- Иқтидорли болалар ҳар доим ўзлари ҳали “тишлари ўтмайдиган” қийин муаммоларни доимий равища ҳал қилишга ҳаракат қиласидилар. Уларнинг ривожланиш нуқтаи назаридан бундай уринишлар фойдалидир.
- Иқтидорли болалар учун, одатда, ошириб юборилган

Кластерлі ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

құрқувлар харakterлидир, чунки улар күплаб хавфли оқибаттарни тасаввур қилишга қодир.

• Улар атрофдаги оғзаки бүлмаган ҳис-туйғуларнинг на-моён бұлишига жуда сезгир ва улар атрофида юзага келадиган жим-житликка жуда мойил.

Иқтидорлы үқувчиларни үрганиш қобилияты - бу унинг күп-лаб шахсий фазилатлари ва қобилиятларига боғылған мұ-раккаб таълим. Биринчидан, интеллектуал қобилиятлардан (тах-лил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, синтез қилиш, мухим нарсаларни ажратиб күрсатиш, таълим муаммоларини қўриш ва уларни ҳал қилиш қобилияты), шунингдек когнитив қизиқиш ва мотивация даражаси, қатъиятлилік, фикрлашнинг мослашув-чанлиги, ўзини-ўзи ташкил этиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, мақсадга эришишда барқарорлық ва бошқалар.

Үрганиш қобилияты чукур фарқлаш, айниқса когнитив мұ-стакиллик нұқтаи назаридан, иқтидорлы боланинг индивидуал шахсияти сифатида үрганиш таълимдаги ҳаракатнинг турли-ча бұлишини аниклады. Демак, үқувчининг қобилияты унинг ўқиши суръати билан белгиланади ва бирор бир фаолиятда мұ-ваффақиятта эришишни таъминлайдиган махсус қобилиятлар ётади.

Умумий қобилият зegalари - юқори интеллектуал имкони-ятларга эга бўлиб, муаммонинг ёки бирон бир масаланинг ечи-мини тезда топиши, фаолиятга ижодий ёндашиши билан ажра-либ туради.

Махсус қобилият зegalари эса – бирон-бир аник (масалан, математика, мусиқа, расм чизиш, шахмат ўйнаш, спорт) фаоли-ят турига қобилиятли бўлган ва мана шу фаолият билан шугул-ланишни афзал кўрадиган үқувчилардир.

Иқтидорли үқувчилар юқоридаги умумий ва махсус қобили-ятларни ўзида мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалар-дан қўйидаги белгилари билан ажралиб турадилар:

- қизикувчанлиги;
- доимо турли саволларга жавоб ахтаришлиги;
- нутқи;
- тафаккури, хотиранинг тез ривожланиши;

- эрта ёшданоқ мусика, расм чизиш, китоб ўқиш, компьютер ва компьютер ўйинларига, математикага қизиқиши;
- юқори даражадаги билиш фаоллиги ва ўкув фаолияти;
- замонавий компьютер технологиясида мақсадга интилувчанлик ва оригиналлик;
- тафаккурнинг унумдорлиги.

Умумтаълим мактабларида мавжуд бўлаган “мактаб-лаборатория” тажриба-синов майдончаларида ташкил этилган “Иқтидор” лойиҳа гурӯҳи ўз фаолиятини тасдиқланган дастур асосида тартибга келтиради.

Мазкур лойиҳанинг долзарблиги шундан иборатки, таълимни модернизация қилиш концепцияси асосида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлларини топиш масаласи кескин кўтарилади. Бу кейинчалик ижтимоий жараённинг етакчи ғоялари ташувчиси бўлганларнинг интеллектуал даражаси ўсган тақдирдагина амалга ошиши мумкин. Худди шу таълимдаги етакчи инновацион ғояларнинг самарааси ўла-роқ, Чирчик давлат педагогика институти кенг жамоатчиликка таълимни модернизация қилишнинг илмий, назарий ва амалий концепциясини белгилаб берувчи, институтнинг асосий стратегик тадқиқот обьекти бўлган Педагогик таълим инновацион кластерини тақдим қилди. Педагогик таълим инновацион кластери субъекти ҳисобланган “мактаб-лаборатория” тажриба-синов майдончалари - инновацион тажриба майдончаларида амалга ошириладиган “Иқтидор” лойиҳа гурӯхинининг фаолиятини такомиллаштиришга асосланган.

Қўйилган вазифаларга эришиш иқтидорнинг ҳар ҳил аспектларини ўрганиш учун зарурӣ психологик-педагогик таъминотни яратиш ва ижтимоий-педагогик экспериментларни ўтказишни тақозо этади. Лекин ўқувчилар қобилияtlари ва иқтидорини аниқлаш борасида қўлланилаётган тестлар савияси ва ўтказиш усуларининг талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги, ота-оналарнинг замон талабларини тушуниб етмаётганлиги каби сабабларга кўра бу борада олиб борилаётган ишларнинг натижаларини қўнгилдагидек деб бўлмайди. Шунинг учун ҳозирғи кунда, биринчи навбатда ўқувчиларни иқтидорига қараб келажакда қандай йўналишда шуғулланиши мақсадга мувофиқлигини етарп-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

лича аниқликда башорат қилиш ва уларнинг иқтидорини ривожлантириш имконини берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш зарур. Шунингдек, уларни академик лицейларда ўқитиш учун иқтидорига мос маҳсус дастур, ҳамда ўқитиш методикаси-ни ишлаб чиқиш ва бу йўналишни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш керак. Юқоридаги фикр-мулоҳазалар танланган лойиҳа муаммосининг долзарблигини белгилайди.

Тажриба-синов амалиёти давомида нафақат заиф ўқувчилар билан ишлашга, балки ўқувчилар билимларидағи аниқланган бўшлиқларни тўлдириш учун дарсларни ўз вактида олиб боришга, ҳаттоқи кучли ўқувчилар билан ишлашга ҳам эътибор берилади. Дарсларни режалаштираётганда, уларни аниқ таркиб билан тўлдирганда, боланинг эришган ривожланиш даражасига мўлжал олиш керакмаслиги, балки бироз олдинга ошиб, уни тафаккурига унинг имконидан юқорироқ талаб қўйиш, яъни актуаллик даражасига эмас, балки яқин ривожланиш зonasига эътибор бериш мухимдир. Иложи борича ўқувчининг мустақил фикрини уйғотмоқ, фаол, юқори даражадаги - ижодий фикрлашни ривожлантирум оқ керак.

Мотивацияланган болалар билан ишлашнинг мақсади, хусусан, ўқувчиларнинг фанга бўлган доимий қизиқишини шакллантириш, уларнинг турли йўналишларга бўлган қобилиятларини янада ривожлантириш, фан ва техниканинг турли соҳаларида самарали усуллардан фойдаланиш.

“Иқтидор” лойиҳа гурухининг асосий мақсади қуидагилардан иборат:

- мактабнинг оптималь тузилиши ва узлуксиз таълим орқали иқтидорли ўқувчиларнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш;
- иқтидорли ўқувчиларни шахс, жамият ва давлат манфатларига мос равища аниқлаш, ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш учун қулай шароитлар яратиш;
- уларнинг шахсий, ижтимоий ўзини ўзи англаши ва қасбий ўзини ўзи белгилашини таъминлаш.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда “Иқтидор” лойиҳа гурухи қуидаги вазифаларни бажаради:

- иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларга ҳамроҳлик қилип тизимини такомиллаштириш, уларни маҳсус қўллаб-куватлаш, иқтидорли болаларга психологик ёрдам кўрсатиш учун психологик маслаҳат хизматини ташкил этиш;
- мустақил фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган турли хил усул ва услубларни танлаб олиш;
- иқтидорли болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш;
- иқтидорли ўқувчиларнинг туман, вилоят танловлари, илмий анҷуманлар, ижодий қўргазмалар, турли танловларда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш.

Лойихани амалга ошириш:

- ўқувчиларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини сақлаш ва ошириш учун шароит яратиш;
- мақсадли дастур бўйича якка тартибда (индивидуал) ўқитиш;
- чукурлаштирилган дастур бўйича ўқитиш (фундаментал фанлар, умумкасбий фанлар);
- олий таълим муассасалари талабларига асосланган ҳолда мактабда иқтидорли ўқувчиларнинг касбий, ўқув-ижодий ва тарбиявий тайёргарлигининг қўшимча йўналиши ва таълим хизматларини жорий этиш;
- иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш учун ўқитувчилар, амалиётчилар ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини яратиш;
- иқтидорли ўқувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш;
- мактаб ўқувчиларининг таълим ва тарбия сифатини яхшилаш;
- қобилиятили ва иқтидорли болаларни эрта ташҳислаш учун банқ, технологиялар ва дастурларни шакллантириш.

Лойиханинг асосий фаолияти:

- иқтидорли болалар учун индивидуал ўқитувчи тартиби ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- мактаб мусобақалари, танловлар, конференциялар, қўргазмалар, интеллектуал мусобақаларни ташкил этиш;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

- мактаб ўқувчиларининг илмий-ижодий фаолияти ва иқтидорли болалар билан ишлашни ривожлантириш учун жиҳоз ва материаллар ташкил қилиш;
- иқтидорли ўқувчиларнинг ижодий ва тадқиқот фаолияти учун зарур бўлган илмий ва ўқув адабиётлар базасини ташкил-лаштириш;
- ўқувчиларнинг илмий-тадқиқот ва ижодий ишлари раҳбарларини танлаш ва кўллаб-кувватлаш;
- иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш муаммолари бўйича илмий конференциялар ва семинарларни ўтказиш.

Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти, асосан иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва улар билан ишлаш орқали аниқланади. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда кўпчилик қобилият ҳақида қайғурмоқда. Бу ёшларнинг меҳнат бозори талабларининг кучайиши, иқтидорли ёшларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш механизмининг йўқлиги билан бирлаштирилган ва йўналтирилганлиги билан ажralиб турадиган таълимнинг ривожланиши билан боғлиқ. Замонавий даврда интеллектуал ва ижодий инсон потенциалининг қиймати сезиларли даражада ошиб борадиган, иқтидорли ва юқори иштиёқли ўқувчилар билан ишлаш жуда зарур бўлган постиндустрия жамиятининг пайдо бўлиши даври.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш мактабда устувор йўналишлардан бири сифатида ўзлаштирилмоқда.

Лойиҳани сифатли амалга оширишда умумий ўрга таълим мактаби ва “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалигининг вазифалари:

- Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш бўйича йўриқнома;
- Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашнинг йиллик режаси ва жадвали;
- Иқтидорли ўқувчиларнинг дастлабки ва тажриба сўнгги кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида эксперт гурӯҳини ташкил этиш;
- Эксперт гурӯҳи таҳлилларини ўрганиб чиқиш ва ишни тўғри ташкил қилиш;
- Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш самарадорлигини оширишга оид ҳамкорликдаги буйруқларни тайёрлаш ва ижросини таъминлаш;

- Ойлик ҳисоботлар;
- Услубий бирлашмалар бўйича иқтидорли ўқувчилар рўйхати;
- Ўқитувчилар ва амалиётчиларнинг иқтидорли ўқувчиларга берган тавсиялари ва унга илова қилган хужжатлар;
- Конференциялар, фан олимпиадалари, танловлар, мусобакалар ўтказилиши ва натижаларига оид ҳужжатлар ва хокозо.

Таълим сифатининг гарови бўлган ўқувчи иқтидорини ривожлантириш, сифатли битирувчини таъминлаш ва етук мутахассис тайёрлашда минтақавий таълим кластерининг аҳамиятини асослаб ўтиш вазифаси ҳам белгилаб ўтилган. Шу нуқтаи назардан, муассаса сифати бевосита ўқувчи эгаллаган билим, кўникма ва малакалари орқали белгиланишини инобатга олиб юқоридаги параграфларда ўқувчиларнинг иқтидорини аниқлаш ва ривожлантириш механизми тақдим қилдик. “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларида амалга оширилаётган “Иқтидор” лойиҳа йўналиши фаолиятини амалга ошириш механизми асосида ўқувчилар иқтидорни аниқлаш ва ривожлантиришда қайси йўналишларнинг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим эканлигини инобатга олиб “Иқтидор” билан ишлаш механизmlарини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиши мақсадга мувофиқ.

Иқтидорли ўқувчилар тоифалари:

1. Умумий интеллектуал қобилияtlари жуда юқори бўлган ўқувчилар;
 2. Муайян фан соҳасидаги ва аниқ академик қобилияtlи маҳсус ақлий қобилияtlи ўқувчилар;
 3. Ижодий (бадиий) қобилияtlари юқори бўлган ўқувчилар;
 4. Юқори етакчилик қобилиятига эга ўқувчилар;
 5. Қандайдир сабабларга кўра ўқув ютукларига эришмаган, аммо ёрқин когнитив фаолиятга, ўзига хос фикрлашга ва ақлий зеҳнга эга бўлган ўқувчилар.
- Когнитив сўзи инглизча (лотин) “согнизе” сўзидан олинган бўлиб, у билмоқ, англамоқ, тушунмоқ ва фикрламоқ ёки “согнитион” – билиш, тушиниш каби маъноларни беради. Ўз ўрнида билиш фаолияти инсоннинг воқеликни бевосита сезиши, ҳисетиши билан боғлиқ ҳодисадир.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш тамойиллари:

- шахсий ривожланиш учун имкониятларнинг максимал дарражада хилма-хиллиги тамойили;
- дарсларда ижодий фикрлашни ривожлантириш тамойили;
- синфдан ташқари машғулотларнинг аҳамияти ошиб бориши тамойили;
- таълимни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш тамойили;
- ўқувчиларга ўқитувчиларнинг минимал иштироки ёрдамида ишлашлари учун шароит яратиш тамойили;
- ўқувчиларга қўшимча таълим хизматлари, ёрдам, мураббийлик учун танлов эркинлиги тамойили.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш шартлари:

- 1) доимий равища уларнинг билишга бўлган қизиқишлирини йўналтириш;
- 2) билиш жараённига ижодий тус бериш;
- 3) ўқувчи энг юқори натижага эришиши мумкин бўлган йўналишни танлашга кўмаклашиш.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш шакллари: иқтидорли талабалар билан груп машғулотлари; имкониятлар; фандоиралари; қизиқиши уйғунлиги; расмлар; ихтиёрий курслар; олимпиадаларда иштирок этиш; индивидуал режалар устида ишлаш; ихтисослаштирилган синфлардаги машғулотлар; масофавий марафонлар.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчилар фаолияти қўйидагилардан иборат бўлади:

- иқтидорли ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш дастурини яратиш ва уни амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- шахсни ижодий фаолият субъекти сифатида баркамол ривожлантириш мақсадида шахсга йўналтирилган педагогик ёндашувни амалга ошириш;
- таълимнинг юқори даражасига эга бўлган болаларнинг ижодий потенциалини эрта аниқлаш ва очиб беришни таъминлайдиган психологик-педагогик тадқиқотлар асосида ривожланиш ва ривожлантириш тизимини яратиш;
- шахсни шакллантириш жараёнларига психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш омилларини ўрганиш, ўқувчиларнинг би-

лим қобилиятларини самарали амалга ошириш;

- ўкув жараёнига барча ўкув фанларини асосий ўкув репжаси тизимида уйғунлаштириш гоясина киритиш, бу когнитив мотивациянинг доминант ролини таъминлаш, шахснинг ижодий ўзини-ўзи идрок этишининг барча турлари ва шаклларини фаолаштириш;

- иқтидорли ўкувчилар билан ишлаш бўйича етакчи хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни билиш ва уларни ўз фаолиятида кўллаш;

- ўкувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг ривожланишини бошқариш;

- мақсадли дастурни муваффақиятли бажараётган иқтидорли ўкувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.

Таълим жараёнининг таркибий яхлитлиги таркибий тузилиш ва таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигига асосланади: гоялар - таркиб - ўкув таркибини янгилаш, ўкув дастурларининг ўзгарувчанлиги, индивидуал таълим йўлларини аниқлаш, технология, ўқитиш усуллари ва амалиётини ривожлантириш, таълим фаолияти, оиласда болаларни ўқитиш ва тарбиялашда ёрдам бериш.

Шахсни ривожлантириш учун ўкув мақсадлари, мазмуни, усуллари, шаклларини оқилона танлаш керак. Умумтаълим мактабининг тажрибаси сифатида, яъни қаерда анъанавий дидактика ишласа, шу ерда асосий нарса ўтказиб юборилади; ўқитиляётган, тарбияланыётган, ривожлантирилаётган инсонга бериладиган “озуқа” қай даражада ва умуман талабга жавоб берадими, бу жиҳатларга асосий эътибор қаратилади.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда педагогик тизим тўртта асосий гоялар асосида қурилади:

- биринчиси ҳар бир ўкувчининг ноёб, бетакрор шахс сифатида ички моҳиятини англаш;

- иккинчиси ҳар бир боланинг ривожланиш имкониятлари, шу қаторда унинг ижодий қобилиятлари тугамаслиги асосида белгилаш;

- учинчиси ижодий ўзини-ўзи ривожлантириш учун зарур бўлган эркинлик каби ташқи эркинликдан ички эркинликнинг устуворлиги асосида англаш;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

- тўртингчиси ўзини ўзи билиш, ижодий ўзини ўзи белгилаш, ўзини ўзи бошқариш, ижодий ўзини ўзи такомиллаштириш ва ўқувчи шахсини англашнинг бошланғич таркибий қисмларидан иборат бўлган ўзини-ўзи нинг ажралмас хусусияти сифатида ижодий ривожлантириш табиатини тушуниш.

Иқтидорли болаларни аниқлаш бошланғич мактабда кузатиш, психологик хусусиятларни, нутқни, хотирани, мантикий фикрлашни ўрганиш асосида бошланиши керак. Иқтидорли ва қобилиятли ўқувчилар билан ишлаш, уларни излаш, аниқлаш ва ривожлантириш мактабнинг муҳим жиҳатларидан бирига айланниши керак.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда тадқиқотчи-амалиётчи қуидагича бўлиши лозим:

- ўз ишига иштиёқли, зийрак ва зукко;
- таълим соҳасида тажрибага эга бўлиши, илмий ва ижодий фаолиятга қодир;
- юқори интеллектуал салоҳиятли касбий малака эгаси;
- билимдон ва юксак ахлоқий фазилатга эга;
- иқтидорли болалар психологиясини яхши билиши ҳамда уларнинг талаб ва қизиқишлигини ҳис қила олиши;
- иқтидорли болаларни ўқитиш билан боғлик ҳар қандай мажбуриятни бажара олиши;
- илғор педагогик технологияларнинг етакчиси;
- психолог ва ўкув жараёнининг моҳир ташкилотчиси;
- изланувчан ва доимо ўз устида ишлаши;
- табиатан фаол ва киришимли;
- инсон ҳаётининг барча соҳалари бўйича мутахассис.

Иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда тадқиқотчи-амалиётчининг асосий мақсади қуидаги вазифаларини бажаришдан иборат бўлиши керак:

1. Иқтидорли болаларни аниқлаш;
2. Уларнинг мақбул ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиш.

**Биринчи мақсадни амалга ошириш учун қуидаги вази-
фаларни ҳал қилиш керак:**

**1. Ўқитувчиларни иқтидорли болалар билан ишлашда са-
марали бўлган психологик хусусиятлари ва услубий усулла-
ри тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш:**

- мутахассисларни таклиф қилган ҳолда педагогик маслаҳат-
ларни ўтказиш;

- узлуксиз таълим курсларида ўқитиши;

- ўз-ўзини тарбиялаш учун зарур бўлган адабиётларни ку-
тубхона фондига тўплаш ва янги олингган нарсаларни мунтазам
қўриб чиқиши;

- ушбу соҳадаги илмий ва услубий ишлар (кейинчалик муҳо-
кама ва тажриба алмашиш билан).

**2. Ўқувчиларнинг мойиллиги бўлган ва фаолиятнинг
турли соҳаларида юқори кўрсаткичларга эга болаларни
аниқлаш учун ўқув ва ўқувдан ташқари машғулотларни
мақсадли кузатувдан ўтказиш:**

- иқтидор борлигини баҳолаш мезонларини муҳокама қилиш;

- мақсадли педагогик кузатув усуллари билан таништириш;

- ота-оналарни фарзандларининг мойиллиги, катта муваффақият соҳалари ва қизиқишлар доираси, фарзандининг шахсий ривожланиш хусусиятлари тўғрисидаги фикри;

- фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари ўртасида иқтидорли ўқувчиларнинг дарсларида қатнашишлари тўғрисида даврий маълумот тўплаш.

**3. Иқтидорликни аниқлаш учун материалларни танлаб
олиш ва маҳсус тест синовларини ўтказиш қуидаги ҳара-
катлар билан бирлаштирилган ҳолда:**

- ушбу соҳадаги мавжуд амалий тажриба билан танишиш;

- синов натижаларининг самарадорлиги ва реал фаолиятдаги муваффақиятлар ўртасидаги боғлиқликни узоқ муддатли кузатиши;

- болага ўз қобилияtlарини намоён этишига имкон беради-
ган турли синфдан ташқари танловлар, мусобақалар ўтказиш.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Иккинчи мақсадни амалга ошириш учун қуидаги вазифаларни ҳал қилиш керак:

1. Фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодкорлик мустақиллигини ривожлантиришга ёрдам берадиган турли хил таълим тизимлари орасидан қуидаги усуллар, методлар ва услубларни танлаш:

- тақдим этилган маълумотларнинг миқдори ва уни қайта ишлаш кобилиятини танлаш (тахлил қилиш, таққослаш, таснифлаш, хulosса чиқариш);

- маълумот етказиш ёки ўкув топшириқларини бажаришнинг аниқ усулларини кўрсатиш учун минимал вақт ва болаларга муаммоларни муҳокама қилишлари учун кўпроқ имкониятлар бериш (ўкувчилар қандай қилиб хulosса, қарор, баҳо беришганини тушуниш учун “очиқ саволлар” дан фойдаланган ҳолда камрок тушунтириш ва кўпроқ сўраш);

- синфдаги ҳар бир жавобга жавоб беришга интилмасдан, дикқат билан тинглаб, жавобларни баҳоламасдан, факат сиз уларни қабул қилаётганингизни кўрсатинг. (Бундай хатти-ҳаракатлар ўкувчиларни бир-бири билан ўзаро муносабатда бўлишига олиб келади ва кўпинча синфдошларининг фикри ва қарашлари ҳақида фикр билдиради. Шу боис улар ўқитувчиларга камроқ қарам бўладилар).

2. Илмий раҳбар билан биргаликда қўшма фаолиятда кўникмаларни яхшилаш учун имконият бериш:

- ўкувчилар танлаган илмий тадқиқотлар мавзусида юқори даражада маслаҳат берилиши;

- мақсадларга эришиш усуллари ва услубларини қўллаш соҳасини танлаш эркинлигини таъминловчи ташаббускорликни намоён қилади;

- вазиятнинг хусусиятлари ва ўкувчининг шахсиятини ҳисобга олган ҳолда, ижодий ғояларни аниқ амалга ошириш учун шароит яратиш;

- бошқа соҳаларда ўзини синааб кўриш истагини уйғотишига ҳисса қўшади, ҳар қандай соҳада ишлашни рағбатлантиради.

3. Маълум соҳаларда иқтидорлари аниқланган ўкувчилар учун мослашувчан индивидуал ўкув дастурларини ишлаб чиқиш, бунда:

- иқтидорли ўқувчи учун индивидуал ўқув дастурининг мақсади - иқтидорни мақбул ривожланиши учун шароит яратиш ва шу билан бирга шахсий ривожланишдаги номутаносибликларни бартараф этиш;

- бундай дастурларни яратиш бўйича таклиф ота-оналар, фан ўқитувчиси, синф раҳбари, мураббий, психолог, ўқитувчилар кенгаши ёки иқтидорли ўқувчининг тақдири билан қизиқувчи ҳар қандай бошқа шахслар томонидан киритилиши мумкин;

- дастурни ишлаб чиқиш ташаббуси психолог, мураббий, синф раҳбари, фан ўқитувчиси, ота-оналардан бири ёки ўқувчи (катта синф ўқувчиси) томонидан қабул қилинади ва иқтидорли талабанинг тақдирига қизиқсан одамларни дастурни ишлаб чиқишида иштирок этишга жалб қилинади.

4. Ўқувчи шахсини ҳурмат қилиш, бунга қуйидагилар киради:

- иқтидорли ўқувчининг ривожланиш хусусиятлари ҳакида тушунча;

- атрофдаги воқеликка муносиб муносабатни шакллантиришга, ўз-ўзини ҳурмат қилишга, бошқалар билан муносабатда бўлишга ва одамларга нисбатан сезгир муносабатни ривожлантиришга ёрдам берадиган ўқувчининг шахсий ривожланиш дастурини тузиш (бундай дастур психолог томонидан тузилади);

- интеллектуал, ҳиссий ва ижтимоий соҳаларнинг ривожланишини уйғунлаштиришга ёрдам берадиган синфдошлар билан самарали ва ҳиссий жиҳатдан ижобий ўзаро таъсир қилиш ҳолатини яратиш;

- экстремал иқтидорли болалар билан ишлашдан қочиш истаги - бир томондан болани юқори мансабга кўтариб, унинг маҳсус ҳуқуқларини таъкидлаб, иккинчи томондан, қадр-қимматини очиқасига камситиш ёки “юлдузлик касали” га қарши курашда интеллектуал муваффақиятларга эътибор бермаслик;

- бир қатор нотўғри стереотипик тахминлардан ва интеллектуал қобилиятли ўқувчи тушунчасидан озод қилиш:

- тенг даражада юқори ҳиссий ва ижтимоий етукликка эга бўлиши шарт эмас (ёмон мослашади, ўзини ўзи назорат қила олмайди, мустақил ва масъулиятли эмас);

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

- ҳар доим мустақил равишда шуғуллана олмайди ва ўқитиши ва ёрдамни индивидуаллаштиришга муҳтож;
- жисмоний ривожланишдаги баъзи бир кечикишлар бўлиши мумкин (масалан, ҳаракатлар суст мувофиқлаштирилганлиги ёки қўлёзмаларнинг бузилиши);
- мактаб ўқув дастуридаги барча фанлардан ўз вактида ва устун бўлмаслиги керак;
- унда ҳар доим ютуққа юқори турткى, энг яхши бўлишга интилиш, ўқишида онгли ҳаракатлар, мактабга ижобий муносабатда бўлиш хос;
- унга бундай хусусиятлар хос бўлиши мумкин: пассивлик, ташқи интеллектуал ёрқинликнинг йўқлиги, ҳаддан ташқари уятчанлик.

Мазкур лойиҳани амалга оширишдан кутиладиган натижалар:

- Мактаб ўқувчиларининг таълим ва тарбия сифатини яхшилаш;
- мактаб ўқувчилари орасида шаҳар ва вилоят олимпиадаларининг ғолиб ва совриндорлари сонини кўпайтириш;
- ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини очиб бериш бўйича тадбирлар доирасини кенгайтириш;
- иқтидорли ўқувчилар билан ишлайдиган ўқитувчилар учун қўшимча машғулотлар, услубий кўрсатмалар бериб бориш;
- Педагогик таълим инновацион кластери субъектлари ўртасидаги интеграцияни янада такомиллаштириш;
- Олий таълим муассасасига фан йўналишлари бўйича билимли, зукко, қобилиятли ўқувчиларни таъминлаш.

Юқоридаги “Иқтидор” йўналиши лойиҳасини амалиётга жорий этиш асносида ушбу лойиҳани кенг жамоатчиликка, Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтида ташкил қилинган таълим кластери тузилмасида тадқиқот олиб бораётган ёш изланувчиларига ўз илмий тадқиқотларини самарали олиб боришлари учун услубий тавсия сифатида тақдим қилдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юқорида келтирилган лойиҳа йўналиши ўз обьекти, кутилаётган натижалар, кўрсаткичларга

эга бўлиб, бу ўз навбатида ҳар бир ўқитувчи ва ўқувчининг маълум бир фаолият қобилиятини ривожлантиришга, янада юқори натижаларга эришишга, мактабларнинг таълим сифати самарадорлигини ошишига ҳамда сифат кўрсаткичининг кўтарилишига қаратилган.

3.2. “Таълим самарадорлигини ошириш” йўналиши лойиҳаси фаолияти

“Таълим самарадорлигини ошириш” йўналиши лойиҳаси юқоридаги параграфларда таъкидланганидек, умумий ўрта таълим муассасалари таълим жараёни самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар, қўшимча лойиҳалар, илмий-педагогик адабиётлар билан таъминлаш, таълим сифатини кўтариш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш, таълим кластери шароитида ҳамкорлик механизмларини кучайтириш ва шу асосида умумтаълим самарадорлигини оширишни назарда тутади.

Умумий ўрта таълим муассасаларида турли хил таълим хизматлари турларини фарқлаш ва кўпайтириш истаги мактабларнинг рақобатбардошлигини ошириш, ўқувчиларнинг касбий қизиқишлари ва узлуксиз таълимдаги мақсадларига мувофилигини тўлиқ хисобга олиш зарурати билан боғлиқ. Ўрта таълим муассасалари ривожланишининг янги босқичида улар олий таълим муассасаси билан ҳамкорликни кучайтириши муҳим. Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларини умумий ўрта таълим сифатини оширишга жалб қилиш келажакда жамиятнинг ижтимоий-иктисодий йўналишларида мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган фанларни чукур ўрганиш бўйича янги, инновацион ва интеграцион ўқув режалари ва дастурларини яратиш имконини беради. Олий таълим профессор-ўқитувчилар ва мактаб ўқитувчилари сабий ҳаракатлари билан таълимнинг юқори босқичида алоҳида фанлар бўйича чуқурлаштирилган ўқув машғулотларида бирлашадилар. Бу ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўқув-илмий, ўқув-тадқиқот, касбга йўналтириш ишлари учун шарт-шароитлар яратилишини, кўрсатилган иштирокчиларнинг олий ўқув юрти ахборот ресурсларидан фойдалани-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

шини, профессор-ўқитувчилар томонидан индивидуал фанлар, танлов, семинар, конференциялар бўйича тренинглар ўтказишини, олимпиадаларга тайёргарлик кўришини таъминлайди. Ҳамкорликнинг бу тизими ўқувчиларни ўқитиш йўналишини, умумий ва касбий таълим ўргасидаги узвийликни таъминлайди, битирувчиларни олий касбий таълимга самарали тайёрлади. Ҳамкорлик муассасаларининг ўкув мухитини технологик даражада бирлаштириш ўрта ва олий таълим ўргасидаги узвийлик тамойилининг амалга оширилиши ўқувчилар билими сифатини оширишга ёрдам беради. Айнан шу жараёнларни мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик механизмини кучайтириш мақсадида Педагогик таълим инновацион кластери негизида “Таълим самарадорлигини ошириш” йўналиши лойиҳаси ишлаб чиқилган. Минтақалардаги умумтаълим муассасаларида “мактаб-лаборатория”лар ташкил қилиниб, лойиҳа амалиётга жорий этишга йўналтирилган.

Таълим тизимидағи инновацион ва тажриба фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири илмий-услубий ва ижтимоий-педагогик умумийликни яратиш орқали умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчиларини ривожлантириш учун янги йўналиш ва янги механизмларни ишлаб чиқиш деб хисоблаш мумкин. Ушбу вазифалар умумтаълим муассасаларида инновацион ёндашув асосида ўтказиладиган амалий тажрибларни танлашда кўрсатма бўлиб хизмат қиласди.

Таълим муассасаларининг такомиллаштирилган фаолияти жамиятга рақобатбардош, мувваффақиятли, ижодий, баркамол шахсни алоҳида ўзи етказиб бера олмайди. Бу фақат таълим турлари ўргасидаги ҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқаришдаги интеграцион жараёнларни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатлар билан амалга ошиши мумкин.

Ўзбекистон таълим министри модернизация қилиш концепцияси таълимни нафақат ўқувчилар томонидан маълум бир билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга, балки унинг шахсияти, билим ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтириш зарурлигини таъкидлайди. Олингандай билим ва кўникмаларнинг сифати кўп йиллар давомида ўқувчининг моддий ва маънавий маданият соҳасидаги қобилиятини, унинг муваффақиятли

ижтимоийлашишини белгилаб беради, шу сабабли ҳам жамият, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, умуман давлат таълим сифатини оширишдан манфаатдор.

Педагогик таълим инновацион кластери доирасидаги мазкур лойиха Давлат таълим стандартида белгиланган қуидаги таъмйилларга асосланади:

- ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлиги;
- умумий ўрта таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- давлат таълим стандартининг таълим соҳасидаги давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги;
- умумий ўрта таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- Республикадаги барча худудларда умумий ўрта таълим мазмунининг бирлиги ва яхлитлиги;
- умумий ўрта таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усулларини танлашда инновация технологияларига асосланилганлиги;
- ўқувчиларда фанларни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун таянч ва фанларга оид умумий компетенцияларни ривожлантиришнинг таъминланганлиги;
- ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

Шу билан бирга таълимни модернизация қилишда бир катор инновацион ёндашувлар ҳисобга олиниб, “Таълим самарадорлигини ошириш” йўналиши лойихасини амалга оширишда:

- таълим мазмунининг умумий таълим кўникмаларини шакллантиришга, ўқитишнинг умумлаштирилган усулларига, когнитив, коммуникатив, амалий, ижодий фаолиятга, ушбу фаолиятда ўқувчиларни тажриба ортиришга йўналтирилиш;
- фуқаролик жамияти ва ҳукуқий демократик давлат қадриятларини эъзозлаш, ўқувчи шахсини шакллантиришга ҳисса қўшадиган таълим потенциали ва таълим мазмунининг ижтимоий-гуманитар йўналишини кучайтириш;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

- асосий компетенцияларни шакллантириш - амалий муаммоларни ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг реал ҳаётда олган билим, малака ва кўникмаларидан фойдаланишга тайёрлаш;
- ўқувчиларнинг ижтимоийлашувини муваффақиятли даражада таъминлайдиган фанларнинг, иқтисодиёт, тарих, хуқуқ, она тили ва адабиёт, рус тили, ва хорижий тилларни ўқитилишини кучайтириш ва бошқа хусусиятларнинг ҳам инобатга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Таълим самарадорлигини оширишнинг мураккаб вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, уни такомиллаштириш факат педагогик фаолиятини объектив ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида ўқитиш ва таълим жараёнини самарали куришга асосланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда умумтаълим муассасалари таълим сифатини таҳлил қилиш давомида кўплаб муаммоларнинг ҳал этилмаганлигини кўришимиз мумкин:

- умумий ўрта таълим тизими ўқитувчилари орасида ўзини-ўзи ривожлантириш мотивациясининг йўқлиги;
- ўқитувчиларнинг ўқувчилар билимини ошириш учун замонавий воситалар, усул ва механизмлардан етарли даражада фойдаланмаслиги;
- аксарият ҳолатларда ўқитувчиларнинг асосий таянч тайёргарлиги инновацион усуллардаги фаолият механизмларига ҳисса қўшмайдиган анъанавий ўқитиш усулларидан фойдаланиш билан чекланганлиги;
- дарс машғулотларини ташкил этишда табакалаштирилган ёндашув амалга оширилмаганлиги (яъни тез ўзлаштириш имконияти мавжуд ўқувчи билан секин ўзлаштирадиган ўқувчилар учун бир хил дастур ва топшириқлар билан чекланганлиги);
- мактабгача таълим, бошлангич ва умумий ўрта таълим ўртасидаги узвийликнинг ҳисобга олинмаслиги;
- таълим муассасаларида таълим сифатини бошқаришга тизимли ёндашувнинг йўқлиги каби бир қатор муаммолар мавжудлигини исботлади.

Шу муаммоларни бартараф этиш учун таълим тизими фаолиятида тегишли даражадаги зарур педагогик шароитлар таъминланса, муассасаларда ўқувчиларни ўқитиш сифати яхшила-

ниши ва юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этилиши ҳамда юқори натижалар кафолатланиши мумкин. Бунинг учун:

- сифатли таълим олиш мақсадига эришишга йўналтирилган педагогик тизимни яратиш;
- доимий равищда ўқувчиларнинг таълим сифатини ошириб бориш учун уларда ижобий мотивацияни ривожлантириш;
- ўқувчиларни ўқитишнинг таълим ва юқори натижа билан ўзаро боғлиқлиги;
- шахсга йўналтирилган педагогик технологиялардан фойдаланиш,
- таълим муассасаси майдонида ўрганиш учун қулай психологияк мухитни яратиш.

Умумтаълим муассасаларида таҳлиллар натижасидаги муаммоларга мувофик кўйидаги вазифаларни ишлаб чиқиш таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиласди:

- таълим муассасасида ўтказилган мониторинг натижалари асосида ўқитувчилар учун сифатли таълимни ташкил қилиш бўйича услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ўқитувчининг касбий фаолиятини такомиллаштиришнинг қулай усуллари орқали ривожлантиришга йўналтирилган услубий уюшмаларнинг ишини кучайтириш;
- иқтидорли болалар билан ишлашни янада самарали механизmlарини ташкил этиш (ўқитувчиларни ўқувчиларнинг илмий, лойиҳавий фаолияти учун шароит яратишга ундаш);
- ўқитувчиларнинг таълим технологияларини ривожлантиришдаги ишлари устидан аниқ назорат ва мониторинг ўтказиш;
- умумий ва маҳсус таълим, ижодий қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайдиган инновацион технологиялар жорий этиш;
- таълим жараёни иштирокчиларининг замонавий ахборот-коммуникация кўнгилмаларини ривожлантириш;
- ўкув-тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда мактабларда ўзини-ўзи бошқаришнинг ролини кучайтириш;
- умумтаълим дастурларига қўшимча дастурларни киритиш (ўқувчиларнинг иқтидорига, ўзлаштириш даражасига мувофик);

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

- мактаб битирувчиларини келажақда касбни танлаш бўйича касбий йўналтиришни ва танланган касбнинг истиқболдаги муваффакияти кафолати таъминланмаслигини ҳисобга олган ҳолда, қўшимча йўналишдаги касбни танлашга имкон берадиган билим, кўникма ва малакага эга бўлиш мақсадга муовфикалигини кучайтириш;

- ўқувчиларни соғлом турмуш тарзини олиб бориш ва соғлигини сақлаш учун барқарор кўникмаларни эгаллашга ундаш.

Лойиҳанинг мақсади – кластер модели асосида минтақавий умумий ўрта таълим муассасалари таълим самарадорлигини ошириш.

Дастурнинг мақсадларига эришиш олий таълим ва умумтаълим муассасаси ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асоси бўлган Педагогик таълим инновацион кластери тизимли фаолияти, кафедралар профессор-ўқитувчилари илмий салоҳияти, умумтаълим муассасаси ўқитувчилари томонидан тўпланган тажриба, мавжуд ютуқлар ва аниқланган муаммолар йўналишлари, уларни ҳал этиш усуллари, шакллари ва техник воситалари орқали таъминланади. Педагогик таълим инновацион кластери негизида “мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари ташкил қилинди, таълим самарадорлигини оширувчи бир қатор лойиҳалар амалиётга жорий қилинди.

Таълим турлари ўртасидаги интеграцияни такомиллаштириш давомида умумий ўрта таълим ва олий таълимнинг ҳамкорлиги жамият иқтисодий-ижтимоий йўналишида биз юқорида таъриф берган таянч мажмуани яратишга асос бўлди. Демак, умумий, ўрта маҳсус ва олий таълимдаги таркибий қисмлар ўзаро фундаментал ва амалий характерга эга бўлган инновацион таркибий қисмларни ўз ичига олиши керак.

Кластер ёндашуви асосида таълим сифатини ошириш фан ва таълимни, пировардида, амалиётда жамиятни ривожлантириш учун янги имкониятларни излаш ҳамда амалга ошириш имконини яратади. Кластер доирасидаги бир нечта субъектларни ўзаро интеграциялаш жараёни мураккаб, кўп тармоқли илмий-амалий жараёндир. Ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китоблар ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қила-

ди, шундагина кластер модели субъектларни ишончини қозонади. Шундай экан, педагогик таълим инновацион кластери доирасидаги илмий-педагогик лойихаларни амалиётга татбиқ этиш муйаян тажриба-майдончалари ташкил қилишни талаб этади.

Лойиха мақсадининг турли йўналишлардан иборат бўлиб, бу йўналишларнинг барчаси кластер модели асоси ҳамкорликдаги механизмлар орқали амалга оширилади. Лойиха мақсадидан келиб чиқиб вазифалар белгиланган, улар қуидагилардан иборат:

- ўкув жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш ва ўкув натижаларини яхшилаш;
- ўкув жараёнларини замонавий даражада таъминлаш;
- таълим самарадорлигини воситаси сифатида тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш;
- ўкувчиларнинг жисмоний ривожланишини, ўкув-тарбия жараёнларида соғлиқни сақлаш усуллари қўлланишини таъминлаш;
- педагог-ходимлар билан ишлаш;
- ота-оналар билан ишлаш;
- таълим муассасини майдонини ахборотлаштириш;
- мактабнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш.

Лойиха ўз фаолиятини “мактаб-лаборатория”ларда амалга оширади.

Лойиханинг бажарилишини мintaқавий Педагогик таълим инновацион кластери маркази ва кластер субъектларининг услубий кенгашлари назорат қиласи, бунда дастурнинг ижросини таъминланишига маъсул тажриба-амалиётчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

Лойихадан кутилаётган натижалар:

Таълим самарадорлигини оширишнинг интеграцион механизмини татбиқ этиш натижасида қуидаги истиқболларга эришиш мумкин:

- ўкув жараёнидаги бошқарув тузилмаси модернизациялашган кўринишга яқинлашади;
- мintaқавий таълим муассасалари, педагог кадрлар ўртасида соғлом рақобат мухити такомиллашади;
- битирувчиларнинг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлиги ортади;

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

- илмий тадқиқот натижаларининг самарадорлиги ортади;
- ўқувчиларнинг ривожланишини психологик-педагогик таҳлил қилиш асосида таълим сифатини назорат қилиш ҳамда уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилияtlарини шакллантириш учун дидактик-услубий тизим яратилади;
- ўқувчи шахси, унинг имкониятлари ва қобилияtlарини аниқлаш ва ривожланириш учун дастурлар, ҳужжатлар тўплами шаклланади;
- ўқув дастурлари натижаларига кўра ўқувчилар билимларининг сифати оширилади.

“Мактаб-лаборатория”лар ташкил қилинган ўқув муассасаларида олиб бориладиган **ташкилий-педагогик жараёнлар** ҳам тизимли ёндашув асосида амалга оширилиб, бир қатор амалий ишларда ўз аксини топади:

- ҳамкорликдаги касбий-малакавий билим олишни ривожланиришга йўналтирилган механизм жорий этиш ва амалга ошириш;
- таълим олишда ўқувчини қизиқтирадиган, мустақил, фаол фаолиятига йўналтирилган инновацион интерфаол усулларни кўллаш;
- таълимнинг ҳар қандай шакли ва усулида интеграция жараёниниг мувофиқлигини таъминлаш;
- таълим муассасаси ўқув жараёни иштироқчиларини компетентлик даражасини такомиллаштиришни таъминлайдиган моддий-техник базани ташкил қилиш ва ҳоказо.

“Мактаб-лаборатория”ларда ҳар бир ўқувчининг мавжуд яширин ва маълум имкониятларини намоён қилишига, унинг жамият ҳаётидаги иштироқини кенгайтиришга, шахснинг ижодий, когнитив ва креатив қобилияtlарини ривожланиришга имкон берадиган муҳит шаклланиши керак.

**“ТАЛЬИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ” ЙҮНАЛИШИ ЛОЙХАСИННИ АМАЛГА
ОШИРИШДАГИ ФАОЛИЯТ АСОСЛАРИ**

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

№	Фаолият йўналиши	Максадлар, вазифалар	Кутилаётган натижажа	Масъуллар
1.	“Таълим сифатини ошириш” дастурини амалга ошириш учун жалб килинадиган профессор-ўқитувчилар таркибини шаклантириш	Ўкув жараёнларда сифагли таълимдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, таълимга сарфланган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, унинг иштирокчилари билан индивидуал ишлаш асосида ўкув жараёни сифатини ошириш	Умумий ўрга таълим сифатини ошириш; ўкув хоналарини компютер ускунларни, ўкув, лаборатория ва кўргазмали жиҳозлар билан таъминлашни такомиллаштириш;	ТМси раҳбари, раҳбарнинг ўкув ишлари бўйича муовинлари
2.	Максадларга эришиш ва муаммоларни хал килиш учун таълим сифатини ошириш тизимида вазифалар ва ваколатларни таҳсиллаш (хизмат вазифаларига ўзгартиришлар киритиш)	Муассаса АРМ жиҳозларини тақомиллаштириш, электрон кутубхона яратиш, ўкув дарслеклари, кўшимчча китоблар хажмани кўлайтириш;	Дастур амалга оширилишини аник тартиба солиш	ТМси раҳбари, раҳбарнинг ўкув ишлари бўйича муовинлари

3.	Таълим сифатини мониторинг килиш. Фанлар бўйича сифат кўрсаткичларини кузатиш, сифат бўйича иш фаолиятини синфлар кесимида кузатиш, якуний натижаларни олиш.	<p>ТМсининг ўкув ишлари бўйича муовини учун:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Таълимнинг муайян боскичида фанлар бўйича таълимнинг ўзига хос таркибини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг талаб даражасига эришишини изчил кузатиб бориш имкониятини таъминлаш ва ўкувчиларни муайян фанлар бўйича синфа, мактабда ўрганиш, ўсиш суръатларини киёсий тахлил килиш, ўқувчиларнинг ўкиш даражасини ошириш, ўқитувчи томонидан кўлланиладиган усул ва воситалари, ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш усул ва шаклларини тузатиш. 2. Фанлар бўйича сифатли таълим механизмини, якуний натижаларини, ўқувчиларнинг дарсдан ташкари машгулотларидаги муваффақиятларни, билим сифати даражасини оширадиган ўкув усуллари, ўкувчилар фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш усул ва шаклларини тўғри олиб борилаётганлигини кузатиш. 3. Ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятдаги муаммоларини таснифлаш, шу асосда уларга педагогик ва услубий ёрдам кўрсатиб бориш. <p>Ўқитувчилар учун:</p>	<p>Ўқувчилар идрокидаги бўшликларни ўз вактида аниклаш, бу бўйича ўқитувчилар ўкув жараёнидаги салбий омилларнинг олдини олиш.</p>	ТМсининг ўкув ишлари бўйича муовини, тажриба гурухи ўқитувчилари
----	---	--	--	--

3,		<p>1. Ўқувчиларнинг ўкув фанини мавзулар, бўлимлар кесимида ўзлаштириш даражасини аниклаш ва уни ўзлаштириш кўрсаткичини боскичма-боскич кўриб чиқиши.</p> <p>2. Ўқувчиларнинг фан бўйича билим, малака ва кўникмаларидағи кўп учрайдиган хатоликларни кузатиб бориш, кейинги боскичларда ушбу хатоликларни ўкув натижаларига таъсирини аниклаш ва батараф этиш чораларини кўриш.</p> <p>3. Ўқувчиларнинг билиш даражасига таъсир этувчи муҳим психологик ва педагогик омилларни аниклаш, тахлил килиш.</p>		
	Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини доимий равища ривожлантириш. ТМсида ўқитувчилар фаолиятининг “Энг яхши тажриба”ларини аниклаш ва оммалаштириш	<p>Таълим жараёни сифатига ижобий таъсир кўрсатадиган барча иштирокчиларни, яъни умумий (ўқитувчилар, ўқувчилар), жамоавий (ота-оналар) иштирокчиларни рағбатлантириб бориш.</p> <p>ТМси раҳбари, ўқитувчи, ўқувчи, ота-оналар жамият талаб киладиган юкори сифат кўрсаткичларига эришиш учун аниқ вазифаларни белгилаб бериш.</p>	<p>Ўқитувчилар педагогик компетенцияларнинг такомиллашуви, сифатли таълим, юкори кўрсаткичларга эришиш.</p>	ТМсининг ўкув ишлари бўйича муовини, тажриба гурухи ўқитувчилари, амалиётчилар
	Ўқув жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишини такомиллаштириш	Умумий фанларни ўқитишининг услубий тизимини такомиллаштириш. Ўқувчиларни турли хил ахборот манбаларидан маълумот олиш, тахлил килиш, танқидий талқин қилиш ва ундан моҳирлик билан фойдаланишга ўргатиш; илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга йўналтириш.	<p>Ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқитувчи ва ўқувчиларнинг юкори кўрсаткичи</p>	ТМси ахборот таълим маркази раҳбари, ўқитувчилар ва ўқувчилар

		Мактаб ўкувчилари томонидан ўзлари учун кизиқарли бўлган ва ўзларининг ютукларини англаб етишлари ёки ўзларидаги мавжуд бўшликларни тўлдиришлари учун ахборот технологияларидан, компьютер дастурларидан моҳирона фойдаланишга йўналтириш.		
	Умумий ўрта таълим муассасасида шахсга йўналтирилган таълим тизимида ўкувчиларнинг барқарор ахлоқий хулк-атвори ва ўкув фаолиятини шакллантириш муаммолари бўйича олиб борилаётган ишлар	<p>Максад: ўкувчиларнинг ўкув фаолиятини самарасини ва ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжларини шакллантириш, ўкувчининг ижодий салоҳиятини очиб бериш, талабаларнинг маданияти ва ахлоқини ривожлантириш.</p> <p>Вазифалар:</p> <ol style="list-style-type: none"> Таълимнинг фаол усул ва шаклларидан фойдаланиш. Ўкувчиларни ўкув жараёнлари давомида ижодий фаолиятини такомиллаштириш. Илғор педагогик технологияларни жорий этиш. Ўкувчиларни доимий ижобий ҳиссий қўллаб-кувватлаш. Ўкув фанларини ўрганишда, ўкувчилар дунёкарашини ривожлантиришда юқори кўрсаткичларга олиб чикиш. 	<p>Ўкувчи билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш</p> <p>ТМси раҳбари муовинлари, синф мураббийлари</p>	

ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИ АСОСЛАРИ

№	Муаммо ва унинг сабаби	Ўқитиши сифатини ошириш бўйича амалга ошириладиган ишлар	Кутилаётган натижা
1.	<p>1. Ўкувчиларни ўкишга кабул килишда мактабгача таълим тизими билан хамкорликнинг йўлга кўйилмагандиги.</p> <p>2. Ўкувчилар йиллик таълим кўрсаткичларининг хар чоракдаги даражаси таҳлил килин-маганлиги.</p>	<p>1. Мактабгача таълим муассасалари тайёрлов гурухлари ишига услубий ва дидактик ёрдам кўрсатиш. Тарбияланувчиларни мактабга қабул килишда мезъяларга мувофиқ улардаги дастлабки даражаларни аниқлаш.</p> <p>2. Ўтган йил натижаларини таҳлил килиш асосида мавжуд камчиликлар аниқланиб, янги ўкув йили учун ишчи дастурлар, дидактик материаллар, тақдимотлар тайёрлаш.</p> <p>3. Ўкувчиларни “Билимлар беллашуви”, танловлар, фан олимпиадаларига тайёрлаш режаларини ишлаб чикиш.</p>	<p>1. Болаларни тайёрлаш сифатини яхшилаш.</p> <p>2. Таълим тизимидағи ўзаро хамкорликни кучайтириш орқали максадга эришиш.</p> <p>3. Муваффакиятсизликни бартараф этиш.</p> <p>4. Ишчи дастурларини ишлаб чикиш ва кўргазмали қуроллар, дидактик материаллар базасини кенгайтириш.</p> <p>5. Ўкувчилар билим даражасини яхшилаш.</p>
2.	Муассасада ўкувчиларнинг ўкув жараёнини давом эттириш тайёрлиги. Ўқитишининг 1-боскичидан 2-боскичига ўтишда узлук-сизлик муаммоси	<p>1. Ота-оналар йиғилишлари, ота-оналарни ўтган йилги натижалари ва болаларни якунний натижаларга тайёрлашдаги муаммолар билан танишитириш</p> <p>2. Синф ўқитувчиларини хар бир ўкувчининг умумий ва маҳсус қобилиятлари ва таълимдаги эҳтиёжларини аниқлаш.</p> <p>3. Ота-оналарни синфнинг ахлоқий ва психолого-логик мухити ва тарбиявий ишларнинг ҳолати билан танишитириш.</p>	<p>1 Таълим мотивациясини фаоллаштириш. Ўкувчиларни баҳолаш мезонлари, коидалари билан танишитириш</p> <p>2. Ўкувчиларни тарбиявий ишларга йўналтириш</p> <p>3. Ўкувчилар жамоасида ўрганишга бўлган қизиқишни ошириш, ўзаро ёрдам ва қўллаб-кувватлаш руҳини шакллантириш.</p>

		<p>4. Олинган маълумотларга асосланиб, синф ўқувчиларининг фанлараро ва мавзулараро узвийликни таъминлаган ҳолда мавзуларини тақорорлашни ташкил этиш.</p> <p>5. Дарсларга ўзаро ташриф килиш асосида педагогик тажриба алмашиш.</p> <p>6. Таълим олувчилар мотивациясини ривожлантирувчи маънавий-маърифий, ижодий тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиши.</p> <p>4. Ўкув фанлари мавзуларини тақорорлашни оқилона ташкил этиш. Ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш, билим сифатини яхшилаш.</p> <p>5. Муассаса нуғузини яхшилаш.</p> <p>6. Ўқитувчиларни ўқитиш усуллари билан ўзаро танишитиш орқали ўқитиш сифатини ошириш.</p> <p>7. Ўқувчи ўкув мотивациясини ошириш.</p>
3.	Баъзи ўқувчилар да, шу жумладан янги фанларда маълум мавзуларни ўзлаштиришда мумкин бўлган билимлардаги бўшлиқлар ва янги мавзуларни ўрганишда қийинчиликлар. Таълим мотивациясининг пасайиши. Ўқувчиларда ўзлаштиришнинг паст кўрсаткичларини пайдо бўлиши, бу билимнинг салбий томонга ўзгаришини кўрсатади; ўқувчилар ишидан норозилик.	<p>1. Фанларни ўзлаштиришда, янги мавзуларни ўрганишда вактдан унумли, режали фойдаланишни ташкил қилиш.</p> <p>2. Назорат натижаларини таҳлил қилиш.</p> <p>3. Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан сұхбатлар ўтказиш, уларнинг эҳтиёжларини инобатга олиш.</p> <p>4. Фан ҳафталикларини ўтказиш.</p> <p>5. Ўқитувчиларнинг Педагогик таълим инновацион кластери доирасида семинарлар, конференциялар, мастер-класслар ва давра сұхбатларида қатнашиши.</p> <p>6. Ўқувчиларни танловлар, беллашувлар, фан олимпиадаларига тайёрлаш.</p> <p>7. Ўқитувчиларнинг касбий педагогик танловларда иштирок этиши.</p> <p>1. Болаларда мета-фан билимларини ривожлантириш.</p> <p>2. Иш режаларини тузатиш. Иқтидорли ва қийин ўзлаштира-диган ўқувчилар билан иш режаларини ишлаб чиқиши.</p> <p>3. Ўкув фанларини ўзлаштириш-даги бўшлиқларни, мавзуларни ўзлаштиришда қийинчиликларни бартараф этиш.</p> <p>4. Ўқувчилар жамоасида билим нуғузини ошириш.</p> <p>5. Ўқитиш сифатини ошириш.</p> <p>6. Иқтидорли ўқувчилар орасида билим сифатини ошириш.</p> <p>7. Таълим сифатини ошириш.</p>

4.	Хар бир ўқувчи учун чорак, ярим йиллик давомида бўладиган яқуний назорати бўйича юзага келиши мумкин бўлган нокулай вазият, ўқувчиларнинг таълимдаги сустлиги ва сифат кўрсаткичларини яхшилашда захираларнинг ўқклиги	<p>1. Биринчи чоракнинг дастлабки натижаларини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Ўкув фанлари бўйича паст кўрсаткичга эга бўлган, шунингдек, суст ўқиётган ўқувчилар билан кўшимча дарслар ташкил этиш.</p> <p>3. Ўқувчилар учун фанлар бўйича Республика олимпиадасининг мактаб босқичини ўтказиш.</p> <p>4. Ижодий ва тадқиқот ишларига ўйналтириш.</p> <p>5. Ўкув фанлари кесимида чорак натижаларини таҳлил қилиш.</p> <p>6. Хар чоракда ота-оналар йигилиш олиб бориши, ҳамкорликда муаммоларни бартараф этиш чораларини кўриш, ота-оналарга боланинг ўкув топширклари, мустакил таълимга эътибор бериш бўйича тавсиялар бериш.</p> <p>7. Дарсларга ўзаро ташриф асосида қатнашиш шаклида педагогик тажриба алмашиш.</p> <p>8. Педагог ходимларнинг касбий педагогик мусобақаларда иштирок этиш</p> <p>1. Биринчи чорак охирида алоҳида эътибор талаб етадиган талабалар рўйхати (“захира”, нотўғри ишлаш)</p> <p>2. Биринчи чоракни биттадан “3” ёки “4” билан тутагтган ўқувчилар сонини камайтириш.</p> <p>3. Болалар жамоасида билим обрўсини ошириш.</p> <p>4. Мулокот ва ўзини намоён қилиш кобилиятини ривожлантириш.</p> <p>5. Ўкув ва тематик режалаштиришни түгрилаш.</p> <p>6. Ота-оналарнинг болаларининг ишлаши устидан назоратни кучайтириш.</p> <p>7. Ўқитиш сифатини ошириш (тажриба алмашиш, ижодий гурухларда ишлаш)</p> <p>8. Ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни ривожлантириш.</p> <p>9. Болалар жамоасида билимнинг ўсиб бораётган обрўси.</p>
5.	Иқтидорли талабаларга (иқтидорли болалар) эътиборнинг ётишмаслиги. Фаол когнитив фаолият нуғузининг пасайиши	<p>1. Ўқитувчиларнинг узлуксиз таълим курслари, семинарлари, давра сұхбатлари.</p> <p>2. Болаларнинг туман ва вилоят илмий-амалий анжуманларида иштироки.</p> <p>3. Дарсларда ўзаро қатнашиш шаклида педагогик тажриба алмашиш.</p> <p>4. Методик бирлашмалар ва ижодий гурухларнинг иши.</p> <p>1. Талабалар таркибидаги билимларнинг нуғузи ошиб бориши. Яхши ўқувчилар сонини кўпайтириш (ёки уларнинг сонини доимий ушлаб туриш).</p> <p>2. Сертификатлаштиришда муваффакиятнинг максимал ҳолатини яратиш. Билим сифатини ошириш.</p>

			<p>3. Болалар жамоасыда билим обрүсини ошириш.</p> <p>4. Алохидада фанлар бүйічада билим сифаттнны ошириш да мәта-фан билимларын ривожлантириш.</p>
6.	Үкув фаолиятидаги иштирок күрсаткычи паст үкувчиларнинг мавжудлиги	<p>1. Үй вазифалари хажмини таҳлил қилиш. Соғлиқни сақлаш дастури доирасыда дам олиш тадбирларини үтказиш</p> <p>2. “Учинчи чоракнинг дастлабки натижалари” мавзусыда учрашув үтказиш.</p> <p>4. Учинчи чорак натижаларини такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чикиш.</p> <p>6. Дарсларда үзаро қатнашиш шаклида педагогик тажриба алмашиш</p>	<p>1. Ҳамкасларини үқитиш усуллари билан таништириш орқали үқитиш сифаттнны ошириш</p> <p>2. Учинчи чорак охирида алохидада эътибор талаб киладиган үкувчилар рўйхатини тузиш.</p> <p>3. Учинчи чоракни тутатган үкувчилар сифат күрсаткычларини кўтарилиши.</p> <p>4. Үкувчиларни дарсдан кейинги ва мустакил фаолиятида ота-оналар назоратни кучайтириш.</p>
7.	Сифат күрсаткычи юкори үкувчиларни раҳбартлантириш ва уларни қобилиятларига кўра жараёнларни давом эттиришга йўналтириш	<p>1. Бир йил ичидаги тұппланған үкув материаларининг жорий тақрорланишини ташкил қилиш</p> <p>2. Синф үкувчиларини кейинги босқичга тайёрлаш.</p> <p>3. “Очиқ эшиклар куни” ни ташкил қилиш.</p>	<p>1. Үкувчилар хотириасыда йил давомида камраб олинған мавзуларни яна қайта тиклаш. Үкув материалларини кучли мустаҳкамлаш.</p> <p>2. Кейинги босқичга утишга педагогик-психологик тайёрлик кўриш. Муваффакиятнинг юкори ҳолатини ташкил қилиш.</p> <p>3. Билим сифаттнны ошириш.</p> <p>4. Үкувчиларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш.</p>

8.	Үкув йилини тугатиши ва мактаб үкувчиларини оралык аттестациядан үтказиш муаммолари	<p>1. Үкув йили охирги чораги дастлабки натижалари бүйічада учрашув үтказиш.</p> <p>2. Мунозарали баҳоларга эга бўлган, шунингдек, паст күрсаткычдаги үкувчилар билан ишлаш режаларини ишлаб чикиш.</p> <p>3. Билимлар кўрсаткычини якуний назоратларини үтказиш.</p> <p>4. Үқитувчининг йил давомида бажарган ишларининг натижаларини таҳлил қилиш.</p> <p>7. Кейинги үкув йилига узлуксиз таълим курсларини режалаштириш.</p>	<p>1. Йил охирида алохидада эътибор талаб киладиган үкувчилар рўйхатини шакллантириш ва улар билан ишлаш.</p> <p>2. Үкувчилар билимларидаги муаммоли мавзуларни аниқлаш ва бу бўшликларни тўлдириш. Билим сифаттнны ошириш.</p> <p>4. Битирувчиларнинг билим сифаттнны ошириш.</p> <p>6. Үкув жараёнини үкув-таквимий режалаштириш ва услугубий таъминлашни такомиллаштириш.</p> <p>7. Үқитиш сифаттнны ошириш.</p> <p>8. Таълим мотивациясини фаоллаштириш.</p>
9.	Сифат күрсаткычларининг якуний натижалари муаммолари. Босқичдан-босқичга шартли равишда үтказилган үкувчилар билан ишлеш муаммолари	<p>1. Якуний натижалар кўрсаткычларини таҳлил қилиш.</p> <p>3. Шартли равишида юкори босқичга үтказилган үкувчилар билан индивидуал машғулотларни давом эттириш.</p> <p>4. Үкувчилар билан ёзги тадбирларни ташкил қилиш тўғрисида ота-оналар билан индивидуал сұхбатлар үтказиш</p>	<p>1. Якуний натижалар кўрсаткычларидаги юкори кўрсаткычга эга бўлиш.</p> <p>2. Якуний натижалар кўрсаткычларни таҳлилига кўра ҳамкорликдаги кўшимча дастурлар ва лойихаларни тайёрлаш, ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш.</p> <p>3. Үкувчиларни янги үкув йилига тайёр гарлиги.</p>

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ “МАКТАБ-ЛАБОРАТОРИЯ” ТАЖРИБА МАЙДОНЧАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Таълим сифатини аниқлаш ва баҳолаш тизими умумтаълим муассаса даражасида таълим сифатини ошириш мақсадларига тўлиқ жавоб берадиган мезонлар ва кўрсаткичлар тўпламини ўз ичига олади.

3-жадвал

Таълим сифатини аниқлаш индикаторлари ва баҳолаш мезонлари¹

№	Таълим сифатини аниқлаш индикаторлари ва баҳолаш мезонлари-даги интеграцион сифат	
1.	ДТС ва ўкув дастурларини самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги	
2.	ДТС, ўкув дастурлари, ўкув-услубий манбалар ва ўкув жараёни иштироқчилари компетенцияларининг узвий алоқадорлиги	
3.	Услубий ва ташкилий инновацион фаолият	
4.	Янгича инновацион ёндашувларнинг таълим олувчилар натижалари сифати ва билимдонлик даражасига таъсири	
5.	Таълим муассасаси ўкув жараёнларининг моддий-техник баҳза билан таъминланганлик даражаси	
6.	Таълим муассасаси бўғинлари максад ва вазифаларининг уйғуллиги	
7.	Таълим тизимининг бошқарув, педагогик ва услубий каби таркибий қисмларининг ахборотлаштирилиши, фойдаланиш учун ишончли ва қулиялиги	
8.	Таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилган ўкув дастурлари	
	услубий ва дидактик таъминотнинг яратилганлиги	
	таҷрибадан ўтказилган ташхисловчи услубий кўрсатмалар	
	сифатни таъминловчи инновацион гоялар мажмуи	
	услубий ишларнинг ташкилий жиҳатдан кўриб чиқиш, илгор таҷрибаларни аниқлаш, ўрганиш, оммалаштириш	

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

9.	Ахборот-услубий ва таълим-технологик кўрсаткичлари	<p>таълим муассасасини баҳолашда эксперт хулосаси ўтказилган тажриба натижалари материаллари</p> <p>мақсадга мувофиқлик даражаси бўйича ўтказилган кенгашлар, йиғилишлар, ҳисоботлар</p> <p>таълим жараёни иштирокчилари кесимида ўтказилган услугубий семинар материаллари</p>		
10.	Таълим муассасаси моддий-мoliajий ресурслар даражаси	<p>таълим муассасасида алоҳида тадбирларининг молиялаштириш имконияти</p> <table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="width: 30%;">таълим муассасаси моддий-техник базаси ҳолати</td><td style="width: 70%;">ўқув жараёни материалларига тегишли бошқарув ва синф хоналарининг компьютер, аудио-визуал техникалар билан таъминланганлиги лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги таълим муассасасининг алоқа воситалари билан таъминланганлиги ўқув-услубий адабиётлар, дарсликлар билан таъминланганлиги спорт майдончалар, заллари, инвентарлари билан таъминланганлиги масофавий таълим ташкил этиши учун моддий-техник базанинг мавжудлиги</td></tr> </table>	таълим муассасаси моддий-техник базаси ҳолати	ўқув жараёни материалларига тегишли бошқарув ва синф хоналарининг компьютер, аудио-визуал техникалар билан таъминланганлиги лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги таълим муассасасининг алоқа воситалари билан таъминланганлиги ўқув-услубий адабиётлар, дарсликлар билан таъминланганлиги спорт майдончалар, заллари, инвентарлари билан таъминланганлиги масофавий таълим ташкил этиши учун моддий-техник базанинг мавжудлиги
таълим муассасаси моддий-техник базаси ҳолати	ўқув жараёни материалларига тегишли бошқарув ва синф хоналарининг компьютер, аудио-визуал техникалар билан таъминланганлиги лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги таълим муассасасининг алоқа воситалари билан таъминланганлиги ўқув-услубий адабиётлар, дарсликлар билан таъминланганлиги спорт майдончалар, заллари, инвентарлари билан таъминланганлиги масофавий таълим ташкил этиши учун моддий-техник базанинг мавжудлиги			
11.	Ўқув жараёнининг сифат кўрсаткичлари	<p>жараённи ташкил қилишнинг ва мақсадининг аниклиги</p> <p>ДТС, ўқув талаб ва меъёрларига мувофиқлиги ўқув режа ва дастурларнинг бажарилиши ўқув жараёни иштирокчилари фаолиятининг тўғри йўлга қўйилганлиги</p> <p>иштирокчилар фаолияти учун ижтимоий-рухий соғлом мухитининг мавжудлиги</p> <p>жараён иштирокчилари саломатлигига ўқув юкламаларининг таъсири</p>		
12.	Ўқув жараёнининг таҳлил қилиш кўрсаткичлари	таълим муассасаси бошқарув иштирокчилари ва услубчиларнинг ўқув жараёни сифатига берган баҳоси		
		дарс жараёнининг дидактик таъминоти даражаси		
		дарс жараёнининг технологиялаштирилганлик даражаси		

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

		ўкув жараёнинг ДТС ва дидактик меъёрларга мувофиклиги	ўкув жараёни иштирокчилари нинг тўликлиги таълим берувчи хафталик юкламасининг тўгри таҳсимлангани
			ўкув жараёни учун техник воситалар билан таъминланган майдоннинг ажратилиши
			ўкув жараёни фанлар кесимида услубий ёрдам кўрсатувчи аҳборот-ресурс маркази мавжудлиги
		синфдан ташқари ўкув ишларининг тўғри ташкил килингани	
		ўкув жадвали, ўкув дастури, тақвим режанинг амалда бажарилганлиги	
		ўкув жараёнидаги ижтимоий-рухий ҳолатнинг қулайлик даражаси	
13.	Таълим жараёнида тарбиявий курсаткичлари	таълим иштирокчиларининг ижобий ҳаракатчанлиги	
		тарбиянинг шахсий йўналтирилганлиги	
		таълим жараёнига тарбия ташкилий шаклларини хам мослаштириш	
		тарбиявий ишларнинг моддий-техник таъминланганлиги	тарбиянинг комплекс режаси ишлаб чиқилганлиги тарбияга доир кодекслар, эслатмалар, хужжатларнинг мавжудлиги
			таълим муассасаси одобахлоқ қоидалари ишлаб чиқилганлиги

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

			таълим жараёни иштирокчилари учун ижодий танловларнинг Низомлари мавжудлиги
			тарбиявий ишларнинг тўгри режалаштирилганлиги ва бошқарилиши
			тарбиявий ишларнинг назорат механизmlари мавжудлиги
			тарбиявий ишларни таҳлил қилиб бориш даржаси
			таълим муассасасида тарбиявий ишларнинг изчилигига мунтазамлиги
			таълим жараёни иштирокчиларида таълим-тарбия таъсир кўрсагиши имкониятларидан фойдалана олиш қобилияти мавжудлиги
			тарбиянинг барча турларига эътибор қаратилганлиги
			маънавий тарбия ахлоқий тарбия жисмоний тарбия эстетик тарбия экологик тарбия
			тарбиявий ишларда хамкорликнинг тўғри йўлга қўйилганлиги
			умумтаълим муассасаси жамоаси ота-оналар хамкорлиги васийлик кенгашлари иштироқи маҳалла фаоллари иштироқи хуқуқни муҳофаза қилиш органлари иштироқи
			соғлом турмуш тарзининг йўлга қўйилганлиги
			тарбия шаклларининг милллий менталитетимиз ва таълим олувчиilar табларига мослиги

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

“Ўқув жараёни учун ташкил қилинган шарт-шароитлар” мезони	Таълим муассасасини ўқитувчилар билан таъминлаш сифатини баҳолаш
	Логистикани баҳолаш
	Санитария-гигиена ва хавфсиз шароитларни баҳолаш
	«Таълим тӯғрисида”ги конуннинг бажарилишини баҳолаш
	TMсида психологик-педагогик шароитни баҳолаш
“Ўқув жараёни мазмуни сифати” мезони	Таълимни сифатини бошқариш фаолиятини баҳолаш
	Дастурий ва услубий таъминот манбаларини баҳолаш
	Таълим олиш имкониятини баҳолаш
“Ўқув жараёни натижаларининг сифати” мезони	Ўқитувчиларнинг ўқув-услубий ютуқларини баҳолаш
	Ўқитувчиларнинг дарсдан ташқари ютуқлари
	Ютуқлар даражаси, натижалар самарадорлиги.
	Ўқитувчиларнинг билим кўрсаткичлари
	Умумтаълим мактабини юкори кўрсаткичда тамомланган битирувчилар даражаси
“Инсон ресурслари” мезони	Ижодий танловларда қатнашган ўқитувчилар кўлами
	- шаҳар даражасида
	- минтақавий даражада
	- Республика даражада
	Таълим муассасасида ёш мутахассисларнинг мавжудлиги ва уларга кўрсатиладиган илмий-услубий ёрдам
	Олий педагогик маълумотга эга бўлган ўқитувчиларнинг улуши (фоизда), илмий даражага эга ўқитувчилар мавжудлиги (сони) ва улар тажрибаларидан фойдаланиш, оммалаштириши
	Танловларда иштирок этган ўқитувчиларнинг мавжудлиги:
	- шаҳар даражаси;
	- минтақавий даражада;
	- Республика даражада;
Моддий-техник база	Танловларда ғолиб ва совриндор бўлган ўқитувчиларнинг мавжудлиги:
	- шаҳар даражаси;
	- минтақавий даражада;
	- Республика даражада;
	Соғлиқни саклашни тартибга солувчи талабларга муовфик инфратузилманинг мавжудлиги: - тиббий бўйим мавжудлиги; - спорт залининг мавжудлиги; - спорт майдончасининг мавжудлиги; - жисмоний тарбия ва спорт учун қўшимча имкониятлар мавжудлиги

	<p>Ўкувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун инфрагузилма мавжудлиги</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ўкувчиларнинг интеллектуал ривожланиши учун шароит мавжудлиги; - Ўкувчиларнинг бадиий ва эстетик ривожланиши учун шароит мавжудлиги; - Ўкувчиларнинг экологик ривожланиши учун шароит мавжудлиги ва бошқалар.
Таълим муассасаси фаолиятидаги таълим хизматларидан фойдаланувчиларнинг қоникиши даражаси	<p>Мактаб таълим фаолиятидан кониккан ота-оналарнинг улуши (фоизда)</p> <p>Таълим жараёни иштирокчиларининг муассасаси фаолияти тўғрисида расмий шикоятларини қабул килиши, кўриб чиқиши тизимининг мавжудлиги (асослар билан тасдиқланган).</p>

**“ИҚТИДОР” ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
БЎЙИЧА НАМУНАВИЙ ИШ РЕЖАСИ**
(муассасаси даражасида)

№	Бажариладиган илар мазмуни	Вакти	Масъуллар
1	Иктидорли ўкувчиларни ташхислаш.	феврал	Олий ўкув юрти ва мактаб маъмурияти
2	Қобилиягли ўкувчиларни ташхислаш бўйича сухбатлар, учрашувлар ўтказиш	март	Олий ўкув юрти ва мактаб маъмурияти
3	Иктидорли ўкувчиларнинг фан ўқитувчилари томонидан қўллаб-куватлаш ишларини ташкил этиш	март	Кафедра профессор-ўқитувчилари ва мактаб ўқитувчилари
4	Ўкувчиларнинг қобилияtlари ва эҳтиёjlарига мос келадиган кўшимча ўкув курслар тармогини кенгайтириш	май	ПТИК ва мактаб маъмурияти
5	ТМси даражасида фан олимпиадаларини ташкил этиш ва ўтказиш	октябр	ПТИК ва мактаб маъмурияти
6	Ўкувчиларнинг туман, вилоят олимпиадаларида иштирокини таъминлаш	ноябр, деқабр	ПТИК ва мактаб маъмурияти
7	«Иктидор» дастурининг самарадорлиги ва амалга оширилишини тахлил килиш ва такомиллаштириш	январ	ПТИК ва мактаб маъмурияти
8	Иктидорли ўкувчилар билан ишлаш бўйича педагогик маълумотлар мажмумини ишлаб чиқиши	доимий равишда	ПТИК ва мактаб маъмурияти
9	Олимпиада, танловлар, фестиваллар гонлибларини тақдирлаш	апрел	ПТИК ва мактаб маъмурияти

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

10	Иқтидорли болаларнинг ижодий кобилиятларини ривожлантириш учун қўшимча таълим тизимини кенгайтириш	доимий равишда	ПТИК ва мактаб маъмурияти
11	Иқтидорли болаларнинг шаҳар, вилоят ва республика миқёсидағи турли ижодий танловларда иштироки	доимий равишда	ПТИК ва мактаб маъмурияти
12	Ўкув фанларини чукур ўрганиш имкониятларини таҳлил қилиш	доимий равишда	Педагог-ходимлар, тадқиқотчи-амалиётчилар
13	Иқтидорли ўқувчилар билан ишлайдиган ўқитувчилар тажрибасини умумлаштириш	апрел	ПТИК ва мактаб маъмурияти
14	Фан хафталикларини ўтказиш	Февраль-март	Кафедралар ва услубий бирлашмалар
15	Иқтидорли ўқувчилар бтуклари “Портфолио”сини тайёрлаш	Апрель	Синф мураббийлари ва тадқиқотчи-амалиётчилар

“Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш шакли сифатида таълим турлари ўртасидаги интеграция муносабатларини таъминлаш, умумтаълим мактаблари фаолиятини инновацион жараёнларга тортиш, таълим ва тарбия уйғунлиги борасида самарадорликка эришиш, таълим сифатини бошқариш ва яхшилаш, иқтидорли ўқувчиларни юзага чиқариш, ўқитувчилар фаолиятини назорат қилиш ва уларни қўллаб-куватлаш билан боғлиқ сифат кўрсаткичларига эришиш имконини беради. Таълим жараёнини биргаликда такомиллаштиришга, узлуксиз таълим тизимини яратишга қаратилган “мактаб-лаборатория” интеграллашган инновацион майдончаларини ташкил қилиш таълим турлари ўртасидаги узвийлик муаммосини бартараф қилишга, ўқувчиларнинг асосий билим, кўнникма ва малакаларини тўлиқ таъминланишга, таълим берувчи мутахассисларнинг компетенцияларининг такомиллашувига катта имкон яратади. Бу “майдон”да таълим жараёни иштирокчилари ўртасида таълимнинг инсонпарварлик, демократик тамойилларига асосланган мухит шаклланиб, у шахсга йўналтирилган, ўз-ўзини билиш ва ривожлантиришга асосланган таълимни ташкил этишга ёрдам беради.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Таълим самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар ҳажмининг ортиши таълим муассасалари сифат даражаларини аниқлаш, уларда миңтақа миқёсида сифат кўрсаткичларининг мониторинг қилиниши натижасида таълим субъектлари ўргасида яратиладиган рақобат майдони таълим самарадорлигини ошириш имконини беради.

2. Таълим самарадорлигини оширишга замонавий ёндашувларнинг татбиқ этилиши уни субъективлик, таркиб, тузилиш, ривожланиш, шахс эҳтиёжларини мувофиқлаштириш каби хусусиятлар орқали давлат ва жамиятни ўзаро боғлиқликда инсонпарварлик, узлуксизлик, тараққиёт ва демократлаштириш ғояларига асосланган замонавий таълимнинг янгиланиши ва ривожланишини белгилаб беради.

3. Таълимни кластерлаштиришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш натижасида миңтақанинг таълим сифати менежменти, таълим мазмуни таркибининг асосий хусусиятларини ҳар томонлама янгилаш ва ривожлантириш имкониятлари ортади.

4. Кластер моделини таълим тизимиға татбиқ этиш шартларининг аниқланиши ва уларнинг жорий этилиши таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

5. Таълим соҳасида мақсадга йўналтирилган, интеграцион тузилишга эга бўлган умумий ўрга таълим самарадорлигини оширишнинг янги моделларида интеграцион педагогик ва технологик ёндашувларни жорий этишга инновацион самарали механизм сифатида қаралиши мақсадга мувофиқ.

6. Таълим кампусидаги муассасаларнинг умумий мақсади ва хусусий манфаатидан келиб чиқиб белгиланадиган ижтимоийни таъминлаш ва ривожлантириш ўқувчиларни истеъод, қизиқиш, қобилият, иқтидор хусусиятларига кўра тўғри касбга йўналтириш орқали олиб борилиши таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади ва бу юқори самарадорликка эршиш имкониятини оширади. Бу жараённинг узвийлик ва изчилликда ташкил қилиниши жамият эҳтиёжларига мувофиқ рақобатбардош кадр тайёрланишини таъминлайди. Тадқиқот натижалари таълим си-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

фатини оширишда педагогик таълим кластери моделини амалиётга жорий этиш зарурати мавжудлигини кўрсатди.

7. Кластерли ёндашув асосида олий таълимнинг илмий салоҳиятини умумтаълим мактабларига йўналтириш асосида ўкув жараёнларини ташкил қилиш бўйича танланган ўқитиш методика ва ёндашувлари натижасида самарадорлик ортади.

Изланишлар асосида куйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Ўкув режа ва дастурларни таълим кластери ижтимоий буюртма истеъмолчиси талаблари ва улардаги илм, фан ҳамда технологик янгиланишлар асосида такомиллаштириб бориш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда барча умумий ўрта таълим муассасаларида 7-синфдан бошлаб вариатив ўкув режалар асосидаги таълимни ташкил қилиш лозим.

2. Муассаса таълим сифати ва мактаб битирувчиларини баҳолашда истеъмолчилар иштирокини кенгайтириш, таълим сифатини таъминлашда уларни жалб қилишнинг инновацион таълим хизматларини йўлга қўйиш зарур.

3. Таълим соҳасидаги кадрларга бўлган талаб ва таклифларни инобатга олган ҳолда олий таълим тизимида умумий ўрта таълим муассасалари билан ҳамкорликда таълимнинг назарий қисми билан биргаликда амалий қисмни ҳам ижтимоий буюртма истеъмолчилари талабларини таъминлашга қаратилган дуал таълим жараёнини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

4. Таълим кластери субъектлари ўргасидаги мақсадли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш орқали таълим олувчиларнинг касб танлаши бўйича етарли маълумотлар бериш тизимини такомиллаштириш, касблар нуфузини ошириш ва бунда юзага келадиган психологик тўсиқларни бартараф этиш лозим.

5. Таълим кластери субъектлари фаолиятининг сифатини мониторинг қилишда истеъмолчилар иштирокини кенгайтириш зарур.

6. Замонавий рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида Республика даражасидаги таълим кластерини ташкил қилиш, бунга ваколатли давлат органларини жалб қилиш, босқич-ма-босқич ресурслар ҳажмини ошириб бориш лозим.

ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР МАЗМУНИ

Авторитар қобилият - талабаларга хиссий-иродавий таъсир этиш орқали улар ўртасида обрў қозониш имкониятини яратувчи қобилият

Акмеологик ёндашув -рақобатга бардош бериш ва енгиш учун юксакликка интилиш

Аксиология - қадриялар тўғрисидаги фалсафий таълимот.

Агрегирлаш бу -тизимнинг алоҳида бўлаклардан яратилиши.
Агрегирлашга мисол - Тизимнинг пасдан тепага бўлган йўналиши бўйича таҳлил қиласи, осондан қийинга, бўлақдан бутунга.

Алгоритм - (лот. algorithmi- ибтидо) маълум бир соҳага оид муаммоларни ҳал қилишда ечишда ишлатиладиган жараёнлар тизимининг муайян тартибда бажарилиши ҳақидаги аниқ дастур.

Ахборотлаштириш жараёни - ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда маълумот тарқатиш, яратиш жараёни, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, қидириш, ўтказиш ва фойдаланиш.

Башорат -эҳтимоллик билан боғлиқ илмийликка асосланган у ёки бу ходисанинг истиқбол, эҳтимолли ҳолатлари ҳақидаги қарашлар.

Билиш қобилияти – ўқитувчининг таълим жараёнининг иштирокчилари – талабалар, ота-оналар, ҳамкаслар ва таълим муассасасининг раҳбарлари билан осон мулоқотга киришиш, улар билан муносабатни тўғри йўлга қўйишга ёрдам берадиган индивидуал психологик хусусият

Дидактик ўйинлар - ўрганилаётган обьект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида талабаларнинг билишга бўлган қизиқишилари, фаолликларини оширадиган ўқув фаолияти тури

Экстремал компетентлик – фавқулотда вазиятлар (табиий оғатлар, технологик жараён ишдан чиқсан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик

Фасилитатор бу...гуруҳдаги мулоқатни жонлантирувчи.

“Интенсив” сўзи жадал, тезкор фаолият кўрсатиш.

Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фа-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

оллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулокотга кириша олиш.

Интерфаол таълим - талабаларнинг БКМ ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида ўзаро ҳаракатларни ташкил этишга асосланувчи таълим

Индикатор - тадқиқ қилинаётган жараённинг йўналтирилганлиги ва босқичма-босқичлигини кузатиш имконини берадиган аҳамиятли ва тузилмавий кўрсаткич.

Информацион компетентлик – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йигиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

Инновацион компетентлик – педагогик жараённи такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараённининг самарадорлигини оширишга доир янги foяларни илгари суриш, уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш;

Иқтидор - бу ҳаёт давомида ривожланиб борадиган психиканинг тизимли сифати, бу одамнинг бошқа одамлар билан солиштирганда бир ёки бир нечта фаолият турларида юқори (ғайриоддий, фавқулодда) натижаларга эришиш имкониятини белгилайди.

Касбий билимлар - методологик (фалсафа, психология, мантиқ, педагогика, қонуниятлар); назарий (мақсад, тамойил, қоидалар, олимларнинг фикрлари); методик (ўкув-тарбия жараёнини ташкил эта олиш даражаси); технологик (аниқ шароитда педагогик вазифаларни ечиш ва вазиятлардан чиқа олиш даражаси); прогностик (шахс ривожланишини олдиндан лойиҳалаштира олиш); амалий (кўникма, малака).

Касбий компетентлик куйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлади: Касбий компетенцияга эга мутахассис: - ўз билимларини изчил бойитиб боради; - янги ахборотларни ўзлаштиради; - давр талабларини чуқур англайди; - янги билимларни излаб топади; - уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали кўллайди.

Креативлик - индивиднинг янги foяларни ишлаб чиқаришга тайёрлигини тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирадиган ижодий қобилияти.

Креативликни ифодаловчи ҳолатлар - муаммо ёки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартириш; қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниклаш; муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанлик. (П.Торренс)

Компетенция - маълум соҳада муваффақиятли фаолият юритиш учун билимлар, амалий малакалар ва шахсий сифатларни қўллаш қобилияти.

Кўникма - узок вақт давомида такрорлаш натижасида пайдо бўладиган кишининг англанган иш ҳаракатларини бажаришдаги автоматлашган усулларидир.

Коммуникатив қобилияят -талабалар билан муроқотда бўлиш, уларга тўғри ёндашишнинг самарали йўлини топиш, педагогик тақтнинг мавжудлигини ифодаловчи қобилият.

Коммуникатив қобилияятга хос ҳусусият - бошқа одамлар билан бўладиган ва биргаликда фаолиятда психологоқ қовушув-чанликни таъминлайдиган қобилият; Бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш.

Компетентлик сифати - касбий фаолиятни амалга оширишда мутахассис томонидан ўзи учун зарур бўлган билим, кўникма, малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олиши

Комбинациялаштирилган инновациялар ишлаб чиқариш омилларини турли хилдаги комбинацияларда ишлатилишга асосланувчи инновациялар

Лойиха - аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган ҳаракат маҳсули

“Мактаб–лаборатория” – педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантириш мақсадига қаратилган инновацион-интеграцион лойихаларни амалиётга татбиқ этиш вазифасини бажарадиган мажмуя.

Малака - шахснинг билим ва кунималарига асосланган холда маълум фаолиятни муваффакиятли бажаришга тайёрлиги.

Махсус компетентлик – касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишига тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни из-чил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик қўзга ташланади. Улар ўзида қуидаги мазмунни ифодалайди:

Маҳорат (а. “маҳорат” – моҳирлик, усталик, эпчиллик) – бир иш ёки фаолиятни юксак даражада, ҳеч бир қийинчиликсиз, ўта моҳирлик билан бажариш. Педагогик маҳорат – педагогнинг педагогик жараённи ташкилий, методик, руҳий ва субъектив жиҳатдан ўта моҳирлик, усталик билан ташкил этиш ҳамда бошқариш қобилияти ва малакасига эгалиги

Методология - илмий билимни ташкил этишнинг умумий шакли.

Методик компетентлик – педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шаклларини тұғри белгилаш

Мониторинг - маҳсус ташкил этилган, мақсадли мониторинг, мавжуд маълумот манбалари, шунингдек, маҳсус ташкил этилган тадқиқотлар ва ўлчовлар асосида ҳолатни доимий мониторинг ва диагностика қилиш. Мониторинг - бу таълим тизимининг ҳолати ёки унинг алоҳида элементлари, шунингдек аҳоли ва ота-оналарнинг таълим әхтиёжларини қондириш тұғрисидаги маълумотларни тұплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш тизими. **Мониторинг** – корхона, ташкилот, муассаса ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида маҳсус ташкил қилинган тизимли кузатув.

Моделлаштириш жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тұла ёритувчи моделни яратиш.

Модуль мазмуний ва мантикий якунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирлик.

Модул түшунчасининг моҳияти – бу дидактик мақсадлар, мантиқан тугалланган (фанлараро ва фан ичидаги боғланишини ҳисобга олиб тузилган) ўқув материалы қисмидир.

Модератор - фаолиятни фаоллаштирувчи.

Муаммоли ўқитиши - ўқитишининг табиий-самарали усули, муаммоли вазиятлар яратиш орқали илмий билимлар мантиқини

намойиш этадиган ўқитиш жараёни.

Муаммоли таълим технологиялари - талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари

Муаммоли таълим технологияларининг турлари - муаммоли баён, эвристик сухбат, муаммоли намойиш, изланишга асосланган амалий машғулот, ижодий топширик, хаёлий муаммоли тажриба, муаммо фаразларини шакллантириш, масалаларни муаммоли ечиш (оптимал вариантларни танлаш), муаммоли вазифа, муаммоли ўйин.

Парадигма - ўз ҳамжамиятида намуна, меъёр, муаммолар ечимиининг стандарти сифатида қабул қилинган тарихий шаклланган методологик, дунёқараш, илмий, бошқарув ва бошқа меъёрларнинг мажмуи.

Педагогик тизим --педагогик технологиянинг тузилмаси шахснинг камолотини таъминлаш учун ўзаро алоқадор бўлган, бир бирини тўлдирувчи, такомиллаштирувчи турли тузилмавий таркиблардан иборат бўлган мажмуа

Педагогик креативлик -педагогнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фарқли равишда таълим ва тарбия жараёни самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги foяларни яратиши, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти.

Педагог креатив потенциалининг таркибий асослари мақсадли-мотивли ёндашув; мазмунли ёндашув; тезкор-фаолиятли ёндашув; рефлексив-баҳолаш.

Педагогик маҳорат – таълим ва тарбиявий фаолиятда юқори даражага эришишни ва уни доимий такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи фаолият.

Педагогик мулоқот - таълим олувчиларнинг мақсадлари ҳамда уларнинг биргаликдаги фаолиятлари мазмунидан келиб чиқадиган ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш.

Педагогик технология – бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёй-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

нининг мазмунидир.

Педагогик маҳоратнинг даражалари - репродуктив (ўта паст), мослашувчан (паст), локал (чегараланган) - моделлаштириш (ўртача қониқарли

Психологик компетентлик – педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни яратса олиш, талабалар ва таълим жараёнинг бошқа иштирокчилари билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартарафа эта олиш;

Педагогик рефлексия – педагогнинг шахс онги моҳияти, вазифалари, қадриятлари, қизиқишлари, рағбатлантирувчи омиллар, фикрлаш, идрок, қарорлар қабул қилиш, ҳиссий таъсирланиш, хатти-ҳаракатлари ва бошкalarнинг моҳиятини англаб этиши

Қобилият – шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишни муваффақиятли бажаришдаги субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик сифатлар йигиндиси.

Сифат – обектнинг белгиланган ва кутилган эҳтиёжларини кондириш қобилияти билан боғлиқ ҳусусиятлар тўплами.

Сифатни таъминлаш – доимий мониторинг учун мавжуд бўлган ва сифат талабларини бажаришга ишонч ҳосил қилиш учун зарур бўладиган режалаштирилган ва амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи.

Супервайзер - таълим жараёнидаги камчилик ва ютуқларни кузатувчи ва назорат қилувчи

Таълим сифати – таълим самарадорлигини оширишда иштирокчилар касбий ва шахсий компетентлигининг узвийликда, узлуксизликда шаклланиши, изчилликда ривожланиши асосидаги якуний натижаларнинг ҳалқаро ва миллий баҳолаш дастурларига мувофиқлигини тавсифлайдиган ижтимоий тушунча.

Таълим сифатини баҳолаш - таҳлил ва баҳолаш усулларидан фойдаланган ҳолда ресурс билан таъминлаш, ўқув жараёни, ўқув натижаларининг меъёрий талабларга, ижтимоий ва шахсий тахминларга мувофиқлигини аниқлаш.

Таълим сифатини бошқариш - таълим тизимининг амалдаги мезонларига, унинг ижтимоий ва педагогик натижаларига ўрнатилган ва таклиф этилаётган талаблар, меъёрлар, стандарт-

ларга юқори даражада мувофиқлигини таъминлаш учун таълим жараёнига, шунингдек бошқа тегишли асосий, бошқарувчи ва ёрдамчи жараёнлар мажмуасига тизимли, мувофиқлаштирилган таъсир кўрсатиш.

Таълим сифатини яхшилаш – бу таълим фаолиятининг мавжуд мезонларини таълим сифати соҳасидаги сиёсатда белгиланган мақсад ва вазифаларга яқинлаштириш жараёни ва натижаси.

Таълим сифатини бошқариш – бу таълим сифатини таъминлаш, такомиллаштириш, мониторинг қилиш ва баҳолашга йўналтирилган стратегик ва тезкор ҳаракатларнинг мунтазам равишда амалга ошириладиган тизими.

Таълимни модернизация қилиш – бу миллй таълимнинг энг яхши анъаналарини сақлаб қолиш ва кўпайтириш билан бирга, таълим тизимининг барча йўналишларини ва таълим фаолиятининг барча соҳаларини замонавий ҳаёт талабларига мувофиқ равишда ҳар томонлама янгилаш. Таълим муассасаларида сифат бошқаруви инсон билан, биринчи навбатда, ўқитувчи билан ишлашдан бошланади ва кадрлар билан ишлаш, уларнинг касбий даражасини ошириш билан тугайди (Ю.А.Конаржевский).

Таълим воситалари таълимнииг ташкилий шаклига, таълим жараёнида фойдаланиладиган барча кўргазмали воситаларга, ўқув материалини кўргазмали тақдим этиш ва шу билан бирга ўқитиш самарадорлигини оширувчи ёрдамчи материаллар.

Тьютор - мураббий, васий.

Технологик тизим - ўқитувчи-тарбиячининг педагогик метод, усул ва воситаларни режали ва кутилган иатижаларга эришишга имкон берадиган, шахсга ва жамоага аниқ тасир кўрсатадиган жиҳатларини танлаш тизими.

Технологик компетентлик – касбий-педагогик БКМни бойитадиган илфор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.

Ўқитувчининг мантиқий қобилияти – мулоҳаза юритиш, рақамларни, математикани, мураккаб масалаларни эчишга қизишиш.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

Ўқитувчининг билиш қобилияти - ўқитувчининг ўз фанини ва бошқа фанларни чуқур билиши, ўзлаштириши ва амалиётда намоён этиши

Ўқитувчининг конструктив қобилият - ўқитувчининг ўкув-тарбиявий фаолиятни пухта режалаштириши асосида юзага келадиган касбий педагогик вазият босқичларини оддиндан кўра олиши

Шахсий компетентлик – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.

Шахсга йўналтирилган таълим талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим .

Шахс креативлигини ривожлантирувчи методлар - гурӯхлаштириш, режа тузиш, таянч тушунчаларни аниклаш, мавзу ичидаги кичик мавзуларни ҳосил қилиш, қайта баён этиш, тушунчаларни бойитиш, педагогик вазиятларни ҳал қилиш, туркумлаштириш, схемалаштириш.

Кластерли ёндашув асесида таълим сифатини ошириш
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

**Норматив-хукукий хужжатлар ва методологик аҳамиятга
молик нашрлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги УРҚ-637-сон Конуни. Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябрь, Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль. –Б.39.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий ўрта, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сон фармони, 2018 йил 25 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сон фармони, 2018 йил 5 сентябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. ПФ-5712-сон. 2019 йил 29 апрел. www.lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 14 март, ПҚ-2829-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель, ПҚ-2909-сон.
8. 2017 йил 30 сентябрь; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3304-сонли қарори, 2017 йил 30 сентябрь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

этиш тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь, ПҚ-3305-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон. 2018 йил июнь.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сон қарори, 2019 йил 16 январь.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рафбатлантириш мақсадида “Президент мактабларини очиш” тўғрисида”ги ПҚ-4199-сон қарори 2019 йил 29 феврал.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли қарори, 2017 йил 6 апрель.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарори, Тошкент ш., 2017 йил 22 май.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги “Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 213-сон қарори, Тошкент ш., Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги Халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон қарори 2020 йил 6 ноябрь.

16. Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиёевнинг Олий

Мажлисга Мурожаатномаси// Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги // 28.12.2018 й.

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

17. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорлиқда янги технологияларнинг ўрни // “infoCOM,UZ” журнал. -2005. №7, -Б. 42-43.
18. Абдуллаева Н.М. Интеграционный метод обучения в школах и его особенности / Н. М. Абдуллаева. - Текст : непосредственный, электронный // Молодой ученый. 2018. № 12 (198). - С. 141-142.
19. Акбаров Б. Кластер тизими умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шак-ллантиришнинг асосий омили сифатида // Халқ таълими. 2019. № 4. –Б. 106..
20. Белянкова Н.М. Интеграция естественно-научного и гуманитарного образования как фактор образования личности / Н.М. Белянкова // Нач. шк. 2004. - № 9. -С. 56-62.
21. Болотов В.А. Единый государственный экзамен как элемент становления системы независимой оценки качества образования в Российской Федерации / Вестник образования.- 2004. -№23 .-С.15-25.
22. Воронин Д.М., Мишина О.С. Критерии эффективности образовательной организации как основа оценки и повышения качества образования // Перспективы Науки и Образования/ Международный электронный журнал. 2018. 5 (35). - С. 18-25.
23. Гордеева А.Н., Пучкова М.В. Правовое обеспечение интеграции науки и образования // Закон. 2006, № 4.
24. Гуров В. Качества образования в негосударственных вузах // Высшее образование в России № 6, 2004. – С. 149-152.
25. Кедров Б.М. О синтезе наук // Вопросы философии, № 3, 1973. - С. 81-85.
26. Косарев Р.А. Управление качеством обучения как педагогическая проблема // Материалы VII Международной студенческой научной конференции “Студенческий научный форум” 2015.
27. Котова Т. А. Условия повышения качества обучения в школе // Молодой ученый. - 2017. № 15.2. - С. 95-97.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

28. Мухамедов Г.И. Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа // “Халқ сўзи” 15 февраль 2019 йил. <http://xs.uz/uzkr/post>.
29. Мухамедов Ф.И., Хўжамқулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери / монография -Т.: Университет, 2020. 280 б.;
30. Раджиев А.Б. Ўзбекистон Республикаси умумтаълим муассасаларининг миллый рейтинги // 3112-рақам билан Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтган. 2018 йил 29 декабр.
31. Субетто А.И. Качество образования: проблемы оценки и мониторинга / А.И.Субетто // Образование. 2002, № 2. С. 18-21.
32. Тошпулатова М.И. Методика совершенствования профессиональной подготовки будущих учителей начальных классов. / Наука и мир. Россия, -Волгоград, 2014, № 10 (14). – С.78-80.
33. Тошпулатова М.И., Аъзамова Б.М.. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини ўқувчиларни математик тафаккурини ривожлантиришда интегратив ёндошув // НамДУ илмий ахб-маси. Наманган. 2019, № 12. - Б. 173.
34. Тоштемирова С.А Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш // Наманган давлат университети илмий ахбортономаси. Тошкент. 2019, № 11.- Б.362.
35. Тоштемирова С.А. Кластер ёндашуви асосида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. 2021. – 200 б. 21.
36. Тожхонов А. Интегративный принцип организации обучения учителей начальных классов // Бошланғич таълимда интеграцийй-инновацион ёндашувлар. Т.: 2019, № II. - Б. 170.
37. Хамракулов Ж. Сифатли таълим - иқтисодий тараққиёт пойдевори // Иқтисодиёт ва молия. Тошкент. 2011, № 11. Б. – 50.
38. Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим кластери илмий-педагогик муаммо сифатида // Замонавий таълим. –Т.: 2019, № 10 (83). –Б. 10-15.
39. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем // Взаимодействия образовательных учреждений и оциума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного

образовательного форума. Белгород. 24-26 окт. 2006 г.

40. Юлдашев М.А. Таълим сифати менежментининг ташки ва ички назорат мезанизмлари // Илм ҳам жамият. –Нукус. 2016, - № 1. – Б. 88-90.

41. Якибова Д.Ш. Бошлангич таълимда интеграция – интеллектуал тараққиёт омили сифатида // Замонавий таълим. 2016, № 11. –Б. 73-78.

42. Koshanova N.M. Teacher actions in professional direction of secondary school children // European Science Review 2020, № 3-4. - P. 26.

43. Mardonov, Sh., Toshtemirova, S., Ahmadjonov, B., & Koshanova, N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of The Educational Cluster. International Journal of Psychological Rehabilitation, 27(07), - P. 8104-8111.

44. Toshtemirova, S. A. (2020). Factors Affecting the Quality of Education and the Importance of the Education Cluster to Address Them. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8(4), - P. 151-156.

45. Khodjamkulov, U. (2020). Necessity and Conditions for Forming a Cluster of Pedagogical Education (on the Example of the Education System of Uzbekistan). European Journal of Research and Reflection In Educational Sciences, 8(4), - P. 133-137.

46. Khodjamkulov, U., Botirova, Sh., Shofkorov, A., & Abdirimova, I. (2020). Bases of Organizing Cooperation between Educational Institutions through Clusters. Journal of Critical Reviews, 7(12), - P. 243-247.

Бошқа адабиётлар

47. Абдуллаева Б.С. Фанлараро алоқадорликнинг методологик-дидактик асослари / пед. фанлари докт. дисс. –Г.: 2006. - 265 б..

48. Абдуллаев Ю.Н. Хорижда олий таълим: тажриба ва тараққиёт йўналишлари. –Т. Узбекистон. 1999, - 200 б.

49. Абдурахманов О.К. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси. -Т.: Фан ва технология. 2014. - 23 б.

50. Адизов Б.Р. Бошлангич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед.фан.док... дисс. – Бухоро, 2002. – 276 б.

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

51. Атаева Н., Салаева М., Ҳасанов С. Умумий педагогика. Дарслик. II-китоб. Тошкент. 2013. – Б. 159-160.
52. Ахлидинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати. – Тошкент: Фан, 2006. - 206 б.
53. Бегимқулов У.Ш. Олий педагогик таълим тизимиға замонавий аҳборот ва коммуникация технологияларини жорий этишнинг илмий-педагогик асослари // пед.фналари доктори дисс. – Т.: ТДПУ, 2007. – 250 б.
54. Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш // педагогика фанлари доктори дисс. –Т., 2016. - 260 б.
55. Гершунский Б.С. Философия образования для XXI века - М.: Совершенство, 1998. – 345 с.
56. Голиш Л.В. Проектирование и планирование педагогических технологий // серия “Современные технологии обучения”. Издю 2-е. –Т.: ТГЭУ. 2010, - 151 с.
57. Горемыко М.В. Управление качеством общего образования региона на основе кластерного подхода // Дис.канд.пед. наук. - Москва, 2010. – 250 с.
58. Захидова Г.Э. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш услубиёти. -Т.: Фан, 2016.
59. Зиёмуҳамедов Б. Педагогика // Ўқув қўлланма. Тошкент. “Турон-иқбól”. 2006 .-Б. 10.
60. Ибрагимов Х., Абдуллаева Ш. Педагогика назарияси / дарслик –Т.: Фан ва технология, 2008. - 288 б.
61. Ибрагимов Г.И. Формы организации обучения в педагогике и школе. -Казань, 1994. - 168 с.
62. Иноятов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже // автореферат. дисс. докт.пед. наук. –Т.: 2004. –С. 44.
63. Коджаспирова Г.М. Педагогический словарь. –М.: Академия, 2001. –С. 176.
64. Красиков А.С. Оценка качества труда руководителя сферы образования. Ученое пособие. Российская академия образования. Вологодский Институт развития образования. - Санкт-Петербург, 2006. - С. 43.

65. Мавлонова Р.А. Бошлангич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. Методик қўлланма. – Т.: Низомий номидаги Тошкент давлат университети, 2005.
66. Мавлонова Р. А., Раҳмонкулова Н. Х. “Бошлангич таълимни интеграциялашнинг педагогик технологияси” Ташкент, Илм зиё, 2009.
67. Максимова В.Н. Интеграция в системе образования. СПб.: ЛОНРО, 2000. - 82 с.
68. Маҳкамов С.Т. Тарих таълимида курслараро узвийликни таъминлашнинг дидактик асослари // пед. фанлари номз. дисс. – Т.: 2005. –Б. 180.
69. Мусурманов Р. Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва бошқариш. –Т.: “Фан ва технология”, 2011. - Б. 144.
70. Мухамедов Ф.И., Ҳўжамқулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери. -Т.: Университет, 2020. - 280 б.
71. Мухаметзянова Г.В., Пугачева Н.Б. Кластерный подход к управлению профессиональным образованием. Казань: 2007, - 144 с.
72. Назарова О.Л. Управление качеством образовательного процесса профессионально-педагогического колледжа. Учебно-метод. пособие. / Назарова О.Л. – Магнитогорск: МаГУ, 2003. – С .81.
73. Новиков А.М. Российское образование в новой эпохе / Парадоксы наследия, векторы развития. –М.: — “Эгвес”, 2000.
74. Поташкин М.М. Управления качеством образования // пед ред. М.Поташкина. 2003. - 448 с.
75. Рахимов О.Д. “Таълим сифати – ҳаёт сифати” // Ўқув-услубий қўлланма. Қарши. 2015. - Б. 10.
76. Сластенин, В.А., Исаев, И.Ф., Мищенко, А.И, Шиянов, Е.Н. Педагогика: Учеб. пособие для студ. пед. учебных заведений / Под ред. В.А. Сластенина.М.: Школа-Пресс, 1997. - 512 с.
77. Спенсер Г. Опыты научные, политические и философские. / Пер. с англ. под ред. Н. А. Рубакина. — Мин.: Современный литератор, 1998. - 1403 с
78. Тилакова М.А. VIII-IX синф ўқувчиларида синфдан ташқари машғулотларда креатив қобилиятларни ривожланти-

Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш

ришнинг педагогик шарт-шароитлари // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори дисс.. Чирчик. 2019. -Б. 190.

79. Тоштемирова С.А. Умумтаълим муассасаларида таълим кластерини жорий қилишнинг назарий асослари ва амалий жихатлари // Услубий қўлланма. -Т.: 2020. - 75 б.

80. Умаралиева М.А. Инновацион ёндашувлар асосида умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари касбий компетентлигини ривожлантириш технологиялари // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори дисс.. астореф... – Тошкент, -Б. 47.

81. Файзуллаева Г.Ш. Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш (V-IX синфлар мисолида): пед. фан. фалс. док. дисс. автореф... – Самарқанд, 2019. - 46 б.

82. Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари // педагогика фанлари доктори дисс.. – Чирчик, 2020. - 270 б.

83. Хўжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тасниф // илмий рисола. -Т.: 2019.

84. Хўжамқулов У.Н. Мактаб-лаборатория // Услубий қўлланма -Т.: 2019.


85. Қурбонов Ш., Сейтҳалилов Э. Таълим тизимини бошқариш. –Тошкент. “Турон-иқбοл”, 2006. - Б. 101.

86. Исикава К. Японские методы управления качеством /// сокр. Пер. с.англ / К. Исикава –М.: Экономика, 1988. –С. 215.

87. Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, - 454 pp.

88. Sandhya Khedekar. Educational Management, TSCER III.1 Function of Education Managmant. 2007. - Р. 11.

- 12067 -



**Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш
МУНДАРИЖА**

Сўз боши.....	3
Кириш	5

**I БОБ. ТАЪЛИМ СИФАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИ**

1.1. Таълим сифати ва уни бошқаришнинг фалсафий-педагогик асослари.....	11
1.2. Таълим сифатига таъсир қилувчи ташкилий-педагогик омиллар.....	25

**II БОБ. ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИ ЖОРИЙ
ҚИЛИШНИНГ ПЕДАГОГИК-МЕТОДИК
ЖИҲАТЛАРИ**

2.1. Интеграция шароитида таълим самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари.....	53
2.2. Таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатидаги кластер тузилмаси ва уни амалиётга татбиқ этишининг педагогик шарт-шароитлари.....	67
2.3. “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари фаолияти	85
2.4. Таълим кластери шароитида ижтимоий буортмани таъминлаш услубиёти	100

**III БОБ. ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН
КЛАСТЕРИ “МАКТАБ-ЛАБОРАТОРИЯ”ЛАРИДАГИ
ЛОЙИХАЛАР ФАОЛИЯТИ**

3.1. “Иқтидор” йўналиши лойиҳаси фаолияти	120
3.2. “Таълим самарадорлигини ошириш” йўналиши loyiҳasasi фаолияти	143
Тушунча ва атамалар мазмуни.....	169
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	177

С.А.ТОШТЕМИРОВА

**КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ
АСОСИДА ТАЪЛИМ
СИФАТИНИ ОШИРИШ**

Монография

Муҳаррир: Х. Тахиров

Техник муҳаррир: Т. Рахматуллаев

Мусахҳиҳ: Н. Исматова

Саҳифаловчи: А. Мухаммад

Нашр. лиц № 2244. 25.08.2020 й.

Босишига руҳсат этилди 13.12.2021 й.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет қоғози. “Times New Roman”

гарнитураси. Ҳисоб-нашр табоғи. 9,5.

Адади 100 дона. Буюртма № 98.

«ZEBO PRINTS» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, 22-ҳарбий шаҳарча.

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН



КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА ТАЪЛИМ СИФЛГИНИ ОШИРИШ

Мамлакатимизда таълим тизими ислоҳ қилиниб, таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлашга кучли эҳтиёж сезилмоқда. Бугунги кун давр талаби тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан, таълим, ишлаб чиқариш ва жамият ўргасидаги ҳамкорликни кластерли ёндашув асосида амалга оширишни шарт қилиб қўймоқда. Бу эса, барча субъектларнинг умумий максад атрофида хусусий манфаат сари ривожланишини белгилаб беради. Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти томонидан яратилган минтақавий таълим кампусида ҳам педагогик таълим инновацион кластери асосида таълим турлари ва таълим мазмуни интеграциясини ривожлантиришга ҳамда педагогика соҳасида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга катта аҳамият берилмоқда.



Тоштемирова Саодат Абдурашидовна – Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти доценти, педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD). Унинг 100 га яқин илмий-услубий ишлари, жумладан 3 та гувохнома, 2 та монография ва ўкув қўлланмалари чоп этилган. Бугунги кунда ёш олима таълим соҳасига жорий этилаётган Педагогик таълим инновацион кластери бўйича назарий ва амалий изланишларини давом эттирмоқда.



ISBN 978-9943-7477-7-7



9 789943 747777